

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 22.06

АЛЛАЯРОВА СОЛИҲА НАРЗУЛЛОЕВНА

ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

09.00.01 – Онтология ва билиш назарияси

Фалсафа фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Шермухамедова Н.А.

ТОШКЕНТ-2010

МУНДАРИЖА:

	КИРИШ.....	3-21
1. БОБ.	ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКА РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	22-56
1.1.	Герменевтик билимлар тараққиёти	23-45
1.2.	Герменевтик методология ривожининг асосий хусусиятлари.....	46-56
2. БОБ.	ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКАНИНГ ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ ВА ТУШУНИШНИНГ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	57-106
2.1.	Фалсафий герменевтиканиннг асосий тушунчалари ва тадқиқот доираси.....	57-87
2.2.	Матннинг герменевтик концепцияси ва когнитив герменевтика.....	88-106
3. БОБ.	ГЕРМЕНЕВТИК МЕТОДОЛОГИЯ ВОСИТАСИДА ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАР ТАЛҚИНИ.....	107-137
3.1.	Ижтимоий воқелик герменевтикаси (бадий ижод герменевтикаси мисолида).....	108-120
3.2.	Ўзбекистонда миллий ғояни мустаҳкамлашда герменевтик ёндашувнинг аҳамияти.....	120-136
	ХУЛОСА.....	137-143
	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	143-160
	ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Халқи фаровон, авлодлари баркамол юртнинг келажаги фан ва таълим асосида шаклланувчи тафаккур тарзи билан узвий боғлиқ. Ҳозирги замон фалсафасининг асосий йўналишларидан бири – герменевтиканинг методологик жиҳатларини таҳлил қилиш глобаллашув, ахборотлашув ва интеграция жараёни кетаётган XXI асрда воқеалар маъно-мазмунини тўғри тушуниш имконини беради. Нарса-ҳодисалар моҳиятини тушуниш ва тушунтириш фан олдида турган энг асосий вазифалардан бири экан, герменевтика масалаларини ўрганиш маънавий – маърифий тарбия соҳасида муҳим аҳамият касб этади.

Миллий қадриятларимизга эътибор ошаётган бир даврда нафақат ўзлгимизни тушуниш, балки, ўзга маданиятларни ҳам англаш давр талабидир. Зеро, фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатларини ўрганиш мустақил бўлганига кўп бўлмаган давлатимиз тарихини, миллий меросини, илмий манбаларини чуқур таҳлил этиш ва шу асосда уларга мустақил муносабатни шакллантириш имконини беради.

“Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади”¹. Шундай экан, фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатларини мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнлар мисолида таҳлил этиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида ўзининг амалий натижасини беради.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.126-127

Герменевтик методология маъно ва мазмунни тушунтирувчи хусусияти билан миллий ғоя тарғиботи ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, тадқиқот мавзуининг долзарблигини яна қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

биринчидан, ҳозирги замон фалсафасининг асосий йўналишларидан бири – герменевтиканинг методологик жиҳатларини таҳлил қилиш глобаллашув, ахборотлашув ва интеграция жараёни кетаётган XXI асрда воқеалар маъно-мазмунини тўғри тушуниш имконини беради. Мазкур ҳолат герменевтика доирасидаги эришилган илмий изланишлар ҳамда натижаларига таянган ҳолда, ушбу йўналишдаги тушунчалар, тамойиллар мазмунига аниқлик киритиш, илмий асосланган таърифларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда;

иккинчидан, ўтган асрлардаги сиёсий мутелик миллий тарихимизнинг ноҳолис ёритилиши, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги анъаналар узвийлигининг бузилишига олиб келди, тарихий воқеалар, маданий ютуқ ва янгиликлар чеклов ва қолиплар остида қолди. Энг фожеалиси, бу ҳолат кишилар онгига салбий таъсир кўрсатиб, ёзма тарихий-илмий мерос, бадий ижод намуналари (санъат асарлари, бадий адабиёт, меъморий обидалар ва ҳоказо) мазмунини тушуниш ва бу қадриятларни давом эттиришга эътибор сусайди. Шунинг учун ҳам тарих, хусусан, адабиёт ва санъат соҳасидаги миллий меросимизни герменевтик услуб ва воситалар орқали ўрганиш тарихий маънавиятимиз қимматини ошириб, унга ҳолисона баҳо бериш имкониятини яратади;

учинчидан, ижтимоий ҳаётнинг бугунги кифоаси сиёсий, иқтисодий, маданий муаммоларни ҳал қилишда инсондан ассоциатив тафаккур талаб қилмоқда. Дастлаб “руҳ ҳақидаги фанлар методологияси” дея эътироф этилган герменевтик методология бугун ўзининг кенг қамровли (яъни, ҳам ақлий, ҳам ҳиссий, ҳам интуитив) хусусияти билан ўзига хос тафаккур тарзини шакллантиришга ёрдам беради. Шу боис, образли тафаккурни ривожлантириб, танқидий ва таҳлилий мулоҳаза қобилиятини кучайтиришда рамзий ифодалар

генезиси, символ ва тасвирлар мазмунини герменевтик таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчидан, фалсафий герменевтика инсон ижтимоий фаолиятининг жонли қисмидир. Амалий ҳаётнинг сиёсий, ахлоқий-ҳуқуқий соҳалари, таълим ва бошқа ижтимоий муносабатлар жараёнида кескин ўзгаришлар рўй бераётган бугунги кунда герменевтик муаммоларга қизиқиш ортиб бормоқда. Узоқ йиллар мобайнида тушуниш ва тушунтириш санъати сифатида эътироф этиб келинган герменевтикани инсон борлигининг характерли хусусияти сифатида ўрганиш муҳим. Бу эса, мамлакатимиз файласуфларининг фалсафий герменевтика соҳасида чуқур тадқиқотлар олиб боришини талаб қилади;

бешинчидан, давлатимиз сиёсатининг бош мақсади бўлган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” қуриш, кишилар онгида миллий мафқурани мустаҳкамлаш ҳамда миллий ғоя тарғиботини кучайтиришда герменевтик методологиядан фойдаланиш самарали натижа беради. Чунки, герменевтика бевосита инсоннинг тушуниш қобилиятини юксалтиришга қаратилган таълимотдир. Мазкур ҳолат миллий ғоя тарғиботида герменевтик услуб ва воситаларнинг кенг қўлланилиши зарурлигини кўрсатади.

Умуман олганда, XXI асдаги фанларнинг тармоқлашуви, ихтисослашуви тадқиқотчидан ўзига хос билим, кўникма талаб қилади. Янги фанларнинг вужудга келиши герменевтик услубларнинг мукаммаллашишини тақозо қилмоқда. Бу эса, тадқиқотчидан матнни тушуниш, талқин қилиш ва унга шахсий муносабат билдириш маҳоратини талаб қилади.

Юртбошимиз И.А.Каримов “Фалсафа - фанларнинг отаси”¹ деб, ҳозирги кунда миллий фалсафани шакллантириш лозимлигини, маҳаллий муаммоларни борлиқнинг умумий жиҳатларига алоқадор эканлигини англаган ҳолда ўрганиш лозимлигини асослаб берди. Шу боис, бугунги кунда фалсафанинг фундаментал

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият. 14-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б. 117

муаммолари - диалектика, метафизика, синергетика кабилар билан бир қаторда, герменевтикани ҳам чуқур ўрганиш давр талабидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Герменевтик тадқиқотлар дастлаб диний матнларни ўрганиш, шарҳлаш асосида вужудга келган. Герменевтиканинг айрим элементлари Қадимги юнон адабиёти, Рим нотиклари, Ислом маданияти, Ғарбий Европада схоластлар назарияларида мавжуд бўлган. Ўрта асрларда герменевтика теология билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу даврда унинг вазифаси диний матнларни танқидий қайта кўриб чиқиш, уларни хатолардан халос этиш ва дастлабки мазмунини тиклашдан иборат бўлган. Шу боис, герменевтикадаги тушуниш, тушунтириш, изоҳлаш, талқин, таҳлил, шарҳ кабилар мутлақо янгилик эмас. Шунингдек, герменевтика семиотика, лингвистика ва матншунослик каби соҳаларда ҳам муҳим ўрин тутиб, фалсафа билан бирга, филологияга ҳам тегишли эканлигини таъкидламоқ жоиз.

Биз тадқиқотимизда герменевтиканинг методологик жиҳатларига эътибор қаратар эканмиз, мазкур ёндашувнинг тушуниш ва тушунтиришга боғлиқ бўлган тафаккурни шаклланишига таъсирини ўрганамиз. Герменевтик методология инсон ижоди ва меҳнати маҳсулини тушунишга йўналтирилган ёндашув сифатида ҳар қандай тарихий, бадий, илмий матнларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тарихий тадқиқотларда “Авесто”, Веда ва упанишадаларни ўрганишда ҳам герменевтиканинг тушуниш ва тушунтиришга оид айрим методларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, VII-VIII асрларда Ислом дини билан боғлиқ тафсир илмини айрим муаллифлар “Шарҳ герменевтикаси” сифатида талқин этадилар¹. Бироқ биз, бу қарашдан фарқли ўлароқ, фалсафий герменевтика ва Ислом тафсиршунослигининг айнан эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларга қўшилмаймиз ва фикрларимизни диссертациянинг иккинчи боб биринчи параграфида батафсил тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ислом тафсиршунослигида ўзига хос мактаб ва йўналиш яратган муфассирлардан Имом Маҳмуд Мотуридий, Имом Абу Лайс Самарқандий, Имом

¹ Қаранг: Жабборов Ш. Шарҳ фалсафий герменевтикаси // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2004.-№1. –Б. 27-29

Жорулло Замахшарий, Имом Хусайн Розий, Имом Насафийларнинг асарларида тафсир ва таъвил масалалари мукамал таҳлил қилинган¹. Тафсир илми Қуръони карим маънолари талқинига бағишланган. Шарҳ ва изоҳлашга бағишланган тафсир илми методологик жиҳатдан герменевтикага яқин турса-да, тадқиқот объектига нисбатан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Шарҳ мутафаккирлари Форобий, Беруний, Румийлар ижодида тушуниш масаласи уларнинг билиш назарияси таркибига киради². Форобий ижодини ўрганар эканмиз, мутафаккир меросининг асосий қисми юнон фалсафаси (хусусан, Аристотель ижоди) таржимаси ва шарҳларига бағишланганлигини гувоҳи бўламиз. Файласуфнинг билишга оид қарашлари унинг “Тарихий-фалсафий трактатлар”ида ўз аксини топган³. Форобий фикрича, тушуниш ондаги давомли жараён бўлиб, англаш тушунишнинг биринчи босқичидир⁴. Беруний ва Румий ижодида тушуниш, маънони излаш асосан, борлиқни билиш масалаларига қаратилган⁵. Бизнингча, улар асосан, матнга юкланган маънонинг ботиний ва зоҳирий жиҳатларини тадқиқ этган.

Герменевтика ўзининг дастлабки маъноси билан насронийлар муқаддас китоби “Инжил”^{*} матнларини шарҳлашни назарда тутган. Чунки, “Инжил” матнларининг сохталашуви, унинг бўлақларга бўлиниб кетиши ва оқибатда биринчи матн мазмунининг йўқолиши герменевтик тадқиқотларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Христиан динидан фарқли, Ислом динида муқаддас китобнинг асл ҳолатини ҳимоя қилиш ҳақида оят нозил бўлган⁶. Демак,

¹ TAFSIR / Ислом энциклопедияси. Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур. [www/ islom.uz/ Qomus/ islomqomusi_info](http://www/islom.uz/Qomus/islomqomusi_info)

² Қаранг: Аль Фараби. Историко-философские трактаты. –М.: Наука, 1985. –624 с; Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. –Тошкент: Фан, 1968. –720 б.; Жалолитдин Румий. Маънавий маснавий. 1-китоб. –Тошкент: Шарқ НМК, 1999. –368 б.

³ Қаранг: Аль Фараби. Историко-философские трактаты. –М.: Наука, 1985. –624 с.

⁴ Аль Фараби. Историко-философские трактаты. –М.: Наука, 1985. –С. 322.

⁵ Қаранг: Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. –Тошкент: Фан, 1968. –Б. 347-356.; Жалолитдин Румий. Маънавий маснавий. 1-китоб. –Тошкент: Шарқ НМК, 1999. –Б. 335-339.

^{*} Инжил сўзи юнонча “евангелие”, εὐαγγέλιον – “яҳши хабар”, деган маънони билдиради. Инжил Библиянинг охириги ва энг муҳим бўлими. Герменевтик тадқиқотларнинг илк кўринишлари Таврот, Забур матнларини шарҳлашда кузатилгани билан, унинг услуб сифатидаги ривожи Инжил матнларини ўрганиш билан боғлиқ.

⁶ Қуръони карим. Ҳижр сураси 9-оят: “Албатта, бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз”. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б. 174.

герменевтик билимларнинг ривожини христиан дини учун зарур бўлган бўлса, ислом дини учун бунга кучли зарурат бўлмаган. Шунинг учун биз айрим муаллифларнинг “Шарқ герменевтикаси” атамасини тафсир илмига нисбатан қўллашларини қўллаб-қувватламаймиз.

Герменевтика XIX асрнинг ўрталарида Ф.Шлейермахер, В.Дильтей, М.Хайдеггер, К.Барт кабилар ижодида методологик ривожлантирилди¹. Жумладан, Ф.Шлейермахер герменевтик методологияни ўша даврлардан кескин фарқлана бошланган табиий фанлар методологиясига қарши қўйиб, рух ҳақидаги фанлар услуби сифатида эътироф этди. Хусусан, у “Герменевтиканинг асосий вазифаси - муаллиф субъектив дунёсига тушуниш орқали кириш ва унинг матнда акс этган ижодий маҳсули мазмунини англашдан иборат”², деб герменевтикани инсон билимини бойитишнинг ўзига хос услуби эканлигини эътироф этади. Бунда у рухият орқали матн муаллифининг ички дунёсига “сингиш”и мумкинлигини тушуниш воситаси билан боғлайди. Бу эса, герменевтик муаммога янгича ёндашув эди.

Немис файласуфи В.Дильтей ижодида герменевтик билимлар янада бойиди. Хусусан, В.Дильтейнинг рух ҳақидаги фанлар таснифига оид тадқиқотларида тушуниш ва тушунтиришнинг психологик, фалсафий, тарихий жиҳатлари ўрганилган. Жумладан, файласуфнинг тушуниш ва тушунтиришга берган қуйидаги таърифидан ҳам, герменевтик методологиянинг унинг тадқиқотларидаги асосий объект бўлганини аниқлаш мумкин: “Тушуниш ва тушунтириш – рух ҳақидаги фанларда қўлланилувчи метод. Барча вазифалар тушунишда жамланади. Айнан тушуниш ва тушунтиришда рух ҳақидаги фанлар ҳақиқати очилади. Тушуниш ҳар

¹ Қаранг: Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. –208 с.; Шлейермахер Ф. Речи о религии к образованным людям, её презирающим. Монологи. –М.: Прогресс, 1994. –424 с.; Шлейермахер Ф. Герменевтика. –СПб.: Европейский дом, 2004. –190 с.; Дильтей В. Собрание сочинений в 6 тт. Под ред. А.В. Михайлова и Н.С. Плотникова. Т. 1: Введение в науки о духе / Пер. с нем. под ред. В.С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. –727 с.; Дильтей В. Описательная психология. –М.: Наука, 1995, –386 с.; Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. –М.: Высшая школа, 1991. –392 с.; Барт К. Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. - М.: Прогресс, 1994. –326 с.

² Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С. 13.

бир нуқтада муайян, аниқ оламни яратади”¹. Умуман олганда, В.Дильтей ва Ф.Шлейермахер тадқиқотларида тушуниш ва тушунтириш индивиднинг ички-руҳий ҳолатига боғлаб таҳлил этган, бу эса ўз даврида фақат диний ва ҳуқуқий матнларга нисбатан қўлланилган герменевтик методнинг кейинги ривожини учун катта аҳамият касб этди.

М.Хайдеггер биринчи марта герменевтикани билиш услуби сифатида талқин этган. Унинг фикрича, “Тушуниш - ўзида аниқ ментал вазиятни намоён қилади ва доим ҳис-туйғулар қуршовида бўлади, бунда тушунувчи субъектнинг кечинмалари катта аҳамиятга эга”². Бизнингча, у ҳар қандай тушуниш ва тушунтиришни инсоннинг мавжуд ҳолатига боғлиқ ҳолда тушунтиради. Бу эса герменевтикага экзистенциал ёндашув ифодасидир.

Кейинчалик, герменевтиканинг назарий асослари Э.Гуссерль, Г.Х. фон Вригт, Ф.де Соссюр, Л.Витгенштейн, М.М.Бахтин, Ю.Манн, К.Г.Гемпель, Г.Фреге, М.Фуко каби олимлар ижодида янада мустаҳкамланди³.

Тушуниш ва тушунтириш бир қанча воситалар – имо-ишора, белги, символлар орқали кечадиган жараён. Белгилар ичида сўз ҳаётда энг кўп қўлланиладиган воситадир. Инсоннинг оламни тушунишида сўз ва унинг структураси, қўлланилиш кўлами каби жиҳатлар Э.Гуссерль томонидан чуқур таҳлил этилган. Унинг фикрича, инсоннинг ўз “ҳаёт дунё”сида ва ундан ташқаридаги сўзлари бўлади. “Ҳаёт дунё”сидаги сўзлар индивид учун маъно ва мазмуни тўлиқ тушунилган сўзлар бўлса, ҳали маъноси тўла тушунилмаган, тафаккурда мустаҳкам ўзлаштирилмаган сўзлар “ҳаёт дунё”сидан ташқаридаги

¹ Дильтей В. Введение в науки о духе / Пер. с нем. под ред. В.С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. —С.283

² Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. -М.: Высшая школа, 1991. —С. 192.

³ Каранг: Гуссерль Э. Логические исследования. Ч.1. Прологомены к чистой логике. – Киев.: Вентури, 1995. -460 с.; Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования.–М.: Наука, 1986. - 560 с.; Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. –М.: Прогресс, 1990. -426 с.; Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. –Киев: Основы, 1995. -344 с.; Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -364 с.; Гемпель К.Г. Мотивы и охватывающие законы в историческом объяснении. –М.: АГРАФ, (1942),1998. -686 с.; Гемпель К.Г. Аспекты научного объяснения и другие эссе о философии науки. –М.: Наука, 1965. -576 с.; Гемпель К.Г. Логика научного исследования. -М.: Мысль, 1972. -582 с.; Гемпель К.Г. Логика объяснения. -М.: АГРАФ, 1998.-468 с.; Фреге Г. Избранные работы. -М.: Гардарики, 1997. -262 с.; Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. Пер. с фр. -М.: Прогресс, 1977. -410 с.

сўзлар ҳисобланади¹. Бу ерда биз файласуфнинг сўздан фойдаланиш кўлами ва даражаларини моҳирона фарқлаб берганининг гувоҳи бўламиз. Зеро, унинг тушунилган ва тушунилмаган сўзлар хусусидаги фикрлари герменевтик аҳамиятга эга. Чунки, герменевтика айнан Гуссерлнинг “ҳаёт дунё”сидаги сўзлар уфқларини кенгайтириш билан ҳам шуғулланади.

Фалсафий герменевтика предмети бўлган тушунишни Г.Х. фон Вригт психологик ҳолат натижаси эмас, балки ҳиссий-семантик жараёнлар натижаси деб таърифлайди². Вригт тадқиқотларининг ўзига хос жиҳати шундаки, у тушунтириш ва тушунишни билиш жараёнлари билан боғлиқ тарзда ўрганади ва ҳар қандай тушунтириш билишга асосланишини, тушуниш эса билим доирасини кенгайтиришини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тушуниш ва тушунтириш бевосита тил воситасида амалга оширилади. Тил структурасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Ф.де Соссюр томонидан олиб борилган тадқиқотлар эътиборга лойиқ. У структурали (тузилмали) лингвистика, унинг тушуниш ва тушунтириш жараёнидаги ўрнини таҳлил этади³.

Л.Витгенштейн тафаккур, тил, сўз хусусиятларини тадқиқотларида таҳлил этиб, филологик герменевтика мактабини яратди⁴. Мазмунли сўзнинг тафаккур шаклланишидаги аҳамияти хусусида Витгенштейннинг фикрлари эътиборга сазовор, “...нимани гапириш мумкин бўлса, у фақат аниқ ифодаланиши керак, нимаики ҳақида аниқ гапириб бўлмас экан, яхшиси сукут сақлаш керак”⁵. Файласуф, ўзидан олдинги қарашларни кескин танқид қилмай, тафаккур, аниқроғи фикрлашнинг чегаралари, яъни тафаккур чегарасининг англаш мумкин ва мумкин бўлмаган жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, инсон ўз тафаккури чегарасини аниқ англай олиши, яъни нимани тушунишга лаёқатли-ю, нимани тушунишга қобилияти етарли эмаслигини онгли билиши керак. Бу

¹ Гуссерль Э. Логические исследования. Ч.1. Прологомены к чистой логике. – Киев: Вентури, 1995. –С.167.

² Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования.–М.: Наука, 1986. -С.115.

³ Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. –М.: Прогресс, 1990. –С. 211-248.

⁴ Қаранг: Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. –Киев: Основы, 1995. - 344 с.

⁵ Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. –Киев: Основы, 1995. –С.9

чегаранинг иккала томонини кўра олиш, тушунишнинг фундаментал хусусиятидир¹.

Тушуниш ва тушунтириш масалаларини ўрганишда М.М.Бахтин томонидан ўрганилган бадий ижод герменевтикасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз². Хусусан, у санъат ва аудитория, актёр маҳорати, томошабин, кузатувчи, санъат асари ва унинг инсонлар томонидан қабул қилиниши муаммоларини тадқиқ қилган. М.М.Бахтин фикрича, “Ўйин ва санъатнинг умумий томони иккисининг ҳам мутлоқ ҳаётӣ эмаслигида. Лекин уларнинг ҳаётӣ эмаслиги турлича - ўйин ҳаётни акс эттиради, санъат эса баён қилади”³. Бизнингча, М.М.Бахтин ижтимоӣ воқеликнинг кўпроқ бадий ижод асарларида эстетик қабул қилиш, изтиробларни ҳис қилиш каби жиҳатларини ифодалаб, герменевтикани илмӣ билишдаги ўрнини очик қолдирган.

Немис мантиқшуноси ва фан файласуфи, неопозитивизм вакили К.Г.Гемпель ижодини когнитив герменевтиканинг негизи деб аташ мумкин. Гемпель, илмӣ билиш, тарих ва ижтимоӣ ҳодисаларни тушунтиришнинг дедуктив-номологик ва индуктив-номологик моделларини ишлаб чиқди⁴. Икки номологик моделнинг ўзига хослиги тушунтиришнинг муайян қонуниятга боғланишида намоён бўлади. Дедуктив тушунтиришда мантиқӣ, индуктив тушунтиришда эҳтимолий асосга таянилади. Олимнинг фикрича, ҳар қандай тушунтириш аниқ қонуниятларга асослангандагина илмӣлик мақомига эга бўлади⁵.

Ю.Манн, Э.Кассирер, К.Гирц каби олимларинг тадқиқотларида айнан фалсафӣ герменевтика муаммолари тадқиқ этилмаган бўлса-да, бадий ижод асарларидаги рамзлар талқинига бағишланган муҳим хулосалар қайд этилган⁶.

¹ Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. –Киев: Основы, 1995. -С. 11

² Қаранг: Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -364 с.

³ Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -С.45.

⁴ Қаранг: Гемпел К.Г. Мотивы и охватывающие законы в историческом объяснении. –М.: АГРАФ, (1942),1998. -786 с.; Гемпел К.Г. Логика научного исследования. -М.: Мысль, 1972. -582 с.; Гемпел К.Г. Логика объяснения. -М.: АГРАФ, 1998.-468 с.

⁵ Гемпел К.Г. Логика объяснения. -М.: АГРАФ, 1998.-С.16-31.

⁶ Қаранг: Манн Ю. Диалектика художественного образа. –М.: Наука, 1987. – 220 с.; Кассирер Э. Философия символических форм: В 3 тт. / Пер. с нем. С.А.Ромашко. -М.: -СПб.: Университетская книга, 2002.; Гирц К. Интерпретация культур. — М.: РОССПЭН, 2004. – 560 с.

Шунингдек, эстетик идрок ва санъатни тушунишнинг назарий асослари Ю.Борев, К.Аппель, В.Изер, Дж.Ваттимо ижодида ҳам учрайди¹. Нидерланд рассоми К.Аппель, рассом сифатида эстетик идрок ва тушуниш қобилиятининг мувофиқлигини тадқиқ қилган². Немис тарихчиси ва адабиёт назариётчиси В.Изернинг герменевтик қарашларида Шлейермахер ижоди ҳамда феноменология таъсири сезилиб туради. В.Изер эстетик идрокнинг Шлейермахер яратган асарнинг кечинмалар (переживание) орқали ўзлаштирилишини ёқлаб, бадий ижод маъносининг тушунилишига эътибор қаратади³.

А.Брудный герменевтиканинг психологик жиҳатларини ўрганиб, тушунишнинг нафақат барча фанлар, балки давр учун энг долзарб масалага айланганлигини таъкидлайди⁴.

Герменевтиканинг фалсафий йўналиш ва мустақил таълимот сифатидаги ривожда Х.Г.Гадамер ва П.Рикер ижоди ўзига хос ўрин тутади⁵. Х.Г.Гадамер герменевтикани анъанавий иррационал талқин қилиш услуби сифатида тушунишдан воз кечиб, уни фан услуби сифатида қўлланилиши лозимлигини таъкидлади⁶. Х.Г.Гадамер фикрича, агар илгари герменевтика руҳ ҳақидаги фанлар

¹ Қаранг: Борев Ю.Б. Искусство интерпретации и оценки: Опыт прочтения «Медного всадника». –М.: Советский писатель, 1981. –399 с.; Борев Ю.Б. Эстетика. Учебник. –М.: Высшая школа, 2002. –511 с.; Аппель К. “Кобра” в Москве. –М.: Художник, 1997. –284 с.; Изер В. Акт чтения. –М.: Наука, 1976. –698 с.; Изер В. Условное и воображаемое. –М.: АСТ, 1991.–432 с.; Изер В. Рецептивная эстетика. Герменевтика и переводимость // Академические тетради. Выпуск 6. –М.: Независимая академия эстетики и свободных искусств, 1999. –с.15-23.; Изер В. Изменение функций литературы. Процесс чтения: феноменологический подход // Современная литературная теория. Антология. –М.: Флинта; Наука, 2004, с.3-45, 201-225.; Vattimo G. Beyond Interpretation: The Meaning of Hermeneutics for Philosophy. Tr. by David Webb. – Stanford: Stanford University Press, 1997. –140 p.

² Қаранг: Аппель К. “Кобра” в Москве. –М.: Художник, 1997. –С. 18-41.

³ Изер В. Рецептивная эстетика. Герменевтика и переводимость // Академические тетради. Выпуск 6. –М.: Независимая академия эстетики и свободных искусств, 1999. –С. 45-47.

⁴ Б Брудный А.А. Психологическая герменевтика. –М.: Прогресс, 1998. –С.5.

⁵ Гадамер, Г.-Г. Истина и метод / Пер. с нем.; общ. ред. и вступ. ст. Б. Н. Бессонова. — М.: Прогресс, 1988. - 704 с., Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. –М.: Искусство, 1991. –384 с., Гадамер Х.Г. Хайдеггер и греки / Перевод и примечания М. Ф. Быковой // Логос. -1991. -№ 2. -С. 56-68., Гадамер Х.Г. Что есть истина? / Перевод М. А. Кондратьевой при участии Н. С. Плотникова // Логос. -1991. -№ 1. -С. 30-37., Гадамер Г.Г. Игра искусства / Пер. с нем. А. В. Явецкого // Вопросы философии. -2006. -№ 8. -С. 164-168. -Доклад 1973 года; опубликован в 1977 году., Гадамер Г.Г. Интервью // Вопросы философии. -1996. -№ 7. -С. 127-132.; Рикер П. Герменевтика. Этика. Политика. –М.: АГРАФ, 1995. –465 с.; Рикер П. Науки о природе и науки о культуре. –М.: Прогресс, 1998. –466 с.; Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук. –М.: Souda Pavonis. -№19-1, Spring 2000. -630 с.; Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерк о герменевтике. –М.: АСТ, 1995. –С. 362 с.; Рикер П. От текста к действию. Очерки по герменевтике. –М.: Наука, 1986. –506 с.; Рикер П. Теория интерпретации. Дискурс и избыток значения. –М.: АСТ, 1976. –446 с.

⁶ Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –С.45.

методологияси сифатида талқин қилинган бўлса, ҳозирги герменевтика универсал фалсафага айланиши зарур. Чунончи у “Бизни ўраб турган дунёни қандай тушуниш зарур? Ана шу тушунишда борлиқ ҳақиқатни қандай акс этади?”¹, деб герменевтика муаммоларига аниқлик киритади. Бизнингча, Х.Г.Гадамер томонидан олиб борилган тадқиқотлар герменевтиканинг услуб сифатида такомиллашишига олиб келди.

Француз герменевти П.Рикер матн герменевтикасини таҳлил этиб, герменевтик таҳлилнинг ўсиб бориш хусусиятини эътироф этади². У инсон тафаккуридаги тушуниш ва тушунтириш ҳаракатсиз ҳолат (матн)дан бошланиб, воқеликни ўзлаштириш ва охир-оқибатда ҳаракатсизлик ва ҳаракатнинг биргаликда намоён бўлиш хусусиятини ўрганади³. Бу эса, П.Рикернинг тадқиқотларида ижтимоий воқелик герменевтикаси ҳам атрофлича таҳлил этилганлигини ифодалайди.

Рус файласуфлари В.Кузнецов, В.Штегмайер, Х.Франк, Б.Марков, А.Р.Абдуллин, Е.Н.Шульга кабилар ҳозирги замон фалсафий герменевтикасининг долзарб масалаларини тадқиқ қилган⁴. Жумладан, В.Кузнецов фалсафий герменевтиканинг ривожланиш тарихи, тушуниш ва тушунтириш, интенционал билиш жараёнларининг методологик таҳлилини атрофлича ёритади⁵. Е.Н.Шульга эса, замонавий герменевтиканинг илмий билишдаги когнитив жиҳатларини тадқиқ этган⁶.

Герменевтика ва унинг методологик хусусиятлари ҳақида МДХ давлатлари доирасида Л.А.Ахмыловская, А.А. Почекунин, С.М.Филиппов, А.Г.Иванов, Б.Пазолини, Х.С.Гафаров, И.И.Сулима, Е.Н.Юркевич, С.С.Тиллоев,

¹ Герменевтика // Фарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида.. -Тошкент: Шарк, 2005. –Б. 567.

² Қаранг: Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук. –М.: Cauda Pavonis. -№19-1, Spring 2000. -630 с.

³ Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук. –М.: Cauda Pavonis. -№19-1, Spring 2000. -С.396.

⁴ Қаранг: Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. – 160 с.; Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б.В. -СПб.: Питер, 1999. -289 с.; Абдуллин А.Р. Философская герменевтика: исходные принципы и онтологические основания: –Уфа: Издание Башкирского университета, 2000. -60 с.; Шульга Е.Н. Когнитивная герменевтика. –М.: ИФРАН, 2002. –214 с., Шульга Е.Н. Герменевтический анализ логических текстов Г.Фреге // Современная логика: проблемы теории, истории и применения в науке. -СПб.: 1998. -С.564-568.

⁵ Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. –С.11-16.

⁶ Қаранг: Шульга Е.Н. Когнитивная герменевтика. –М.: ИФРАН, 2002. –214 с.

республикамизда Б.Э.Хусанов, А.Эркинов каби муаллифларнинг номзодлик ва докторлик диссертацияларида муҳим фикрлар билдирилган¹.

Жумладан, Л.А.Ахмыловская маданиятлар тўқнашувида юзага келадиган ҳодисаларни тушунишда герменевтик доира хусусиятининг этнопсихологик, психологик ва индивидуал тартибда кечишини ҳамда бадиий ижод асарини тушунишнинг менталитетлараро ўзига хос талқин қилинишига эътибор қаратган². С.С.Тиллоев эса, бинолар ва монументал ёдгорликларнинг миллат тарихи ва келажagini акс эттирувчи объектлар эканлиги Душанбе шаҳри архитектураси мисолида тадқиқ этган³. Муаллиф, асосан, миллий архитектура ва символлар талқинини тушунишга эътибор қаратиб, уларнинг образли тафаккурни шакллантиришдаги муҳим омил эканлигини таъкидлайди⁴. Б.Э.Хусанов гўзалликни идрок этишда эстетика ва герменевтиканинг боғлиқлигини тадқиқ этиб, герменевтиканинг нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди⁵. Е.Н.Юркевич эса, Ғарбий Европа герменевтикасининг шарқий славян фалсафий анъаналарига таъсири ҳамда “рус герменевтикаси”нинг шаклланиш хусусиятларини таҳлил қилган. Шунингдек, тушунишда фундаментал-

¹ Қаранг: Ахмыловская Л.А. Кросскультурный диалог в театральном процессе (на материале постановки русских пьес за рубежом): Автореф. дис. ... канд. искусствовед. наук. –Владивосток.: ДВПИ им. В.В. Куйбышева, 2006. -26 с.; Почекунин А.А. Своеобразие истолкования истины в герменевтике: Дис. ... канд. филос. наук : -Иркутск, 2003. -150 с. РГБ ОД, 61:04-9/289.; Филиппов С.М. Искусство как предмет феноменологии и герменевтики: Дис. ... д-ра филос. наук : -Москва, 2003. -254 с. РГБ ОД, 71:04-9/32.; Иванов А.Г. Герменевтика вымысла (Анализ опыта вымысла в процессе смыслообразования) : Дис. ... канд. филос. наук : -Тюмень, 2005. -180 с. РГБ ОД, 61:06-9/54 ; Пазолини Б. Соотношение эпистемологии и герменевтики в неопрагматизме Р. Рорти : Дис. ... канд. филос. наук : -Новосибирск, 2005. -167 с. РГБ ОД, 61:05-9/574.; Гафаров Х.С. Философская герменевтика Г.-Г. Гадамера (Становление и развитие): Дис. ... д-ра филос. наук -Санкт-Петербург, 2003. -345 с. РГБ ОД, 71:04-9/43.; Сулима И.И. Герменевтика и понимающие подходы в гуманизации образования : Дис. ... канд. филос. наук. -Н. Новгород: 1996. -211 с. РГБ ОД, 61:96-9/103-0.; Юркевич Е.Н. Герменевтика культурной формы понимания. Автореф. дис... д-ра философии: -Х.: Харк. нац. ун-т ім. В.Н.Каразіна, 2005. -40 с.; Тиллоев С.С. История становления и развития архитектуры общественных зданий Душанбе (1924-начало 2000 гг.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. –Душанбе.: 2007. –21 с.; Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: Фалс. фан. номз. ... дис. -Тошкент: Университет, 2002. -120 б.; Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол.фан. докт. дис. -Тошкент: Академия, 1998. – 326 б.

² Ахмыловская Л.А. Кросскультурный диалог в театральном процессе (на материале постановки русских пьес за рубежом): Автореф. дис. ... канд. искусствовед. наук. –Владивосток.: ДВПИ им. В.В. Куйбышева, 2006. –С.14-16.

³ Қаранг: Тиллоев С.С. История становления и развития архитектуры общественных зданий Душанбе (1924-начало 2000 гг.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. –Душанбе.: 2007. – 21 с.

⁴ Тиллоев С.С. История становления и развития архитектуры общественных зданий Душанбе (1924-начало 2000 гг.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. –Душанбе.: 2007. – С.12

⁵ Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: Фалс. фан. номз. ... дис. -Тошкент: Университет, 2002. –Б. 54.

онтологик хусусиятларнинг худудий-онтологик хусусиятларга алмашилиши ходисасини тадқиқ қилган¹.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги муаллифлар асосан герменевтиканинг маданият ва санъатга боғлиқ жиҳатларини қисман таҳлил қилишган. Адабиётшунос олим А.Эркинов эса, герменевтиканинг назарий жиҳатларини, жумладан, герменевтика ва тафсир, фалсафий герменевтика, автоинтерпретация, автокоммуникатив интерпретация, моноинтерпретация, тарихий-функционал идрок ва матн талқини, таъсир ва акс таъсир диалектикасининг манбаларда ифодаланиши, апперцепция, библиопсихология масалалари, декод, дешифр, деконтекстуализация, диахрония, диалог (маданиятлар учрашуви), китобат талқини каби матннинг герменевтик таҳлиliga бағишланган ўнлаб ходисаларни таҳлил қилган². Бунда муаллиф тадқиқотга адабиётшунос нуқтаи назаридан ёндашиб, матн герменевтикасининг асосий ва устувор жиҳатларини батафсил очиб берган³. Асосий эътиборини герменевтиканинг ўзбек матншунослигидаги аҳамиятига қаратиб, фалсафий жиҳатларини эса, қисман ёритган.

Бугунги кунда рус файласуфлари томонидан ўрганилган ва ўрганилаётган герменевтик масалаларнинг ўзбек файласуфлари томонидан қиёсий таҳлил қилиниши ҳам эътиборга лойиқ. Зеро, ўзбек муаллифлари Баҳодир Карим, И.Рахимов, А.Ўтамуродов, Н.Шермухамедова, Қ.Назаровлар томонидан ҳам герменевтиканинг айрим масалалари ўрганилган⁴.

¹ Юркевич Е.Н. Герменевтика культурной формы понимания. Автореф. дис... д-ра филозоф. наук: -Х.: Харк. нац. ун-т ім. В.Н.Каразіна, 2005. -40 с.

² Қаранг: : Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт.диссертацияси. -Тошкент: Академия, 1998. -326 б.

³ Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт.диссертацияси. -Тошкент: Академия, 1998. -Б.35-52.

⁴ Қаранг: Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт.диссертацияси. -Тошкент: Академия, 1998. -250 б.; Баҳодир Карим Абдулла Қодирий. -Тошкент: Фан, 2006. -246 б.; Рахимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари. -Тошкент: Университет, 2005. -256 б.; Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. -Тошкент: Университет, 2005. -390 б.; Шермухамедова Н. Гносеология. -Тошкент: ЎФМЖ, 2007. -360 с.; Назаров Қ. Билиш фалсафаси.. -Тошкент: Университет, 2005. -320 б.

Баҳодир Карим адабиётшунос сифатида герменевтикани фақат бадиий ижод асарини ўрганиш воситаси¹, деб ҳисоблайди. У “Шарқ герменевтикаси” хусусида ҳам фикр билдиради ва уни Ғарб герменевтикасининг ривожланиш йўлини босиб ўтмаганлигини таъкидлайди. Бироқ, Шарқ герменевтикаси деб аталаётган Қуръон маънолари тафсири моҳиятан биз ўрганаётган герменевтикага тўла мос келмайди. Чунки, тафсиршунослик ва фалсафий герменевтика ўртасида катта фарқ бор.

Н.Шермухамедова тушуниш ва тушунтиришнинг герменевтик асосларини фалсафий-методологик жиҳатдан таҳлил этади ва тушунишнинг муайян ҳодиса маъносини англашдаги муҳим ролини таъкидлайди².

Шунингдек, М.Абдуллаева, Ш.Жабборов, Г.Наврўзова, Г.Юнусоваларнинг мақолаларида ҳам герменевтиканинг илмий билишдаги аҳамияти ҳамда тарихий негизлари ҳақидаги фикрлар баён этилган³.

Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг герменевтикага бағишланган махсус тадқиқотлари мавжуд эмас, ҳаволаларда берилган манбаларда эса тушуниш ва тушунтириш масаласига умумий хулосалар берилган холос. Шу боис, ушбу тадқиқотда герменевтикани алоҳида фалсафий таълимот сифатида ўрганиб, унинг онтологик, гносеологик, аксиологик, феноменологик, психологик ва методологик жиҳатларининг миллий ғояни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасининг “Фалсафанинг умумназарий масалалари” номли илмий

¹ Баҳодир Карим Абдулла Қодирий. -Тошкент: Фан, 2006. –Б.7.

² Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. -Тошкент: Университет, 2005. –Б. 313.

³ Қаранг: Абдуллаева М. Эпистемологическая эволюция рационализма // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: Халқаро илмий конференция материаллари. –Тошкент: ЎФМЖ, 2008. –С.28-30.; Жабборов Ш. Шарқ фалсафий герменевтикаси // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2004. -№1. –Б. 27-29.; Наврўзова Г.Н., Юнусова Г.С. Тасаввуф – Шарқ герменевтикасининг таркибий қисми // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: Халқаро илмий конференция материаллари. –Тошкент: ЎФМЖ, 2008. –Б. 80-82.

тадқиқот лойиҳаси доирасига киради. Шунингдек, илмий тадқиқот иши диссертант иштирокида олиб борилаётган 2007-2011 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф8-251 “Ҳозирги замон эпистемологиясининг фан методологиясини ривожлантиришдаги роли” мавзусидаги фундаментал ҳамда 2009-2011 йилларга мўлжалланган 4-031 “Миллий ғояни мустаҳкамлашда герменевтик ёндашувнинг ўрни” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилаётган изланишлар билан боғлиқ ўрганилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади – фалсафий герменевтиканинг матнни тушунишдаги ўрни ва аҳамиятини очиш орқали, герменевтик тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари – герменевтик билимлар эволюциясини таҳлил қилиш;

- фалсафий герменевтиканинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- герменевтик тадқиқотлар объекти бўлган – матн хусусиятини ўрганиш;
- тушуниш ва тушунтириш узвийлигини таҳлил қилиш;
- тушунишнинг ҳар қандай ҳолати “герменевтик доира” асосида амалга ошишини асослаш;
- ижтимоий жараёнларни герменевтик таҳлил этиш;
- бадий ижод асарларини таҳлил қилиш орқали образли тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- миллий ғояни мустаҳкамлашда герменевтик ёндашувнинг ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тарихий-маданий, илмий матнлар, бадий ижод асарлари, шунингдек, ижтимоий воқелик ва тафаккур тадқиқотнинг объекти вазифасини бажаради. Тадқиқотнинг предметини эса, герменевтик методология воситасида тушуниш ва тушунтиришнинг тафаккурга таъсири билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг гипотезаси шундан иборатки, аввало, ижтимоий-гуманитар соҳа тадқиқотчилари томонидан герменевтик тушуниш малакасининг ўзлаштирилиши мавзу доирасидаги мавжуд билимларнинг яхлит мазмунини таҳлил қилиш имконини беради. Яъни, тарихий, бадиий манбаларни тадқиқ қилишда илмий далил ва асослар етарли бўлмаган ҳолатларда фалсафий герменевтиканинг автобиографик, дедуктив-номологик, сабабий-детерминистик, экзистенциал-психологик ва бошқа методлари ёрдамида манбалар мазмунини янада тўлиқ ва чуқур тушуниш мумкин.

Шунингдек, герменевтик тафаккур бугунги дунёнинг сиёсий-мафкуравий, маънавий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий манзарасини яхлит тасаввур қилиш имконини беради. Яхлит тасаввур эса, ҳар қандай соҳанинг стратегик манбаидир. Демак, герменевтик тафаккурнинг ўзлаштирилиши ва бевосита тадқиқотга қўлланилиши илмий изланишлар мақсадини амалга оширишда муҳим самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг методлари – тушуниш ва тушунтиришнинг герменевтик методлари, тарихийлик, мантиқийлик, социологик сўров, кузатиш, таққослаш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш кабилардир.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар – “герменевтика” ва “фалсафий герменевтика” атамаларининг таҳлили;

- тушуниш ва тушунтиришнинг онто-гносологик ҳодисалар эканлиги;
- герменевтик тафаккурнинг инсон ҳаёти мазмунини белгиловчи омил сифатидаги ўрни;
- герменевтиканинг дунёқарашни кенгайтирувчи ёндашув эканлиги;
- миллий ғоя тарғиботида герменевтик методологиядан самарали фойдаланишнинг зарурияти;
- миллий-тарихий мерос, қадриятлар мазмунини чуқур англашда герменевтик ёндашувнинг устувор жиҳатлари;

- монументал ёдгорликлар воситасида тарихий хотирани мустаҳкамлашнинг назарий ва амалий асосларининг таҳлили;

- герменевтиканинг юртимизда тадқиқ этилиши лозим бўлган ҳозирги замон фалсафасининг муҳим йўналиши эканлиги кабилар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги – герменевтиканинг тарихий, илмий асослари ўрганилиб, унинг замонавий фалсафий йўналиш сифатидаги аҳамияти ёритилди ва умумий таснифи берилди;

- тушунишнинг кўпқиррали ҳодиса сифатида онтологик, гносеологик, праксиологик, аксиологик, феноменологик, экзистенциал-психологик жиҳатлари таҳлил қилинди;

- тушунтиришнинг дедуктив-номологик, интенционал, сабабий-детерминистик, лингвистик, психологик ва бошқа таърифлари келтирилди;

- “Герменевтик доира” тамойилининг хусусиятлари очиб берилди;

- бадий ижод асари, тарихий манбаларнинг муаллиф тушунишининг натижаси эканлиги назарий асосланди;

- тасвирий ифода, рамзларнинг инсон дунёқараши ва тафаккурига таъсири асосланди;

- тарихий хотирани мустаҳкамлаш, замонавий тараққиёт равнақиға хисса қўшишда герменевтик методларнинг аҳамияти очиб берилди;

- миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда герменевтик методологиянинг самарадорлигини ошириш зарурияти асосланди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, ундаги фикр-мулоҳаза, ёндашув ва назарий хулосалар фалсафанинг умумназарий масалалари (борлик, ривожланиш, гносеология), фан методологияси, ижтимоий фалсафа, фалсафа тарихи, нафосатшунослик, ахлоқшунослик, адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик, филология, сиёсатшунослик, психология, тарих каби илм соҳаларини бойитади. Изланишлар натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар “Тасвирий Ойна” ижодий уюшмаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ҳамда бошқа фан ва таълим, маънавият-маърифат тизимидаги субъектлар фойдаланиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий назарий-методологик хулосаларидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида фалсафа йўналиши бакалавриат босқичи ўқув режасидаги “Фалсафага кириш”, “Фалсафанинг умумназарий масалалари”, “Фалсафа ва фан методологияси” фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда. Тадқиқотнинг тушуниш ва тушунтиришга оид методлари Тошкент Ислон университети “Фалсафа” кафедрасида “Фалсафа” ва “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда қўлланилган. Шунингдек, диссертациядаги методологик хулоса ҳамда амалий тавсиялардан Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказида миллий ғоя тарғиботи ҳамда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган масалаларда фойдаланилган ва амалиётга татбиқ этилган. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган конференциялардаги маърузаларида ва журнал мақолаларида ўз ифодасини топган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида тайёрланган ва ҳимояга тавсия этилган (2009 йил 27 май 10-сонли баённома). Шунингдек, Бирлашган Ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий-назарий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган (2010 йил 8 апрел 1-сонли баённома). Тадқиқот ишининг амалий тавсия ва таклифлари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университети фалсафа факультети Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва қўллаб-қувватланган (2010 йил 26 май 10-сонли баённома).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Муаллифнинг мавзу юзасидан 10 босма табоқдан иборат жами 30 та, жумладан, илмий-назарий журналларда 3 та, халқаро конференцияларда 5 та, республика конференциялари ва илмий тўпламларида 22 та мақола ва тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати” ҳамда “Иловалар”дан иборат, матннинг умумий ҳажми 160 бет.

1. БОБ. ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКА РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Герменевтика фанда тушуниш ва шарҳлаш муаммоларини ўрганувчи йўналиш сифатида узоқ тарихга эга. Герменевтик тадқиқотлар дастлаб антик даврда қадимги юнон мифологияси, Гомер ва бошқа шоирлар дostonларини шарҳлаш асосида пайдо бўлди. Кейинчалик Европада Инжил матнларини қайта изоҳлаш герменевтик методларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Илоҳий манбаларда битилган ёзувлар турли даврларда, турли минтақаларда ҳар хил талқин қилина бошланди. Бу ҳолат диний китоблар мазмунининг асл кадр-қимматини пасайишига олиб келди. Моҳиятдан узоқлашиш диний матнлар мазмунининг ўзгаришига сабаб бўлиб, оқибатда ўрта асрлардан манбаларнинг дастлабки маъносини сақлаб қолиш учун махсус шарҳловчилар - герменевтлар деб аталувчи руҳонийлар фаолияти шаклланди.

Замонлар ўтиши, турмуш тарзининг ўзгариши герменевтик тадқиқотлар дин доирасидан чиқиб, ижтимоий ҳаёт, хусусан, фанга ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Герменевтика фан сифатида XX асрда фан методологияси негизида ўзининг назарий асосига эга бўлди.

Қуйидаги бобда герменевтик билимларнинг ривожланиш тарихи, фалсафий герменевтиканинг методологик асослари ҳақида фикр юритилади.

1.1. Герменевтик билимлар тараққиёти

“Герменевтика” (грекча *hermeneutike*) - “ўрганиш, шарҳлаш” деган маънони билдиради. Шунингдек, бу сўз инсонга маъбудларнинг сўзларини етказиб берувчи Гермес номи билан ҳам боғлиқ¹. Қадимги Юнонистон афсоналарида маъбудлар элчиси Гермес одамларга илоҳий ваҳийни етказиш ва тушунтириш мажбуриятини олган. Айрим манбаларда эса, герменевтика шарҳлаш ва тушунтириш санъати, кўп қийматли белги, ишораларни, ҳамда Гомер ва қадимги мутафаккирлар асарларини талқин қилиш таълимоти сифатида ҳам таърифланади. Кейинчалик, илм аҳлига муқаддас китобни шарҳлаш ва тушунтиришда қадимий ёдгорликларни ҳақиқий таржима қилиш санъати сифатида хизмат қила бошлади.

Фалсафа тарихи энциклопедиясида “Герменевтика – кенг маънода, ижтимоий борлиқни тушуниш шарти ҳақидаги фалсафий таълимот, тор маънода, филология, ҳуқуқшунослик, илоҳиётшунослик ва бошқа гуманитар соҳага тааллуқли матнларни ўрганишда қўлланиладиган метод ва қоидалар тўплами”², деб таъриф берилган. Лекин фикримизча, фалсафий герменевтиканинг қамрови юқоридаги таърифдан кенг. Зеро, биз назарда тутаётган герменевтика шунчаки метод ва қоидалар тўплами эмас, балки инсон борлигининг алоҳида онтологик аҳамиятга эга бўлган феноменидир.

Герменевтиканинг тарихан:

- таржима (бошқа тилдаги ижод маҳсулини ва тажриба маъносини ўз тилига ўтказиш)*;
- реконструкция (ҳақиқий маънони топиш ёки маъно туғилгандаги вазиятни ўрганиш);

¹ Павлов Е.В. Основы герменевтики. -М.: Московский богословский институт, 2004. -С.4

² История философии. Энциклопедия. Интерпрессервис. –Минск: Книжный Дом, 2002. –С.207.

* Бу ерда ижод маҳсули сифатида сўз, белги, бадий ижод асари, ҳаракат ва бошқа ҳар қандай талқинга муҳтож объектлар назарда тутилади

- диалог (субъектнинг матн билан мулоқотга кириши ва янги маънонинг яратилиши)¹, каби турлари мавжуд.

Яъни, ўзга тилда ёзилган матнни ўз тилимизга таржима қилганимизда маълумотларни тилимизда мавжуд бўлган сўзлар билан изоҳлаймиз. Агар ўзга тилдаги бирор бир сўз бизнинг тилимизга айнан таржима қилинмаса, шу сўзга маъно жиҳатдан яқинроқ бўлган сўзни қўллашимизга тўғри келади. Чунки бир миллатнинг лексик сўз бойлиги иккинчи миллат сўз бойлиги билан бир хил бўлмайди ва оқибатда таржима жараёнида биз айнан биринчи манбадаги мазмунни берадиган сўз ёки иборани топа олмаимиз. Бу эса, матн маъносининг ўзгаришига сабаб бўлади. Лекин таржима жараёнида шундай ҳолатлар бўладики, матн таржимаси биринчи манбадан ҳам чуқурроқ, мазмунлироқ чиқиши мумкин. Бу ҳолат таржимон (ёки интерпретатор)нинг юксак маҳорати, сўз бойлиги билан боғлиқ. Масалан, барчамизга таниш бўлган рус кино ижодкорлари маҳсули “Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради” фильмини олайлик. Аксарият мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу фильмнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва овоз беришдаги ижро маҳорати рус тилидаги асл ҳолатидан анча таъсирли чиққан. Бу ерда нафақат сўз мазмуни, балки уни томошабинга етказиб бериш оҳанги ҳам юксак маҳорат билан бажарилган. Демак, бир тилнинг матн маъносини бошқа тилга таржима қилишда таржимон, аввало, икки тилнинг лексик сўз бойлигини чуқур билиши, маънодош сўзларнинг энг мувофиқини танлай олиши керак. Ундан ташқари, таржима жараёнида маънони кучайтирувчи асосий жиҳат таржимоннинг матндаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини тушуна олиши, уларни ички кечинмалар орқали ҳис қила олиш қобилиятидир. Агар таржимада шу жиҳат бўлмаса, мажозий айтадиган бўлсак, матннинг “шира”си бўлмаса, у ҳеч қачон ўқувчи (ёки тингловчи)га тушунарли бўлмайди.

Герменевтика ривождаги реконструкция жараёни ҳам ҳақиқий

¹ История философии. Энциклопедия. Интерпрессервис. –Минск: Книжный Дом, 2002. –С.207

маънони топишдаги муҳим ёндашувлардан биридир. Реконструкция сўзи ўз маъноси билан “қайта тиклаш”, яъни герменевтикада матннинг биринчи маъносини қайтадан “жонлантириш” учун қўлланилади. Бу ёндашув таржима жараёнидан фарқли ўлароқ, нафақат икки ва ундан ортиқ тиллар ичида, балки бир тил ичида ҳам қўлланилади. Герменевтик реконструкция тарихга, яъни сўз (матн)нинг яратилиши билан боғлиқ ҳолатга нисбатан амалга оширилади. Масалан, ҳозирги кунда кундалик ҳаётимизда қўллаб келаётган биз учун тўла тушунарли бўлмаган сўз (термин, атама)ларнинг вужудга келиши муайян сабабга асосланганлигига ҳар доим ҳам эътибор бермаймиз. Масалан, барчамизга таниш бўлган “Чорсу” сўзини олайлик. Кундалик ҳаётимизда тез-тез қўлланиладиган мазкур сўзни савдо марказига нисбатан ишлатамиз. Лекин ушбу сўзнинг келиб чиқиши ўрта асрларда шаҳар марказидаги худудга боғлиқ бўлиб, у ердан тўрт томонни кўриш мумкин бўлган. Форс тилида “чор” “тўрт”, “су” “тараф” маъносини англатади. Ҳаётимизда бу каби тарихий атама, сўзлар кўп учрайди.

Умуман олганда, қўлланилаётган ҳар бир сўзнинг асл мазмунини билишда шу сўз яратилгандаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазият ва шарт-шароитларни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат тафаккурни сабабий алоқадорликда ривожланишига кучли ижобий таъсир кўрсатади.

Герменевтик диалог эса, ўқувчини матн билан жонли мулоқотга киришишига сабаб бўлади. Яъни ўқувчи матн билан мулоқотга киришиб, воқеа-ҳодисалар иштирокчисига айланиб боради. Бу ерда нафақат тушуниш, балки ҳис қилиш устун туради. Биз қаҳрамонлар тақдирига шерик бўлиб, уларнинг шодлигидан қувониб, дард-аламидан изтироб чека бошлаймиз. Бу ҳолатга деярли барчамиз тушганмиз, масалан, ўзимизнинг энг севимли бадий асаримизни эслайлик. Асардаги қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисаларни хотирлайлик ва ўйлаб кўрайлик: бу асар биз учун нимаси билан қадрли? Албатта, қаҳрамоннинг тақдири ёки изтироблари бизникига яқин ёки ўхшаш бўлганлиги учун. Ёки ҳеч бўлмаганда, у бизнинг орзуимиздаги вазият

қахрамони бўлгани учун. Масалан, ўзбек адабиёти дурдонаси Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги Кумушнинг ўлиmidан изтироб чекмаган, қисматига ачинмаган ўқувчи топилмаса керак. Лекин ҳар бир йўқотишнинг ўзгалар учун ибратли хулосаси бор. Ёзувчи асарда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни тасвирлаб, севимли қахрамонини ҳалок қилади, бироқ ёвуз қахрамонни асарда тугал жазоламайди. Унинг тақдирини ўқувчининг ҳукмига ҳавола этиб, энг кучли нафрат ва ғазабга дучор қилади. Бадиий асарнинг қиммати ҳам айнан сўнгги хулосани ўқувчи ихтиёрига ташлашдир, яъни ўқувчи асардаги воқеаларни таҳлил қилиб, охирида ўзидан келиб чиққан ҳолда хулоса чиқаради. Шунда асарнинг тарбиявий аҳамияти кўринади, яъни кимдир асарда келтирилган ёмонликни ўз ҳаётида такрорламасликка, яхши жиҳатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Шу тарзда матн билан мулоқот юзага келади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ижод асари аниқ ғоя, аниқ мақсад билан яратилиб, мавҳумлик – рамз ва белгилар билан ниқобланади. Асарнинг қиммати эса мана шу мавҳумлик даражаси, яъни кўпмаънолилик билан боғлиқ. Ўқувчи дунёқараши, тафаккури, ҳаёт тарзини ўзгартира олган асарни кучли асар дея эътироф этишимиз мумкин. Бундай асарда ўқувчини матн билан мулоқотга кириша оладиган жиҳатларининг кўплиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, айнан мулоқот жараёнида ҳақиқий маъно тушунилади, ҳаётнинг моҳияти, яшашнинг мазмуни икки томон (матн ва ўқувчи) мулоқот чегарасининг бирлашиши билан анланади.

Умуман олганда, герменевтик методологиянинг мақсади ниқобланган ҳақиқат мазмунини очишга йўналтирилган. Ҳар қандай таълимот ёки метод ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Шунингдек, герменевтиканинг ҳам тарихий илдизлари, ҳатто, тарихий муаммолари бор. Диссертацияда кўзда тутилган мақсадни амалга оширишда герменевтиканинг келиб чиқиши, услублар мажмуаси сифатидан алоҳида йўналиш даражасига чиқишини таҳлил этиш талаб этилади. Матн ва матн муаллифининг биринчи қарашларини аниқлаш

(ўрта асрларда илоҳий матнлар бўйича - экзегетика – “ἐξηγητικά”) ва матн маъносини шарҳлаш ва қабул қилиш дастлабки герменевтиканинг асосий хусусияти ҳисобланади. Қадимги яҳудий дини (Талмуд) асосида герменевтик методологиянинг дастлабки тамойиллари шаклланди. Яҳудий герменевтикаси ўз ичига бир неча мактабларни олади:

Таргум (оромий тилида “תרגום”, “перевод”, “таржима”) мил. ав. 2-асрдаги қадимги иврит тилидан таржима қилинган диний матнлар муаллифлари ижод қилган мактаб. Мидраш – илоҳий матнларни якка сўзлар орқали таҳлил қилиш услуби бўлиб, у Таргумга нисбатан чуқур маъно излайди. Айни пайтда, мидрашнинг икки тури - глаха ва агада (айрим манбаларда “агада”)мавжуд бўлган. Икки турга бўлинишининг сабаби, ўша даврда христиан динида “Ёзма Торо” ва “Оғзаки Торо” бор эди. Глахада – Худонинг иродаси ва йўл-йўриқларининг хусусий ҳолатлари акс эттирилган бўлса, Агадада - Илоҳий ёзувни ўрганиш яъни хулқ-атвор эмас, балки илмни – назарияни ўрганиш устунлик қилган¹ (бу фарқланиш Ислом динидаги шариат ва таъриқатга ўхшайди).

Ундан ташқари, қадимги яҳудийлар илоҳий матнларни ўрганишда яъни “Пешер” (“פְּשֵׁר”, “изоҳлаш”), “Типология” (ўтмиш ва келажакни боғлаб ўрганиш) каби дастлабки герменевтик мактабларга асос солган². Шунингдек, қадимги герменевтиканинг бешинчи методи ҳисобланган – тушунтиришнинг аллегорик услубида матн код ёки шифр тўплами саналиб, матнни изоҳлаш шифрни очиш, кодлар остига яширинган маънони очишга эътибор қаратилади. Аллегорик методда матннинг ҳарфли бирикмаси эмас, матннинг умумий мазмуни ўрганилган.

Яҳудийлар асос солган герменевтика кейинчалик қадимги Юнонистон файласуфлари томонидан қўлланилган. Чунки, қадимги Юнонистон файласуфлари Гомер дostonлари, бошқа афсоналар ҳамда ривоятларни

¹ Қаранг: New Testament with Genesis and Psalms. –Stockholm: Institute for Bible Translatiol, 1992. -on p. 4

² Қаранг: Павлов Е.В. Основы Герменевтики. -М.: Московский богословский институт, 2004. -С.11-13

ўрганиш натижасида герменевтика тамойилларини яхши ўзлаштириб, унинг ўзига хос хусусиятларини талқин этган. Шунингдек, герменевтика услубларидан бадий адабиёт асарларини таржима қилишда ҳам фойдаланилган.

Христиан диндорларидан бўлган Тит Флавий Клеменс (150-215) – христиан патристик адабиётининг асосчиларидан бири бўлиш билан бирга, Александрияда Инжилни ўрганиш бўйича катта мактабни юзага келтирди. Унинг учта – “Тилчиларга йўриқнома”, “Педагог”, “Строматлар” асарлари христианлик даври ҳақида маълумот берувчи қимматли манбалар ҳисобланади. Клеменс Инжилни аллегорик метод орқали талқин қилган, унинг фикрича, маънони тушунишда ҳарфлар кетма-кетлиги эмас, балки уни талаффуз қилиш, такрорлаш орқали маълум бўладиган маънони ҳис қилиш муҳим. У сўзларнинг маъносини кечинма орқали ҳис қилиш ҳақида “Строматлар” китобида шундай воқеани эслайди, “... муқаддас китобни қўлга олганимдан сўнг, ёлғизлик истаб, жамоани тарк этдим, далага чиқдим. Илоҳий сўзлар битилган саҳифани 15 кун такрор-такрор ўқиганимдан сўнг, онгимда унинг мазмунини тушунганимни ҳис қилдим. Бу ҳақиқий маънонинг тушунилиши эканлигига шубҳам йўқ эди...”¹. Демак, милонинг II асридаёқ, ҳозирги замон герменевтикасининг муҳим ёндашуви бўлган аллегорик методнинг асослари Клеменс томонидан қўлланилган.

Клеменснинг шогирди Ориген (185-254) ҳам ўзининг “Ибтидо ҳақида”² асари билан тарихда из қолдирган. У христианлар ичида биринчи бўлиб “тана” ва “қалб” уйғунлиги масаласини Инжил асосида шарҳлашга ҳаракат қилган. Унинг бу ёндашуви устозининг аллегорик методига ўхшаб кетади, Клеменсдан фарқли равишда у нафақат матнга, балки ижтимоий воқелик, инсон борлигини тушунишга аллегорик ёндашган.

¹ Павлов Е.В. Основы Герменевтики. -М.: Московский богословский институт, 2004. –С.12

² Ўша манба, –С.26-28.

Герменевтика тараққийетининг навбатдаги босқичида Федор Мопесуестийский ва Иоанн Злотоустларни ичига олган Антиохий мактаби ўзига хос аҳамият касб этади. Мазкур мактаб вакиллари мулоҳазалари экзегетикага эмас, кўпроқ тафсиршуносликка яқин эди. Улар сўзларнинг тўғридан-тўғри маъносини эмас, балки Инжил, илоҳий матнларнинг нозил бўлиш сабабларини тадқиқ этишга эътибор қаратади.

Амвросий, Иероним, Августинлар фаолият юритган Ғарбий мактаб ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Амвросий Медиоланский (340-397) Августиннинг устози сифатида машҳур бўлиб, у барча Инжилга битилган шарҳларни уч:

- харфий,
- ахлоқий,
- мистик даражага ажратади.

Иероним (342-420) илм аҳлига ўзининг Инжилнинг латинча (Вульгат тилидаги) таржимаси билан маълум. У ўзини Худо сўзларини шарҳловчиси эмас, кўпроқ экзегетик – илоҳий матнлар моҳиятини ўрганувчи деб ҳисоблаган.

Аврелий Августин (354-430) – Ғарб христианчилигининг ёрқин вакили бўлиб, ўзининг барча герменевтик билимларини “Христианлик таълимоти” китобига жамлаган. Августин талқин қилиш ҳақидаги умумий тасаввурларни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки биринчи марта матнни белгилар тизими сифатида талқин этади. Унинг фикрича, герменевтикани фақат белгилар ҳақидаги илм билан асослаш мумкин, бунинг учун эса, семантикани билиш лозим¹. Герменевтика эса, семиотика таркибига кирувчи билим соҳасидир².

Ўрта асрлар герменевтикаси дастлабки герменевтикадан фарқ қилади. Илк ўрта асрлар VI-X асрларни ўз ичига олади. Бу даврлар ўзига хос давр

¹ Қаранг: Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. -С. 16-17

² Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. -С. 17

бўлиб, бунда асосан, илоҳийликнинг тафаккур билан қўшилиши жараёнига замин яралади. Схоластика даври ҳақида сўз кетганда, албатта, икки жуфтлик – Ансельм ва Абеляр, Альберт ва Фома Аквинскийга тўхталиш лозим. Ансельм (1033-1109) ўртага ташлаган ишонч ва ақлни уйғунлаштириш ғояси Августинни Худонинг борлигини ақл билан исботлашга ҳаракат қилишига туртки бўлди. Ансельм ўз тадқиқотларида мантик, диалектика қонуниятларига мурожаат қилган. Машҳур “Ҳа ва йўқ” асарининг муаллифи Петр Абеляр (1079-1142) Инжил ва Муқаддас ёзувлардаги зиддиятларни фалсафий жиҳатдан очишга ҳаракат қилди.

Буюк Альберт (1206-1280) 1215 йилда очилган Париж университетининг таниқли ўқитувчиси эди. У Инжил матнларини ўрганишда эски услублардан фойдаланган, бироқ бунга қарамай бошқа соҳалардаги ўткир ва теран фикрлари билан замондошлари томонидан “буюк”лик унвонини олишга муваффақ бўлган.

Фома Аквинский (1224-1274) Альбертнинг шогирди бўлган. Аквинскийнинг ўрта асрлар дин герменевтикасига қўшган ҳиссасидан ташқари, у Европага Аристотел ва Платонни “қайтариб берди”. Бу даврга қадар антик даврнинг буюк мутафаккирлари таълимотлари фақат Шарқ адабиётларида батафсил баён этилган эди. Араб тилидаги Аристотел асарларини ўрганиш асосида Аквинский илоҳиётни фалсафа таркибидаги, мантик, метафизика, физика, риторика, этика, поэтика каби соҳаларга боғлайди. У ўзининг “Теология мажмуаси” асарида илоҳийликдан кўра, мантикий асослашга кўпроқ эътибор берган. Аквинский матнларни изоҳлашда Августин герменевтикаси изидан бориб, манбаларни аллегорик метод орқали таҳлил этади.

Сўнгги ўрта асрларда схоластика ўз тараққиётининг чўққисига чикди, бу жараёнда Дунс Скотт ва Уильям Оккамларнинг хизматлари катта. Дунс Скотт (1256-1308) бир қараганда схоластиканинг ёрқин вакили бўлиб кўрингани билан, кейинчалик файласуфлар ичида ўзининг фалсафа

саволлари ва герменевтикага нисбатан “буни исботлаб бўлмайди”, - фикри билан “Спинозагача бўлган Спиноза” номини олди. Унинг бу масаладаги изланишлари эътиқод ва фан категориялари ўртасидаги дастлабки тўқнашув ва муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлди.

Уильям Оккам (1285-1349) номиналист эди. Номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги келишмовчилик борлиққа нисбатан ғоялар (универсалийлар) ва якка “ном”лар (nominus)нинг бирламчилиги ёки бирламчи эмаслиги туфайли келиб чиқди. Айнан шу даврда мутафаккирнинг ўрта аср фалсафасига қўшган асосий хизмати фалсафани илоҳиётнинг “хизматкори” дан “дўсти” даражасига кўтаришга интилишида бўлди.

Европадаги ислохотлар даврида герменевтиканинг ривожини Матиас Флациус Иллирийскийнинг (XVI аср) фаолияти билан боғлиқ. Бу даврдаги ижтимоий вазият илоҳий матнларни махсус таҳлил қилиш заруратини юзага келтирган, бу эса католицизм танқиди ва янги диний ҳаракатнинг асосланишини тақозо этди. Мазкур асосини Матиас Флациус илгари сурди. У герменевтикани сўз маъносининг ўзгариш сабаби сифатидаги контекстуал шарҳлашнинг асосий назарий тамойили деб таъкидлаган. Унинг фикрича, ҳар қандай сўз нафақат бир маънога, балки яширин маънога ҳам эга. Сўз мазмунининг ўзгариши эса, контекстга боғлиқ. Яъни аниқ бир сўз ўзининг ички ва ташқи мазмунига кўра, фақат контекст ичида ўзгариши мумкин ва бу ўзгаришлар кишини асл мазмундан чалғитади. Флациус герменевтик доира хусусида ҳам тўхталиб ўтади, герменевтик доира яхлитликни тушунишнинг муҳим шarti. Сўз мазмунининг матн ичида ва алоҳида шарҳланиш методи сифатида талқин қилиниши олимнинг герменевтика ривожига қўшган асосий ҳиссасидир. Унинг фикрича, “Тушуниш – герменевтик санъатнинг мақсади, шарҳлаш эса-методи”¹.

Умуман олганда, VIII-XVII асрларда диний матнларни шарҳлаш асосида герменевтиканинг назарий манбалари шакллана бошлаган.

¹ Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. –С. 21

Герменевтика ривожда ҳуқуқий манбаларнинг шарҳланиши билан боғлиқ юридик герменевтиканинг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга. Мазкур йўналиш теологик герменевтикадан сўнг, X асрларда шаклланган. Европада тахминан 1080 йилларда Рим ҳуқуқи тўплами топилган. Мазкур тўпланишнинг тарихий аҳамияти катта бўлиб, уни ўрганиш учун дастлаб Болонья ҳуқуқшунослик мактабида, кейинчалик Европанинг бошқа катта шаҳарларида мутахассислар тайёрланган. Ҳуқуқий манбалардаги қарама-қаршилик, зиддиятларни бартараф этиш учун мутахассислар тадқиқотларига схоластик, диалектик методларни қўллаш бошлаган ва натижада юридик герменевтика мактаби шаклланган. Кейинчалик теологик ва юридик герменевтика ижтимоий-сиёсий, диний, маданий муаммоларни бартараф қилиш учун биргаликда қўлланила бошланган.

Юридик герменевтиканинг йирик вакилларида бири Гуго Гроций (1583-1645)дир. У ўзининг “Шарҳлаш ҳақида” асарида юридик манбалар мазмунини изоҳлашнинг турли методларини санаб ўтган. Жумладан, у тарихда биринчи бўлиб интерпретациянинг грамматик, логик, тарихий, техник ва ҳуқуқшуносларнинг амалиёти учун зарур бўлган турларини қўллади¹. Шарҳлаш, Гроций фикрича, манбалардаги мавҳумлик ва ноаниқликларни, зиддиятларни бартараф этиш учун қўлланилади. Давр, ижтимоий-тарихий вазият ўзгариб борар экан, ҳуқуқий манбалар, қонун-қоида, тартибларнинг асл мазмуни ҳам ўзгариб боради. Бу эса, зиддият ва тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Герменевтика эса, мана шу салбий оқибатларнинг олдини олиши лозим².

Гроцийдан сўнг юридик герменевтика умумий ҳуқуқ назариясидаги тасодифий ёндашув эмас, балки зарурий методологияга айланди. Мазкур ёндашув алоҳида фан сифатида ҳозирги кунга қадар ҳуқуқшунослик факультетларида ўқитилиб келинмоқда.

¹ Қаранг: Павлов Е.В. Основы Герменевтики. -М.: Московский богословский институт, 2004. С.-20-22

² Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. -С.32

Шундай қилиб, ҳар бир герменевтика мактаблари матндаги маънони ўрганиш ва шундан келиб чиқиб тавсиялар бериш билан ижтимоий ҳаётда билимга эга бўлишда ўзига хос аҳамият касб эта бошлади.

Янги давр вакили Фридрих Шлейермахернинг (1768-1834) умумфалсафий қарашлари унинг вафотидан сўнг нашр қилинган “Диалектика”сида акс этган. Диалектика унинг фикрича, фалсафий асослаш санъатидир¹. Фалсафий билиш тафаккурнинг борлиқ билан яхлит бирлигини тақозо этади. Мантиқий боғлиқлик ташқи воқеликнинг сабабий боғланишига мувофиқдир. Билиш икки омил – органик ёки ҳиссий ва интеллектуал жиҳатларга боғлиқ. Органик омил – материал (моддийлик) беради, интеллектуал омил – шакл беради. Биринчиси хилма-хилликнинг хаотик ўзлаштирилишини шартласа, иккинчиси уларни тизимга солиб, аниқлик ва бирлик беради. Икки омилдан бирининг устунлиги доимий тарзда инсон тафаккурида алмашиб туради, яъни баъзан мавҳум тушунчалар, баъзан аниқ хулосалар тафаккуримизда ҳаракатда бўлади. Файласуф фикрича, тафаккурнинг икки – ҳиссий ва интеллектуал жиҳатга эга эканлиги борлиқни реал ва идеал тушунишга асос бўлади².

Дин фалсафаси Шлейермахер фалсафасининг асосини ташкил қилади. Шлейермахернинг дин фалсафаси, тарих фалсафаси ва ахлоқий қарашларидаги ҳиссиётларнинг рамзийлаштирилиши, яъни тил ва санъат воситасида инсон борлигининг акс эттирилиши ҳақида фикрларида герменевтик хулосаларни кузатиш мумкин. Яъни ҳиссиётларнинг тил (адабиёт) ва ўйин (санъат) воситасида символлаштирилиши ягона ҳақиқат – инсон психологияси моҳиятини тушунишга имкон беради.

Шлейермахер фикрича, герменевтиканинг предмети – хотирага айланган матн. Хотира (ёдгорлик)лар – тадқиқотчини вақт, тарихийлик, маданий тил каби сифатлар билан фарқлаб турувчи матн. Хотира (ёдгорлик)

¹ Шлейермахер Ф. Введение / Речи о религии к образованным людям, её презирающим. Монологи. - М.: Прогресс, 1994. –С. 5.

² Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С.64.

одатда, узоқ ва бегона маданиятга тегишли бўлади. Хотиранинг бевосита маъносини билишга монелик қилувчи кўплаб табиий тўсиқлар мавжуд. Шунинг учун улар мазмунини тушуниш учун таржима қилиш, шарҳлаш, изоҳлаш ва шу кабилар тақозо этилади. Шлейермахер фикрича, айнан шу табиий тўсиқларни бартараф қилиш учун герменевтика вужудга келган, герменевтика биз тушунарсиз вазиятда қолганимизда зарур¹. Шлейермахер унгача бўлган Ф.Астнинг герменевтикани “тушунарлиликни талқин қилиш” деган таърифини танқид қилиб, уни айнан тушунарсизликни бартараф этгани учун тушуниш санъати дейди.

Агар биз матнни қотиб қолган нутқ деб олсак, бундай ҳолатда тадқиқот методи диалог характериға эга бўлиши, яъни шарҳловчи ва матн ўртасида мулоқот юзага келиши лозим. Қотиб қолган нутқ, Шлейермахер фикрича, объектив ва субъектив хусусиятга эга. Нутқнинг объектив хусусияти, яъни тилли асоси шарҳлашнинг грамматик предметини белгилайди. Хотира(ёдгорлик)нинг субъектив хусусияти, яъни тафаккурий асосини биз психологик шарҳлаш воситасида аниқлаймиз. Зеро, тушуниш, интерпретация турларидан эмас, балки, лаҳзаларнинг бирикувидан, икки хусусиятли лаҳзанинг ўзаро бир-бири билан бирикувидан ҳосил бўлади.

Герменевтиканинг кейинги ривожига катта ҳисса қўшган Шлейермахернинг яна бир янгилиги “яхшироқ тушуниш” тамойилидир. Бу тамойилга кўра, тадқиқотчи матнни ўз ижодий ёндашуви билан муаллифдан ҳам кўра чуқурроқ ва кенгроқ тушуниши мумкин. Мазкур тамойил замонавий тадқиқотчининг фақат матнда ифодаланган воқеалар мазмунини эмас, балки муаллиф ҳаёти, тарихий даври кабиларни билиши лозимлигини талаб қилади. Чиндан ҳам, инсон муайян тарихий, илмий ёки бадиий асарни яратаётганда даврининг руҳи, ўзининг ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабати, ҳаётини кайфиятини англамаган ҳолатда матнга сингдиради. Матнни ўрганувчи тадқиқотчи эса, мазмунни изоҳлашга оқилона, онгли

¹ Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С. 13

ёндашади ва натижада муаллиф назарда тутмаган нарса-ҳодисаларнинг янги маъноларини кашф этиш имкониятига эга бўлади. Шу тахлитда тадқиқотчи муаллифдан яхшироқ тушуниши мумкин.

Шлейермахернинг мазкур ёндашуви ўтган асрда гуманитар фанлар методологиясида ўзига хос ўринга эга бўлган Сент-Бёв биографик методига мувофиқ келади. Ушбу метод тарихийлик асосига қурилган бўлиб, бунда матн муаллифи ҳаёти ҳақида маълумотга эга бўлмай туриб, матндан мазмун кидириш самарасиз усул ҳисобланади. Шлейермахернинг нарса-ҳодисаларнинг антропологик нуқтаи назардан, муаллифларнинг биографик жиҳатдан таҳлил қилиши герменевтиканинг кейинги ривожига ижобий таъсир қилган. Бундан ташқари, мутафаккирнинг матн маъносини ўрганишда реконструкция методининг қўлланилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг фикрича, герменевт изланишининг мақсади матн муаллифи ички дунёсига кириб, у билан бирга изтиробларни ҳис қилиши билан амалга ошади¹. Умуман олганда, Ф.Шлейермахер ижоди герменевтик тадқиқотларнинг кейинги ривожига катта ҳисса қўшди.

Ғарб фалсафасида герменевтиканинг аниқ илмий методологик концепциядан умумилмий таълимотга айланишида В.Дильтей (1833—1911) ижодининг ўзига хос ўрни бор. Дильтей ўз қарашларида Шлейермахер анъаналарини давом эттириб, интерпретация ва тушуниш масаласини тадқиқ этишга ўзига хос ёндашади. Унинг тадқиқотларида инсон психологияси ва табиий воқелик узвийликда ўрганилган. “Ҳаёт, -Дильтей фикрича, -чексиз ва ноаниқ, у сирли манбалардан оқади ва ноаниқ мақсадларга йўналган; бизнинг онгимиз унинг қисмларинигина билиши мумкин; биз фақат якка ҳаётий воқеаларнинг психологик талқинини тушунишимиз мумкин”².

Дильтей барча фанларни таснифлаб, уларни икки – табиат ҳамда рух ҳақидаги фанларга бўлади. Бу икки тармоқ бир-биридан тадқиқот предмети

¹ История философии. Энциклопедия. Интерпрессервис. –Минск: Книжный Дом, 2002. –С.206

² Дильтей В.Собрание сочинений в 6 тт. Под ред. А.В. Михайлова и Н.С. Плотникова. -Т. 1: Введение в науку о духе / Пер. с нем. под ред. В.С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. –С. 12.

ва қўлланиладиган методларига кўра фарқланади. Лекин, табиат олами ва руҳий олам бир-бири билан узвий боғланган. Табиатнинг инсон руҳияти фаолиятининг мавжудлигини таъминловчи омил эканлигини ҳисобга олсак, айнан руҳий оламнинг борлиги табиат олами билан, табиат оламининг мавжудлик шарти руҳий олам билан боғлиқлигини гувоҳи бўламиз. “Бундан шу маълумки, - ёзади, Дильтей, - иккала фан тармоқлари бир-биридан шартли фарқланади ... у ёки бу фан тармоғини билиш уларнинг иккисини бирга ўрганиш билан амалга ошади... яъни, табиат ҳақидаги фанларни билиш руҳ ҳақидаги фанлар доирасини кенгайтиради”¹.

Табиат ҳақидаги фанларни ўрганишда тадқиқотнинг номотетик методлари яхши натижа берса, руҳ ҳақидаги фанларни эса, интерпретация методларисиз ўрганиб бўлмайди. Лекин шу ўринда айтиш лозимки, Дильтей табиат ва руҳ ҳақидаги методларни доим диалектик муносабатда эканлигини таъкидлайди.

Дильтей “руҳ ҳақидаги фанлар”ни ўрганишда икки – инглиз позитивизмидаги сабабий-генетик тушунтириш ва немис идеализмидаги интуитив тушунишни бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бироқ у ўзининг қарашларида бу бирликни таъминлай олмади, яъни унинг фикрлари айрим манбаларда позитивизмга, айрим манбаларда идеализмга асосланган. Дильтей ўз ижодининг дастлабки даврида позитивизмга ён босган бўлса, кейинги даврда, Риккерт ва Гуссерль танқидидан сўнг идеалистик позицияда ижод қилади. У тушуниш предметини уч турга - инсоннинг ички дунёси, ташқи дунё ва ўтмиш маданиятига бўлади. Файласуфнинг фикрича, ички дунёни тушунишда интроспекция (ўз-ўзини кузатиш орқали билиш) методидан фойдаланиш самарали натижа беради. Ташқи дунёни тушуниш эса, объектив оламни англашдек кечади. Ўтмиш маданиятини тушунишда эса, фақат герменевтик методологиядан фойдаланиш мумкин. Тарих – яхлит

¹ Дильтей В. Собрание сочинений в 6 тт. Под ред. А.В. Михайлова и Н.С. Плотникова. -Т. 1: Введение в науку о духе / Пер. с нем. под ред. В.С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. –С. 19

ҳолда маънога эга эмас, унинг мисолида фақатгина муайян даврларга тегишли ўзида ёпиқ “маданий тизим”ларни жам этган индивидуал курилмаларни кўриш мумкин. Инсонийликнинг яхлит моҳияти табиий-тарихий-ижтимоий алоқаларда намоён бўлади. Дильтей бу боғланишни “психофизиологик ҳаётининг бирлик” деб атайди. Мана шу бирликда табиат ва руҳ ҳақидаги билимлар бирлашади. Лекин бу ҳолатни фақат мавҳумлаштириш билан тасаввур қилиш мумкин, чунки инсоннинг маънавий-руҳий оламини тўла аниқликда билиб бўлмайди. “Тарихий-ижтимоий фанларнинг предметини ташкил қилувчи бундай ҳаётининг бирликлар фаолиятда бирлашади”¹.

Файласуфнинг фикрича, ҳар қандай маънавий моҳиятнинг мазмуни “ҳаётининг акс эттиришидир”, улар инсондан ҳам, табиатдан ҳам алоҳида мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам уларни (яъни иккала фан тармоғини ҳам) билиш ўзига хос методология талаб қилади. “Тушуниш ва тушунтириш – руҳ ҳақидаги фанларда қўлланилувчи метод. Барча вазифалар тушунишда жамланади. Айнан тушуниш ва тушунтиришда руҳ ҳақидаги фанлар ҳақиқати очилади. Тушуниш ҳар бир нуқтада муайян оламни очади”².

Дильтей руҳ ҳақидаги фанларни уч – тарихий, назарий ва амалий қисмларга ажратади. Руҳ ҳақидаги фанларни ўрганишда икки муаммони ўртага қўяди: герменевтик мантиқ ва гуманитар билишда онгсизлик муаммоси. Биринчи муаммо мутлақо янги бўлса, иккинчи муаммо Дильтейдан олдин Шлейермахернинг “яхши тушуниш” ҳақидаги таълимотида келтирилган эди.

Интерпретациянинг мантиқий шакллари концепциясида Дильтей “Ҳаётнинг намоён бўлиши” ва уларни тушуниш шакллари ҳақида тўхталади. “Ҳаётнинг намоён бўлиши деганда, мен нафақат ниманидир билдирадиган хатти-ҳаракат ёки ишорани, балки маънан онгимизга таъсир қилиб,

¹ Дильтей В. Собрание сочинений в 6 тт. Под ред. А.В. Михайлова и Н.С. Плотникова. -Т. 1: Введение в науку о духе / Пер. с нем. под ред. В.С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. –С. 23

² Ўша манба, -С. 54

ниманидир тушунишга имкон берадиган ҳолатни назарда тутаман. Тушуниш усули ва натижаси ҳаётнинг намоён бўлиш типига қараб фарқланади”¹.

Дильтей ҳаётнинг намоён бўлишини уч типини фарқлайди:

1. Тушунча, мулоҳаза ва хулоса (ҳаётнинг назарий намоён бўлиши);
2. Ҳатти-ҳаракат (ҳаётнинг ташқи намоён бўлиши);
3. Кечинмалар ифодаси (инсон қалбининг намоён бўлиши).

Тушунишни Дильтей элементар ва юқори шаклини фарқлайди. Элементар тушунишда ҳаётнинг намоён бўлишининг якка, алоҳида ҳолати олинади. Тушунишнинг юқори шакли деганда эса, “ҳаётнинг яхлит алоқалари” ва “инсонлар ички дунё”сини тушуниш назарда тутилади.

Умуман олганда, Дильтей ижоди психологизм билан боғлиқ бўлсада, герменевтиканинг фалсафий мақомини мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди. Файласуф айтганидек, биз, ўзимизни, аввало, ўзимиз яшаётган оилада, жамиятда, давлатда тушунамиз, тарих бизга эмас, биз тарихга тегишлимиз².

XIX асрдаги фан ривожини олимларни жараёнларга оқилона муносабатда бўлишга ундади. Бу эса, либерал герменевтиканинг илоҳий матнларни оқилоналик асосида таҳлил қилиш, шарҳлашга интилишида намоён бўлди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, либерал, консерватив, романтик, ортодоксал, ноортодоксал ва бошқа герменевтик йўналишларнинг вужудга келиши айнан, христиан динининг тарихий – ижтимоий жараёнлар кетма-кетлигидаги ўзгариши билан боғлиқ.

XIX асрда шаклланган ортодоксал герменевтика вакили Карл Барт (1886-1968) либерал герменевтикачиларнинг илоҳий матнларни “либерал” таҳлил қилишларига норозилик билдириб, бу ҳақдаги фикрларини “Римликларга мурожаат” номли китобида акс эттиради³. Ушбу асарда у

¹ Дильтей В. Собрание сочинений в 6 тт. Под ред. А.В. Михайлова и Н.С. Плотникова. -Т. 1: Введение в науку о духе / Пер. с нем. под ред. В.С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. —С. 31

² Ўша манба, -С. 5

³ Қаранг: Барт К. Послание к Римлянам. —М.: Библиейско-богословский институт св. апостола Андрея, 2005. — 580 с.

динни талқин қилишнинг илгариги – ортодоксал услубини оқлаб чиқди. Унинг фикрича, илоҳий матнларни оқилоналаштириб ҳам, либераллаштириб ҳам бўлмайди. Умуман, ҳар қандай илоҳий матн ўз ҳолича талқин қилиниши керак¹, деган фикрни илгари суради.

Шунингдек, Р.Бультман, Г.Эбелинглarning “Янги герменевтика” мактабини ва замонавий консерватив герменевтика мактабини Янги давр герменевтикаси сифатида талқин қилиш мумкин².

Немис файласуфи, экзистенциализмнинг йирик вакили М.Хайдеггернинг (1889-1975) герменевтика ривождаги ўрни беқиёс. Герменевтиканинг онтологиялашуви айнан Хайдеггер тадқиқотлари негизида ривожланди. Олимнинг 1927 йил нашр этилган “Борлиқ ва вақт” асари унга катта шуҳрат олиб келди, асарнинг баён қилиш тили жуда мураккаб. Айниқса, Хайдеггернинг борлиқ моҳияти ҳақидаги фикрлари диний бўлмасада, унинг ўз ибораси билан айтганда “имманент трансцендентал” хусусиятга эга. Унинг фикрича, “борлиқ” ўз мазмунини инсоний чекланганлик билан очади. Айнан чекланганлик, инсон фаолиятининг ҳар қандай кўриниши ўлим билан яқунланишини таъкидлаб, файласуф, айти лаҳза, айти мавжудлик муҳимлигини илгари суради.

Шунингдек, Хайдеггер борлиқ масаласини муҳокама қилар экан, у тилсиз мавжуд бўла олмаслигини таъкидлайди. Тил – фақат мулоқот алмашиш қуроли эмас, балки инсоний борлиқнинг, ҳаёт мазмунининг намоён бўлиш шартидир. Бироқ шу билан бирга, “...тил мазмунни нафақат аниқлаштиради, балки мавҳумлаштиради ҳам. Мазмунни изоҳлаш учун мукамал тил керак. Лекин ҳар бир сўзловчи ўз онги, тасаввури, дунёқариши чегарасидан ўтиб маънони изоҳлай олмайди. Айти пайтда тил – инсон учун,

¹ Барт К. Послание к Римлянам. —М.: Библейско-богословский институт св. апостола Андрея, 2005. — С.215.

² Қаранг: Бультман Р. Иисус. // Путь. 1992, № 2. —С. 26-33.; Бультман Р. Социально-политическое измерение христианства. -М.: Олма-пресс, 1994. -135 с.; Эбелинг Г. Сущность христианской веры. «Das Wesen des christlichen Glaubens». -Tubingen: 1959. -176 с.; Эбелинг Г. Истина Евангелия: толкование на послание к Галатам. «Die Wahrheit des Evangeliums: eine heshilfe zum Galaterbrief. -Tubingen: 1981. -182 с.

нафақат ташқи борлиқнинг ифодаловчиси, балки ўз борлиғини ҳам ифодаловчи воситадир¹. Файласуф, Шлейермахернинг герменевтик доира ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб, “Герменевтик доира – тушуниш ва талқин қилишнинг маъноли, мазмунли ҳаракатидир”², деб таъкидлайди.

Хайдеггер тил муаммосини герменевтик таҳлил қилиб, герменевтиканинг фалсафий хусусиятини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, инсон борлиғи масаласини герменевтик асосда ўрганиб, тушунишни нафақат метод, балки яшаш шарти эканлигини исботлайди.

Рус файласуфи Г.Г.Шпет (1879-1940) концепциясини феноменологик герменевтика деб аташ мумкин. Олим герменевтикани матн маъносини ўрганиш санъати, деб таъкидлайди³. Шпет фикрича, илгари бу санъат жуда махсус, тор доирада ўрганилган. Шпет ижодида эса, герменевтика, аввало, соф психологик ҳолатлар – матн муаллифининг ички дунёсига шўнғиш, ҳис қилиш, кечинма ва изтиробларни бошдан ўтказиш, муаллиф тарихий-ижтимоий дунёсида яшаш каби ҳолатларни тушуниш жараёнларида намоён бўлади. Шу билан бирга, у мазмунни англашнинг психологик ҳолат билан бирга, онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қилди. Г.Шпет шахсан “феноменологик герменевтика” терминини тан олмаса-да, унинг тадқиқотлари айнан шу йўналишга мансуб. Унинг фикрича, айнан феноменология маънони ўзлаштиришнинг янги герменевтик методлари билан бойиши керак⁴. Бошқа томондан, таъкидлаш жоизки, герменевтиканинг ўзи ҳам феноменологик, семиотик, матн маъносининг мантикий-семантик экспликацияси каби янги ёндашувлар билан ўз мазмунини бойитади. Шпет ижодида бу икки метод бирлашди.

Шпет фикрича, герменевтиканинг феноменология билан бирлашуви маънони тушунишнинг муҳим зарурий омилидир. Зеро, “Герменевтика ва

¹ Хайдеггер М. Бытие и время. Статьи и выступления. -М.: Республика, 1993. -С. 268

² Ўша манба, -С. 301

³ Қаранг: Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы. -М.: Прогресс, 1996. -526 с.

⁴ Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы. -М.: Прогресс, 1996. -С. 264

феноменологиянинг бирлашуви, “тушуниш – маънони англаш” формуласида намоён бўлади. Тушунишнинг тамойилли таҳлили билан герменевтика шуғулланади. У “Қандай тушуниш мумкин?” саволига жавоб беради. Маъно ва уни англаш методларининг тамойилли таҳлили билан феноменология шуғулланади. Агар тушунишда маънолиликка эътибор қаратилса, демак герменевтика ва феноменология ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлардир”¹.

Шпет фикрича, ҳар қандай матн яралган даврининг ижтимоий қиёфаси ва тафаккур услуби таъсири остида бўлади. Шу билан бирга, матн муаллифнинг психологик ҳолати, сўз бойлиги, унинг тафаккур далиллари доираси қуршовидан ташқарида бўла олмайди. Демак, тафаккур услуби ва тил матн муаллифининг табиий объектив хусусиятидир.

Шпет маъно масаласига ҳам эътибор беради. “Маъно – англашнинг мазмуни. Маъно нафақат интуиция орқали, балки оқилона ўзлаштирилади. Оқилона ўзлаштирилиш эса, тушуниш орқали амалга ошади. Тушуниш – ақл (тафаккур)нинг синтетик функцияси бўлиб, у шарҳлаш ва талқин қилишга асосланади”². Худди шу ҳолатда тушуниш ва талқин қилиш орқали герменевтик муаммо (оқилонлаштирилган кўринишда) феноменология билан боғланади.

Умуман олганда, Г.Г.Шпетнинг феноменологик герменевтикасининг яратилиши герменевтика ривожига зарурий босқич бўлди.

XX асрнинг яна бир файласуфи А.Н.Уайтхед (1861— 1947) фикрича, тушунишга икки йўл орқали эришиш мумкин. Агар тақдим этилаётган иш мураккаб бўлса, унинг таркибий қисмларини алоҳида ўрганиб, сўнг умумий манзарани яратиш мумкин. Иккинчи услубда эса вазиятни яхлит ҳолда бевосита тушуниш илгари сурилади. Биринчи услуб ички, иккинчи услуб ташқи ёндашув дейилади ва улар бир-бирини инкор этмайди, балки

¹ Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы. –М.: Прогресс, 1996. –С. 126

² Ўша манба, -С. 59

тўлдиради. Биринчи услубда вазиятнинг қисмлари орқали яхлитлик тушунилса, иккинчи услубда каузал – сабабий омилга эътибор қаратилади.

Уайтхет борлиқни тушунишда тилнинг символик тамойилини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, инсон тажрибасининг ҳар бир компоненти (қисми) унинг бошқалар тажрибаси (фикр, фаолият, одат ва ҳоказолар)даги рамзийлик асосида яралади. Борлиқ символик жараёнлардан ташкил топган, фақат унинг баён этилиш тили (ифодаси) ўзгача, холос¹. Демак, борлиқни, мазмунни тушунишнинг энг муҳим жиҳати тилнинг ифодаланишида, яъни ҳар ким символда акс этган ифодадан ўзининг ҳаётий тажрибасига кўра маъно чиқариб олади. Уайтхетнинг бу қараши Г.Гадамернинг ҳаётий тажриба, яъни анъана асосида тушуниш тамойилига ўхшаб кетади.

Умуман олганда, А.Н.Уайтхетнинг ўтган асрда билиш методологияси, мантиқ фанига қўшган ҳиссаси беқиёс. Хусусан, олимнинг Б.Рассел билан ҳамкорликда олиб борган илмий фаолияти XX аср Ғарб фалсафасининг янги сифатий босқичга ўтишига асос бўлган.

Ҳуқуқшунос италян олими Э.Бетти (1823—1892) герменевтикани шарҳлаш назарияси сифатида тан олса-да, М.Хайдеггер ва Г.Гадамердан фарқли ўлароқ, унинг онтологик хусусиятини рад этади. У ўз қарашларида тушунишдан кўра, тушунтиришнинг аҳамияти муҳим эканлигини эътироф этади. Яъни, тушунтиришнинг мукамаллиги тушунишни осонлаштиради. Тушуниш матн маъносининг қайта яралиши натижасини берувчи методологик жараён. Талқин методи тўртта қонунга таянади. Биринчи қонунни Бетти “герменевтик масштабдаги имманентлик қонуни” деб атайди. Бу қонунда герменевтик реконструкцияга муаллиф нуқтаи назарининг мувофиқлиги таҳлил қилинади. Бир томондан, бу қонун Шлейермахернинг “матнда яшаш” тамойилига қарама-қарши бўлмасада, иккинчи томондан “яхши тушуниш” тамойига қарама-қаршидир. Иккинчи қонун талқин қилинаётган объектга тегишли ва бу герменевтик доира орқали амалга

¹ Уайтхет А.Н. Символизм, его значение и действие. –М.: Наука, 1991. –С. 126

ошади. Бу қонунни Бетти “герменевтик тадқиқотнинг мазмуний боғлиқлиги ва умумийлик қонуни” деб атайди. Бу қонуннинг мазмуни яккаликнинг тушунилиши умумийлик мазмунини яратади, умумий мазмуни яккалик ҳақида маъно беришда намоён бўлади. Учинчи қонун “тушунишнинг муҳимлиги” деб аталиб, субъектив омилнинг тўлиқ бартараф этилиши билан изоҳланади. Бегона фикр, эски асар мазмунини қайта тиклаш учун улар яшаган ҳақиқий ҳаётга қайтиб, ҳақиқий фаолиятни ҳис қилиб, воқеани “маънавий уфқ” орқали тушуниш назарда тутилади. Тўртинчи қонун учинчи қонун билан узвий боғланган, у “тушунишнинг мазмуний айнанлиги” (адекватлиги) қонуни деб аталади. У шарҳловчига йўналтирилган бўлиб, “матндан чиқаётган мазмунни ҳаётини муҳимлиги билан келишишини” талаб қилади¹.

Умуман олганда, Э.Беттининг фалсафий мероси тушунишнинг феноменологик, психологик ва гносеологик жиҳатларини бойитишга хизмат қилди.

П.Рикер (1913-2005) XX асрнинг энг машхур файласуфларидан бири. У инсон моҳияти ҳақидаги қарашларини талқин қилиш учун XX асрдаги деярли барча энг долзарб фалсафий йўналишларни таҳлил қилди. Шу боис, у ўз ижодида феноменология, ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм, персонализм, психоанализ, герменевтика, структурализм, таҳлилий фалсафа, ахлоқ фалсафаси, сиёсат фалсафаси ҳамда антик давр мероси, Кант, Гегел, Фихте кабиларнинг қарашларига мурожаат қилди. Ушбу фалсафий таълимотларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида Рикер кўпқиррали – феноменологик герменевтика концепциясини яратишга ҳаракат қилди*. У Ф.Шлейермахер ва В.Дильтейдан фарқли равишда, герменевтикани психологик эмас, балки онтологик нуқтаи-назардан қайта

¹ Қаранг: Ноздринова Г.Н. Актуализация проблемы понимания во второй половине XX века и эволюция герменевтического мышления // Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «гуманитарные науки». №3. Северо-Кавказский государственный технический университет, 2002. –С.56-57.

* Феноменологик герменевтикага Г.Г.Шпет асос солган бўлсада, у П.Рикер ижодида тизимлаштирилди.

ишлади. Рикер герменевтикани фақат билиш методи сифатида талқин этилишини танқид қилиб, унинг борлиқ қурилишидаги ўрнига эътибор қаратди. Файласуф фикрича, Гегелнинг “фалсафий руҳи”га таянган ҳолда “герменевтика муаммосини феноменологик методга пайвандламоқ керак”¹. Шу йўлдан бориб олим замонавий фалсафани чуқур инқирозга олиб келган объективизм ва субъективизм, сциентизм ва антисциентизм, натурализм ва антропологизм ўртасидаги қарама-қаршиликларни ечишга ҳаракат қилади.

П.Рикер тушунтириш ва тушуниш диалектикасини универсал методологиянинг сифатий хусусияти сифатида эътироф этади. “Бизнинг парадигмамизнинг муҳим натижаси – гуманитар фанларни тушунтириш ва тушунишнинг янги ёндашувини очади. Маълумки, Дильтей бу муносабатни эътироф этиб, уни дихотомия деб атаган. Менинг гипотезам Дильтей қўйган муаммога ечим топади”². Бу жавоб тушунтириш ва тушунишнинг диалектик характерида намоён бўлади, яъни яхши тушунмоқ учун яхши тушунтирмоқ керак.

Умуман олганда, П.Рикер яратган тадқиқот йўналиши рус файласуфи Г.Г.Шпет шакллантирган феноменологик герменевтиканинг назарий асосларини янада мустаҳкамлади. Унинг фалсафий герменевтиканинг методологик аҳамияти ҳақидаги фикрларини кейинги параграфларда батафсил таҳлил этамиз.

Замонавий фалсафий герменевтиканинг ривож ва мустаҳкам асослари немис файласуфи Х.Г.Гадамер (1900-2002) илмий-ижодий фаолияти билан боғлиқ. Файласуф ўзининг “Ҳақиқат ва метод” асари билан герменевтиканинг фалсафий таълимот сифатида ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Зеро, тушуниш, Гадамер фикрича, - билувчи, фаолият юритувчи ва баҳоловчи инсоннинг мавжуд бўлиш шарти. Тушуниш – бу

¹ Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук // От текста к действию. Очерки по герменевтике-П. –М.: Наука, 1990. – С. 265

² Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерк о герменевтике. –М.: АСТ, 1995. –С. 68

нафақат билиш, балки дунёни ўзлаштириш (тажриба)нинг универсал йўли, у шарҳловчининг ўз-ўзини тушуниши ва мазмунни қидириш жараёнидир¹.

Гадамер ўз тадқиқотларида ҳақиқатга элтувчи методларни таҳлил қилар экан, аввало, методларни қўллашни табиий ва гуманитар фанлардаги фарқига эътибор қаратади. Файласуф ўзидан олдинги герменевтик тадқиқотларни ўрганиб, герменевтиканинг тарихий, психологик, семиотик, мантиқий-семантик, феноменологик методлари мавжудлигини таъкидлайди. Ҳаётни тарихсиз, хотирасиз тасаввур қилиб бўлмайди, ўтмиш ҳақидаги тасаввурсиз олдинга қадам қўйиш мумкин эмас. Инсон тарихни ўрганишга, мавжуд манбаларни талқин қилишга, шарҳлашга ва тушунишга мажбур. Чунки, тарих келгуси фаолиятни, яшашнинг мақсадини белгиловчи мезондир. Айнан шу зарурият герменевтик таҳлил орқали амалга ошади.

Хуллас, турли даврларда яшаган файласуфларнинг ижоди герменевтик тадқиқотлар доирасининг кенгайиб боришига сабаб бўлди. Ижтимоий-тарихий даврларнинг ўзгариши, маънавий эҳтиёжлар ривожини герменевтикани оддий талқин қилиш методи даражасидан фалсафий йўналиш даражасига кўтарилишига асос бўлди. Лекин, герменевтиканинг асл моҳияти, мазмунни тушунишга, ҳақиқатнинг ҳақиқатлигини шарҳлашга бўлган интилиш ўзгармади. Зеро, герменевтиканинг фалсафий аҳамияти ҳам шундан келиб чиқади, агар, фалсафа “Ҳақиқат нима?” деган саволга жавоб изласа, герменевтика “Ҳақиқатга боришнинг йўли қандай? У қандай тушунилганда айни ҳақиқат бўлади?” деган саволларга жавоб излайди.

Демак, герменевтик билимлар тараққиётини ўрганиш тадқиқотимизнинг назарий-методологик асосини таъминлайди.

¹ История философии. Кохановский В.П., Яковлев В.П. –Ростов на Дону: Феникс, 1999. –С. 412

1.2. Герменевтик методология ривожининг асосий хусусиятлари

Тарих давомида ўрганилган барча билимларнинг асосий мақсади инсон ва унинг моҳиятини билишга қаратилган бўлиб, табиат ва руҳ ҳақидаги фанлар шу изланишлар маҳсулидир. Қўлга киритилган ютуқ, кашф этилган янгиликларга қарамай, ХХІ асрда энг мураккаб, қийин масала инсоннинг фикрлаш, тушуниш жараёнларини ўрганиш бўлиб қолмоқда. Ўтган аср фалсафий герменевтикаси ҳам айнан, тушунишнинг қандай кечиши, унинг қандай омилларга боғлиқлиги каби масалаларни ўрганишни илгари сурди.

Бизга маълум барча фалсафий таълимот, йўналиш ва қарашлар мажмуи уларда илгари сурилаётган ғояни ҳақиқатга етишнинг асосий ва энг тўғри йўли деб таъкидлайди. Шу маънода, герменевтика ҳам ҳаёт мазмуни ва ҳақиқатни билишнинг энг мақсадга мувофиқ шакли деб, мулоқотни ҳисоблайди. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий қадриятлар яратилади¹. Герменевтика вакилларининг фикрига кўра, фалсафанинг асосий вазифаси бўлган ҳаётнинг маъносини, моҳиятини билишни кишилар ўртасидаги мулоқотдан қидириш керак.

Ҳар қандай нарса ва ҳодиса ҳақида фикр юритар эканмиз, дастлаб унинг моҳиятини мумкин қадар чуқурроқ тушунган бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Инсон ўзи эшитган, кўрган, ўқиган нарса ва ҳодисаларининг ҳаммасини, улар ҳақида атрофлича фикр юритмай, қандай бўлса, шундайлигича қабул қилаверишини лоқайдликнинг бир кўриниши десак, муболаға қилмаймиз. Зеро, эшитганларимиз нотўғри, кўрганларимиз сохта, ўқиганларимиз эса, ҳақиқатдан анча йироқ бўлиши ҳам мумкин. Герменевтик ёндашув эса, ахборот, нарса-ҳодисалар ва жараёнларни тушунишнинг яхлит хусусиятларини очиш билан бирга, субъектив ва объектив жиҳатларни ҳам тадқиқ этади.

¹ Фалсафа асослари. / Назаров Қ. таҳрири остида. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005. –Б. 119

Фалсафий герменевтиканинг асрлар давомидаги ривожини XX асрга келиб, унинг методологик аҳамиятини янада мустаҳкамлади. Биз қуйида герменевтиканинг методологик хусусиятларини бошқа файласуфларга нисбатан изчил тадқиқ этган айрим файласуфлар изланишларини таҳлил этамиз.

Дастлаб, герменевтиканинг методологик жиҳатлари ҳақидаги назарий фикрлар М.Хайдеггер ижодида тизимлашади¹. У “Борлиқ ва вақт” асарида инсон борлиғи билан шартланганлигини кўрсатиб берди. “Борлиқнинг маъносини ўрганишда, аввало, унинг онтологиясини билишга эътибор қаратилади. Агар Э.Гуссерлнинг “инсон - борлиқнинг феноменологияси”, деган фикрини давом эттирадиган бўлсак, у ҳолда, инсон - борлиқнинг онтологик ўлчамидир”², -дея таъкидлайди М.Хайдеггер. Шунингдек, мутафаккир ўз фикрларини давом эттириб шундай дейди: “... инсон борлигининг фундаментал таърифи тушуниш, таҳлил қилиш орқали реаллашади. Шунинг учун инсон борлиғи аввал бошдан, “герменевтик”дир. Таҳлил қилиш, тушуниш асосида инсон ўз борлигининг туб асосини реаллаштириб боради. Герменевтика инсон борлиғи, моҳиятини англашнинг шарт-шароити, унинг онтологиясини тушунишнинг методологиясидир”³. Демак, Хайдеггер учун тушуниш мавжудликнинг намоён бўлиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётни ўзлаштириш методологиясидир.

Хайдеггернинг инсонни тушунишга бўлган ҳаракати фалсафий герменевтиканинг биринчи куртакларидан эди. У ўз тадқиқотларида инсонни тушунувчи мавжудот сифатида ўрганиб, масалага онтологик ёндашади.

Рус файласуфи, санъатшунос олим М.М.Бахтин бадий ижод (рассомчилик, назм, насрий ижод, ҳайкалтарошлик, театр санъати ва хоказо)ни герменевтик таҳлил этиб, улар асосида ҳаёт моҳиятини

¹ Қаранг: Хайдеггер М. Бытие и время: Статьи и выступления. -М.: Республика, 1993. -447 с.; Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. - М.: Высшая школа, 1991. -392 с.

² Хайдеггер М. Бытие и время: Статьи и выступления. -М.: Республика, 1993. –С. 56

³ Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. –Тошкент: Шарқ, 2005. –Б.88

тушунишнинг ўзига хосликларини эътироф этди. М.М.Бахтин фикрича, тушунишда икки онг яъни, икки субъект қатнашади, тушунтиришда эса, бир онг, яъни бир талқин субъекти ўзини намоён қилади¹. Бахтиннинг инсон борлиги, сўз ва уни тушуниш ҳақида фикрлари диққатга сазовор, яъни "... инсон учун мурожаатининг жавобсиз қолишидан даҳшатлироқ нарса йўқ. Чунки ҳар бир сўз инсон онгидан, қалбидан чиқади. Ва, табиий, сўз доим ўзининг тушунилишини истаб, уни тушунадиганни қидиради"². Файласуф бу ерда тушунишнинг инсон ҳаёти мазмунини белгиловчи ўрни ҳақидаги фикрни илгари суради. Яъни ҳар бир ҳаракат, ҳар бир имо, ҳар бир сўз атрофдан ўзига жавоб қидиради ва уни тушунишларини истайди. Агар у тушунилмаса-чи, унинг сўроқлари, истаклари жавобсиз қолса-чи? Мана шу нуқтадан ҳаёт мазмуни йўқола бошлайди. Демак, тушунишнинг герменевтик методологияси инсонга бахтли, мазмунли ҳаёт қуриш имкониятини яратади. Яъни, инсон доим "ақлли" бўлиб, қачон ва қаерда нимани қандай ифода этиш, сўраш ёки жавоб бериш мумкинлигини англай билиши лозим.

Ф. де Соссюр ва Л.Витгенштейн тил структураси, белги, маъно кабиларни ўрганиб, лингвистик герменевтикани яратди. Ф. де Соссюр томонидан тизимлаштирилган белгилар ҳақидаги фан, яъни семиотика бугунги кунда гуманитар фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга (бу ҳақда иккинчи бобнинг 1-параграфда баён этилади). Витгенштейннинг филологиядаги изланишлари лингвистик герменевтиканинг назарий асосларини яратди.

Ю.Хабермас герменевтиканинг универсаллиги ҳақидаги таълимотни илгари сурди. У герменевтиканинг рационал-танқидий томонларини таҳлил қилди. Ю.Хабермаснинг фикрича, герменевтика "ёлғон онг"ни танқид қилишда, коммуникация шаклини бузишга қарши қаратилган қуролдир³.

¹ Қаранг: Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -364 с.

² Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. – С. 162

³ Хабермас Ю. Фактичность и значимость. –М.: Прогресс, 1992. –С. 93

Шунингдек, олимнинг таъкидлашича, кишиларда оламни тўғри тушуниш ва талқин қилиш рефлексиясининг шаклланиши уларнинг ҳаёт мазмунини топиш, уйғунликда яшаш, яъни ички дунё ва ташқи оламни ўз мақсадларига йўналтира олишларига ёрдам беради¹. Чиндан ҳам агар мулоҳаза этиб кўрадиган бўлсак, ички дунёмиз (кечинма, ҳиссиёт, тасаввур, хаёл, орзу, изтироб ва ҳоказо)нинг ташқи воқелик билан мувофиқлашуви, яъни уйғунликни, бир бутунликни ҳис эта олишимиз бизга мазмунли ҳаёт кечириш, барча нарса ва ҳодисаларни кенг дунёқараш воситасида кўра олиш имконини беради. Бу эса, кишиларда фалсафий тушуниш, ҳодисалар моҳиятини фалсафий талқин эта олиш қобилияти билан амалга ошади. Ю.Хабермаснинг илмий фаолияти методология билан бирга, ижтимоий фалсафа соҳасини ҳам қамраб олгани учун файласуфнинг герменевтикага боғлиқ фикрлари ҳам ижтимоий жараёнлар талқинига бағишланган. Хусусан, у ижтимоий жараёнларни тушунишда “коммуникатив оқилоналик” ғоясини илгари суради², олим фикрича, ижтимоий жараёнларнинг сабабчиси бўлган инсонлар ўртасида оқилона фикр алмашиш, муносабат ўрнатиш муҳим ўрин тутди. Аслида инсоният тарихидаги барча йўқотишлар (урушлар) ўзаро алоқалардаги (коммуникатив) оқилоналикнинг етишмаслигидадир³.

Герменевтик методологиянинг энг йирик вакили дея эътироф этилган Ханс-Георг Гадамернинг мазкур йўналишга бағишланган асосий қарашлари унинг “Ҳақиқат ва метод” асарида ўз аксини топган⁴. Асарнинг “Герменевтика. Тарих ва замонавийлик” деб номланган биринчи қисмида, муаллиф ижтимоий фанлар учун ижтимоий анъаналарнинг аҳамияти, Кант танқидида эстетиканинг субъективлашуви, санъатнинг эстетик идрок қилиниши, санъат асари онтологияси ва унинг герменевтик хусусияти каби масалаларни чуқур таҳлил қилган. Мазкур қисмда Гадамер методнинг

¹ Қаранг: Хабермас Ю. Фактичность и значимость. –М.: Прогресс, 1992. –С. 95-101

² Хабермас Ю. Теория коммуникативного действия. в 2 томах. Т. 1. –М.: Наука, 1981. –С. 215-218

³ Ўша манба, –С. 314

⁴ Қаранг: Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –692 с.

ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни ва ўзига хослигини атрофлича таҳлил қилади ва унинг табиий фанлар методологиясидан фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтади. Жумладан, у ижтимоий ҳодисаларнинг такрорланмаслиги, уларни табиий фанлар тадқиқотларидаги каби индуктив ёндашув орқали аниқлаб бўлмаслигини эътироф этади: “Ижтимоий-тарихий дунёни билишни табиий фанларнинг индуктив методи орқали фан даражасига кўтариб бўлмайди”¹. Биз ҳам Гадамернинг фикрини қўллаб қувватлаймиз, чунки, табиат ҳодисалари, хусусан, табиий жараёнлар ва объектлар ижтимоий оламга нисбатан турғун, такрорланувчи қонуниятларга амал қилади. Инсон фаолиятига боғлиқ бўлган ижтимоий дунё эса, доимий ўзгариш ва ҳаракатда бўлган тафаккур ва руҳий ҳолатга асосланган.

Гадамер ижтимоий ҳаётни ўрганишнинг мураккаблигини таъкидлаб, шундай фикр билдиради: “Ижтимоий воқеликни фақат бир марталик ва аниқ тарихийликда воқе бўлишинигина тадқиқ қилиш мумкин”². Зеро, маълум чегарага, узлукли давомийлик ва аниқ миқёсларга эга бўлган ижтимоий жараёнларни ўрганиш билангина тарих ёки ўтмиш ҳақидаги хулосаларимиз бирлашади. Файласуф фикрича, биз ижтимоий борлиқни фақат унинг қисқа-қисқа бўлаклари воситасида тушунишимиз, тадқиқ этишимиз мумкин. Гадамер мазкур қисмда метод масаласига алоҳида эътибор қаратади, методнинг тарихий шаклланиш босқичларини батафсил таҳлил қилади.

Асарнинг иккинчи қисми “Руҳ ҳақидаги фанларда ҳақиқатни тушуниш масаласининг оммалашуви (тарқалиши)” деб номланиб, унда Гадамер романтик герменевтика, Шлейермахернинг универсал герменевтикаси, Ранкенинг тарихий дунёқараши, И.Дройзен ижодида тарих ва герменевтиканинг мувофиқлиги, Дильтейнинг тарихий апориялардан таъсирланиши, герменевтикага феноменология ва экзистенциализмнинг таъсири (Гуссерль, Хайдеггер), герменевтик тажриба назариясининг асосий

¹ Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –С.45

² Ўша манба, -С.45

жиҳатлари, тарихий тушуниш, юридик герменевтика, савол ва жавоб мантиғи каби масалаларни таҳлил қилган. Жумладан, Дройзен ижодини ўрганар экан, унинг тарихни тушунишдаги мураккабликлар ҳақидаги хулосаларини қўллаб-қувватлайди, “Ҳеч қайси фан соҳаси тарих фанидек узиб ташланган, назарий асосланмаган, чекланган ва майдаланган эмас”¹. Шунинг учун ҳам тарихни тўлиқ ва ҳаққоний билиб бўлмайди, уни фақат муаллифларнинг бўлакларга бўлинган манбаларини чуқур ўрганиб, манбалардаги субъективликларни қиёсий таҳлил қилибгина тасаввур қилиш, тушуниш мумкин. Гадамернинг фалсафий герменевтикаси “тарихий тушунувчи” мавжудот бўлган - одамни яхшироқ англаш сари етаклайди. Бироқ, у герменевтиканинг гносеологик жиҳатларини иккинчи ўринга суриб қўйгани учун айрим файласуфлар томонидан танқид қилинган.

Асарнинг учинчи қисми “Герменевтиканинг тил воситасида онтологиялашуви” деб номланиб, унда тилнинг герменевтик тажриба воситаси эканлиги, тил ва тушунчаларнинг яралиши, тилнинг герменевтик онтология миқёси ва дунё тажрибаси сифатидаги аҳамияти, герменевтиканинг универсал жиҳати, герменевтика ва тарихийлик каби масалалар таҳлил қилинган. Гадамер, мазкур қисмда тил ва унинг хусусиятларини батафсил ўрганар экан, “Герменевтика, қўшимча структурали – семантик таҳлил қилиниши керак”², деб ҳисоблайди. Зеро, файласуф фикрича, “Тушуниш мумкин бўлган борлиқ, бу фақат – тилдир”³. Фақат тилда айтилган тушунчаларгина тушунилади, агар тушунчалар ички борлиқнинг хусусияти бўлса, тил ташқи борлиқнинг хусусиятидир.

Умуман, олганда, Х.Г.Гадамернинг герменевтик қарашлари унинг қатор асарларида ҳам акс этган. Жумладан, “Гўзалликнинг муҳимлиги” (1991) асари, “Хайдеггер ва юнонлар” (1991), “Ҳақиқат нима?” (1991), “Ўйин ва санъат” (2006) номли рисолаларида ҳам герменевтиканинг методологик

¹ Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –С. 261

² Қаранг: Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –692 с.

³ Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. –М.: Прогресс, 1988. –С. 548.

жиҳатларини ёритувчи фикрлари мавжуд. Хуллас, Гадамер ижоди герменевтикани замонавий фалсафанинг асосий йўналишларидан бирига айланишига сабаб бўлди.

Француз герменевти П.Рикер герменевтиканинг ижтимоий фанлар методологиясидаги аҳамияти ва унинг мустақил фалсафий йўналиш сифатидаги хусусиятларини тадқиқ этди. Хусусан, унинг “Герменевтика ва ижтимоий фанлар методи” асарида герменевтиканинг туб моҳияти, унинг методологик хусусияти, матн герменевтикаси ва ижтимоий жараёнларнинг герменевтик таҳлили каби масалалар ўрганилган. Муаллиф, герменевтикага таъриф берар экан, унинг мазмунини тушуниш ва талқин қилиш билан боғлайди. Унга кўра, тушуниш бир онг томонидан иккинчи онгга маънонинг ташқи ифодалар воситасида етказилишидир. Бу ҳолатнинг давоми, яъни маънонинг ўзлаштирилишидан кейинги талқини герменевтиканинг тўлиқ моҳиятини очиб беради¹.

Фанлар тизимида кўпинча тушуниш ва тушунтириш бир-бирига қарама-қарши жараёнлар сифатида эътироф этилади. Аслида бу қарашнинг келиб чиқишига В.Дильтейнинг тадқиқотлари сабабчи. Дильтей XIX аср охири XX аср бошларидаги табиий фанлар ривожини таҳлил этиб, табиий фанларни тушунтириш мумкин бўлган, руҳ ҳақидаги фанларни эса, тушунишга мойил дея бир-биридан фарқлайди. Фандаги кейинги ютуқлар эса, бу фарқланиш нисбатини янада оширди. П.Рикернинг тушуниш ва тушунтиришнинг герменевтиканинг икки асосий хоссаси деб эътироф этиши бу фарқланишнинг олдини олишга қаратилган муҳим қадам бўлди. П.Рикер, герменевтикани тушуниш ва тушунтиришнинг яхлитлигида ўрганса ҳам, В.Дильтейнинг “тушунтириш”га мойил тадқиқотларини инкор этмайди. Зеро, Дильтей табиий фанларнинг ривожини Г.Галилей ва Р.Декартнинг математикалашув, О.Контнинг верификация, К.Поппернинг фальсификация тамойиллари тушунтиришнинг концептуал тарзда таъсири бор деб

¹ Қаранг: Рикер П. От текста к действию. Очерки по герменевтике. –М.: Наука, 1986. –506 с.

хисоблайди. Шу асосда П.Рикер тушунтиришнинг уч хусусиятини эътироф этади: ўтган ҳолатга асосланиб келажакни изоҳловчи *генетик тушунтириш*, мураккаб бўлмаган тизим асосини изоҳловчи *моддий тушунтириш*, қисм ва элементларнинг синхрон ҳолатини изоҳловчи *структуравий тушунтириш*¹.

П.Рикер тадқиқотларида матн мазмунини тушуниш чуқур ўрганилган, хусусан, тушуниш талқин (интерпретация)нинг асоси сифатида эътироф этилган. Унинг фикрича, тушуниш тушунтириш жараёнини охирига етказмайди, тушуниш фақат матн ва ўқувчи дунёқараши ўртасида боғлиқлик (мойиллик) вужудга келгандагина яқуний хулоса бера олиши мумкин². П.Рикер бу масалада Коллингвуд ва Гадамер фикрларини қўллаб-қувватлаб, “ёзув ва ўқиш” жуфтлигини томонларнинг интерсубъектив хусусиятларининг очилиши, яъни ўзаро диалогик муносабат касб этиши билан боғлиқлигини эътироф этади. Бизнингча, мана шу ёндашув герменевтик тушуниш методологиясининг ўзига хос хусусиятларидан биридир, чунки “матн” ва “ўқувчи” ўртасида муайян боғлиқлик, симпатия уйғонмас экан, мазмуннинг тушунилиши амалга ошмайди. Бу эса, тушунишнинг субъективлигини янада оширади.

Матн герменевтикаси билан бир қаторда, Рикер ижтимоий жараёнлар герменевтикасини ҳам таҳлил этади. Бу масалада у жараёнларни икки – мазмун ва интеллигибель ғояларга асосланган гуруҳларга бўлади. Биринчи гуруҳга фаолияти (ёки жараён)ни “ўқиш” мумкин бўлган феноменлар киритилади. Ўқиш мумкин бўлган деганда, файласуф ўзида мазмун акс этган символ, белги, рамзларни назарда тутди. Таъкидлаш лозимки, фалсафа тарихида символлар талқини антик даврдан буён ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, Элиада мактабида ўрганилган икки маъноли тушунчалар (аллегориялар), Эрнст Кассирернинг “Символик шакллар фалсафаси”, Клиффорд Гирцнинг “Маданиятлар талқини” каби асарларини келтириш

¹ Рикер П. Теория интерпретации. Дискурс и избыток значения. –М.: АСТ, 1976. –С. 223

² Ўша манба, -С. 246

мумкин¹. П.Рикернинг ижтимоий жараёнларнинг герменевтик таҳлилида символларга муҳим эътибор қаратишининг сабаби шундаки, у символлар онтологияси асосини ижтимоий воқелик, ижтимоий жараёнларда кўради. Символларнинг яралишига биринчи ва асосий туртки, бу – инсоннинг ижтимоий фаолияти, унинг анъана ва турмуш тарзи, қадриятларининг ифодаси деб билади². У К.Гирцнинг “Маданиятнинг ижтимоийлиги, унинг айнан шундай мазмун касб этишида”³, деган тезисини ёқлаб, символларнинг инсон онги, миясига эмас, балки фаолиятга боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Иккинчи, интеллигибеллик ғояларига таянувчи ижтимоий жараёнлар таҳлилида, П.Рикер фаолиятнинг ички механизмлари (генетик, диний, ахлоқий, эстетик) асосида вужудга келадиган ҳолатларни назарда тутди⁴. Бунда инсон ўз фаолиятини ташқи оламга эмас, балки ички дунёсига асосланиб амалга оширади. Демак, энди умумийлик, ижтимоийлик эмас, субъективлик, индивидуалликнинг аҳамияти кучаяди. Айниқса, ахлоқийлик, маънавий етуклик фаолиятни бошқарувчи кучга айланади. Бу масалада Рикер Питер Уинчнинг хулқни бошқарувчи меъёрлар (о rule-governd behavior) тамойилига таянади.

Умуман олганда, П.Рикер тадқиқотлари герменевтиканинг нафақат методологик, балки унинг онтологик, праксиологик, феноменологик аҳамиятини мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Зеро, у тушуниш ва тушунтиришни бир-бири билан узвий боғлиқлигини таъкидлаб, “Яхши тушуниш учун, кўпроқ тушунтириш керак”⁵ деб эътироф этади.

Герменевтика ҳақиқатдан ҳам, тушуниш санъатидир. Бу санъатга эга бўлиш учун фақатгина битта соҳани мукамал билиш кифоя қилмайди. Бунинг учун тадқиқотчи фалсафа билан бирга, психология, тилшунослик,

¹ Қаранг: Кассирер Э. Философия символических форм: В 3 тт. / Пер. с нем. С.А.Ромашко. -М.: -СПб.: Университетская книга, 2002.; Гирц К. Интерпретация культур. — М.: РОССПЭН, 2004. — 560 с.

² Рикер П. От текста к действию. Очерки по герменевтике. —М.: Наука, 1986. —С.48.

³ Гирц К. Интерпретация культур. — М.: РОССПЭН, 2004. —С. 27

⁴ Рикер П. От текста к действию. Очерки по герменевтике. —М.: Наука, 1986. —С.56-61

⁵ Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук. —М.: Cauda Pavonis. -№19-1, Spring 2000. —С. 9

адабиётшунослик, тарих, санъат турларининг ривожланиш босқичларидан хабардор бўлиши лозим. Юқорида келтирилган файласуфлар ижоди фалсафий герменевтиканинг оддий билиш методи эмас, балки яшаш тарзи, ҳаётий анъанага айланишга лойиқ бўлган фалсафий йўналиш эканлигини асослайди. Герменевтик методология фақат назарияга таянадиган ёки қоғозлардагина эътироф этиладиган билим эмас, балки герменевтик тафаккурга эга инсон, у асосида ўзининг фаолиятини, яшаш тарзини яратади. Демак, биз герменевтиканинг тушуниш ва тушунтиришни ўзлаштиришдаги методологик жиҳатлари аҳамиятли эканлигини эътироф этиб, бу ҳолат унинг фалсафий йўналиш сифатидаги мақомига ижобий таъсир этади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, биринчидан, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, фалсафа доирасидаги воқеа-ҳодисаларни илмий таҳлил этишда герменевтиканинг оддий матнни ўрганиш услубидан алоҳида фалсафий йўналиш даражасига кўтарилиши фалсафий герменевтиканинг ҳозирги замон фалсафасида алоҳида ўринга эга эканлигини билдиради. Иккинчидан, ички ва ташқи олам уйғунлигида яшай олиш, яъни нарса ва ҳодисалар моҳиятини яхлитлик ва умумийликда англаш имконияти герменевтик тафаккур воситасида амалга ошади. Шу жиҳатдан ҳам, герменевтик методологиянинг назарий-методологик асосларини ўрганиш ҳар бир тадқиқотчи учун долзарб аҳамиятга эга.

Фалсафий герменевтика ривожининг тарихий босқичлари ва назарий-методологик асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, мазкур тадқиқотда тушунишнинг умумий хоссасини фалсафий-методологик таҳлил этишга эътибор қаратар эканмиз, бунда герменевтиканинг методологик жиҳатларини антик даврдаги бадий, диний, тарихий манбалар, ўрта асрлардаги санъат ва бадий ижод асарлари, шунингдек янги даврдаги мантиқ ва математика ютуқлари натижалари ва бошқа қатор илмий-фалсафий манбаларга асосланиб таҳлил қилдик. Бу

тадқиқотлар герменевтиканинг маъно ва мазмунни тушунишнинг муҳим воситаси эканлигини тасдиқлайди.

Иккинчидан, фалсафий герменевтика ривожининг тарихий босқичлари ва назарий-методологик асослари, аввало, инсонда билишга интилишнинг бошланиши билан боғлиқ. Зеро, онгли инсон доимо ниманидир билишга, тушунишга ҳаракат қилади, яъни инсон табиатан “герменевт”дир (у доим мазмун қидиради).

Учинчидан, XX асргача олиб борилган тадқиқотларда герменевтиканинг теологиядан ташқари барча (хуқуқшунослик, тилшунослик каби) соҳалардаги вазифаси нисбатан иккиламчи даражада бўлган. Фақатгина М.Хайдеггер, Х.Г.Гадамер, П.Рикер ва бошқаларнинг тадқиқотларидагина фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари тизимлаштирилди, вазифалари аниқлаштирилди.

2. БОБ. ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКАНИНГ ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ ВА ТУШУНИШНИНГ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биз юқорида фалсафий герменевтика тарихи, ривожланиш босқичлари ва назарий асослари ҳақида фикр юритдик. Ушбу бобда эса, фалсафий герменевтиканинг тадқиқот доираси ва тушунишнинг когнитив миқёсларини белгиловчи масалалар таҳлил қилинади.

Ушбу бобда бугунги кунда мустақил фалсафий йўналиш сифатида эътироф этилаётган герменевтиканинг асосий тушунчалари, уларнинг келиб чиқиши ҳамда ривожининг фан ва фалсафий билим доирасининг кенгайиши билан узвий жиҳатлари тадқиқ этилади. Шунингдек, герменевтиканинг асосий тадқиқот объекти бўлган матнга эътибор қаратилиб, матн герменевтикасининг моҳияти таҳлил этилади. Зеро, герменевтикада тадқиқот объекти саналган ҳар қандай имо-ишора, белги, сўз ва ёзувга нисбатан “матн” атамаси ишлатилади. Иккинчи параграфда герменевтиканинг нисбатан янги соҳаси бўлган - когнитив герменевтика ўрганилиб, илмий билишда тушуниш ва тушунтиришнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади.

2.1. Фалсафий герменевтиканинг асосий тушунчалари ва тадқиқот доираси

Ҳар қандай фан ва ҳар қандай тадқиқотнинг “тушуниш аппарати”ни асосий тушунчалар ҳосил қилади. Айнан “тушуниш аппарати” ёрдамида сўз нима ҳақда кетаётганлигини аниқлаш осон кечади. Герменевтик

тадқиқотларда ушбу атамалар (матн, тушуниш, тушунтириш) ўзлари алоҳида келган ҳолатидан мутлақо фарқ қилади.

Герменевтиканинг шаклланиши билан унинг илмий аппарати ҳам кенгайиб борди. Герменевтик атамаларни таснифлашда, уларни фаолиятли, яъни жараённи ифодаловчи ва тушунчали категориялар туркумига ажратиш мақсадга мувофиқ.

Жараённи ифодаловчи тушунчалар туркумига – тушуниш, тушунтириш, интерпретация, деструкция, деконструкция, реконструкция, герменевтик доира кабиларни, тушунчали категориялар туркумига матн, маъно, тил, семиотика, белги кабиларни киритиш мумкин.

Аввало, герменевтиканинг жараённи ифодаловчи атамаларига эътибор қаратсак. Тушуниш – воқеликни универсал ўзлаштириш шарти сифатида маънонинг англаниши ва яратилиш жараёни бўлиб, у билишнинг субъект-объектли доирасига кирмайди, балки тушунишга бўлган эҳтиёж билишга олиб боради. Тушуниш – билишдан мураккаб жараён бўлиб, унда билиб олинган ахборот тафаккурнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғланади. Тушуниш қатор ижтимоий фанларнинг (психология, фалсафа, филология, социология, тарих) тадқиқот доирасига киради. Таъкидлаш жоизки, тушуниш герменевтиканинг асосий категориясидир. Зеро, герменевтиканинг “тушуниш санъати”¹ дея эътироф этилиши бунинг далилидир. Тушунишнинг категориал мақоми Ф.Шлейермахер қарашлари билан боғлиқ. Шлейермахер фикрича, тушуниш матнда ифодаланган дастлабки маънони қайта тиклайди². Тушуниш жараёнида маданий, тарихий ва даврий чегаралар таъсири сезилмайди. Герменевтиканинг йирик вакили Х.Г.Гадамер фикрича, тушуниш анъанаси шундай хусусиятга эгаки, бунда

¹ Қаранг: Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. –М.: Прогресс, 1988. -704 с.

² Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С. 23

инсон шунчаки мавжуд бўлмай, балки ўзи ва оламни тушунгани учун ҳам мавжудлигини белгилаб беради¹.

Тушуниш ҳаммага маълум ва тушунарли бўлса-да, герменевтикада у алоҳида аҳамият касб этади. “Тушуниш” айна пайтда “билиш”га синоним бўла олади. Инсон “Мен бунини тушундимми?”, деганда нимани назарда тутлади? Бу саволга қуйидагича жавоб берамиз: “Янги ахборотни эшитганимизда (ўқиганимизда, кўрганимизда) бу янгиликнинг билимларимиз тизимидаги мавжуд кўникмаларнинг муайян жиҳати билан боғлиқ эканлигини англадик ва уни қабул қилдик”. Гувоҳи бўлиб турганимиздек, тушуниш - бу фақат – билимга эга бўлиш эмас, балки уни ўтмиш ва келажакка боғлиқ ҳолда қабул қилишдир.

Герменевтик тушуниш эса, ижтимоий тушунишдан фарқли равишда, матнга нисбатан муаллифнинг дастлаб назарда тутган мақсадини тушунишга эътибор қаратади. Бизнинг фикримизча, тушуниш бу - бир онг орқали иккинчи онгга ташқи ҳатти – ҳаракатлар (имо, нутқ) орқали берилаётган белгиларни қабул қилиш санъати.

Эпистемологик ёндашув вакиллари тушунишни билимнинг муҳим шакли, тугалланган мақсад ва бир вақтнинг ўзида субъектнинг онгли фаолияти натижаси сифатида эътироф этади.

Тушунишни англаш борлиғи контекстида кўрувчи тадқиқотчилар уни янги билимни ўзлаштириш ва онглиликнинг мавжуд мажмуаси сифатида эътироф этади. Яна шундай таърифлар борки, тушуниш воқеликдаги объект ёки бошқа шахсни кечинма шаклида ифодаловчи интеллектуал – психологик жараён сифатида фаҳмлашдир.

Тушунишнинг тўлиқ таърифини шакллантириш учун бу феноменнинг барча ўзак хусусиятларига тўхталиб ўтиш керак: тушуниш - бу барча интеллектуал жараёнлар асосида ётувчи англашнинг муҳим тури; тушуниш - онг мундарижасига янги билимнинг қўшилиши демакдир; тушуниш - доим

¹ Гадамер Х.Г. Истина и метод. –М.: Прогресс, 1988. -С. 256

предмет ҳақида янги сифатий қарашни келтириб чиқаради ва билимни бойитади. Бу икки жиҳат тушунишнинг *онто-гносеологик* жиҳати. Тушуниш ўзида аниқ ментал вазиятни намоён қилади (яъни, у аниқ психологик ҳолатда кечади). Тушунишнинг *экзистенциал-психологик* жиҳати ҳис-туйғулар курсовида бўлади, бунда тушунувчи субъектнинг кечинмалари катта аҳамиятга эга. Тушунишнинг *герменевтик* жиҳати матннинг яхлит маъносидан мазмунни суғуриб олиш, изоҳлаш натижасида намоён бўлади. Билиш предметининг моҳиятини фаҳмлаш (табiiй ва ижтимоий объектлар ва жараёнлар, илмий назария, концепция, қарашлар) - тушуниш феноменининг *гносеологик* жиҳати. Тушуниш – бу нафақат англашнинг моҳияти ва мазмунининг ажралиб чиқиши, балки тушуниш предметининг баҳоланиши ҳамдир. Баҳолашсиз тушуниш мумкин эмас¹. Бу тушунишнинг *аксиологик* жиҳати. Тушуниш – бу инсоннинг онгли қарор қабул қилишининг асоси. Инсон ўзининг фаолиятида (ҳатти-ҳаракатларида) борлиқ ходисаларини, ўзини, ўзгаларни, дунёни яхлит хусусий тушуниш билан қабул қилиши *праксиологик* жиҳат.

Шундай қилиб, Тушуниш – бу англаш ҳодисаси бўлиб, ўзида интеграл вазиятни ифодалайди, аниқ руҳий ҳолат ва кечинмалар билан ўтади ҳамда шу асосда онгли қарор қабул қилишга олиб келадиган муайян ҳодисани баҳолаш, моҳиятини ўзлаштириш демақдир.

Юқоридагилар тушунишнинг кўп ўлчамли ва универсаллигини билдирмоқда. Бу икки сифат тушунишнинг нафақат коммуникатив соҳада, балки инсон борлиғининг барча билиш жараёнларига ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Навбатдаги атама аксарият муаллифлар томонидан тушунишга қарама-қарши қўйиладиган – тушунтиришдир.

Тушунтириш – бирор-бир предмет, ҳодиса, воқеа, ҳаракат моҳиятининг мантиқий-методологик асосда экспликация қилинишидир. Тушунтиришнинг

¹ Қаранг: Бахтин М.М. Всемирная энциклопедия. Философия. –М.: Современный литератор, 2001. –С. 84

тадқиқот доираси инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Тушунтириш ҳамкорлик фаолиятида (фикрни изоҳловчи–фикрни қабул қилувчи иштирокида) индивидуал, триалогик, полилогик шаклларда амалга оширилади. Ҳозирги кунда тушунтириш фалсафа ва теологиянинг махсус тадқиқот муаммоси даражасига кўтарилди ва мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, ҳозирги замон эпистемологиясида илмий тушунтиришга эътибор қаратилмоқда. Бунда тушунтириш, аввало, икки талабга жавоб бермоғи лозим: 1) адекватлик – тушунтиришнинг аргументли (таърифли) тавсифи тушунтирилаётган нарса, ҳодиса, воқелик, ҳаракатга бевосита боғлиқ бўлиши керак; 2) бевосита ёки билвосита боғлиқлик.

Тушунтириш илмий билим ташкил топишининг ҳам назарий, ҳам эмпирик босқичларида намоён бўлади. Тушунтиришнинг сабабий-детерминистик, генетик, структурали, лингвистик, телеологик-интенционал, функционал боғлиқлик каби услублари илмий билиш жараёнида қўлланилади. Табиий фанларда сабабий-детерминистик услуб ўзининг нарса ва ҳодисаларнинг координацияси, шартланганлик ва боғлиқлигини очиб бериш имконияти билан устун туради. Шартланганликнинг қанчалик тўлиқ ва чуқур очиб берилиши тушунтириш қимматини оширади. Табиий фанлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий жараёнларни тушунтириш мураккаброқ хусусиятга эга. Чунки, бунда воқеаларнинг динамик, беқарор ва эҳтимолли аҳамиятга эгаллиги кузатилади. Ижтимоий жараёнларни тушунтириш Ф.Шлейермахер, Г.Ф.Вригт, Г.Гадамер, К.Г.Гемпел¹ кабиларнинг тадқиқотларида кенг ва атрофлича ўрганилган. Ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда дедуктив-номологик модел аксарият олимлар томонидан ижобий қабул қилинган. Ушбу модел илмий билишнинг ҳозирги

¹ Қаранг: Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. -189 с.; Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования.–М.: Наука, 1986. - 560 с.; Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. -692 с.; Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. –М.: Искусство, 1991. – 384 с.; Гемпел К.Г. Мотивы и охватывающие законы в историческом объяснении. –М.: АГРАФ, (1942),1998. -786 с.; Гемпел К.Г. Аспекты научного объяснения и другие эссе о философии науки. –М.: Наука, 1965. -576 с. ; Гемпел К.Г. Логика научного исследования. -М.: Мысль, 1972. -582 с.; Гемпел К.Г. Логика объяснения. - М.: АГРАФ, 1998.-468 с.

методологиясида кенг қўлланилади. Бунда тушунтирилаётган ҳодиса маълум қонунга боғланади ва тушунтириш ҳодисани аниқ қонунлардан келтириб чиқаришни назарда тутади. Тушунтиришнинг дедуктив-номологик моделида ўрганилаётган нарса ёки ҳодиса қонуниятларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига мувофиқ келиши шарт. Мазкур модел илмий билишдаги тушунтириш жараёнини эмас, балки охирги натижани тавсифлайди. Масалан, К.Г.Гемпел томонидан таклиф қилинган мазкур моделга кўра, E -тушунтирилиши лозим бўлган воқеа бўлсин¹. Нима учун E содир бўлди? Бунга жавоб бериш учун бошқа воқеа ва ҳолатлар E_1, \dots, E_n ларни келтирамиз ва битта ёки бир нечта умумий қонуниятларни L_1, \dots, L_n оламиз. Айнан шу (L_1, \dots, L_n) қонуниятлар ва юқоридаги далил (E_1, \dots, E_n)лар мавжуд бўлади. Шу асосда E мантиқий кетма-кетликда давом этади. Гемпел томонидан таклиф этилган мазкур шаклий тавсифда E -экспанандум ёки экспликандум дейилади. Тушунтириш объекти эксплананс ёки экспликат деб аталиб, улар жараённи тушунтириш манбаси ёки қонунияти вазифасини бажаради. L_1, \dots, L_n ўзида тушунтириш орқали эксплананс ва экспланандумга боғланувчи қонуниятларни жам этади. Экспананс ва экспланандум бир-бири билан оқибат – натижага кўра боғлиқ.

Гуманитар фанлар соҳасида оқилона тушунтириш усули қўлланилади. Бунда муайян тарихий шахс фаолиятини тушунтиришда ўрганувчи тарихий шахснинг амалга оширган аниқ фаолиятига нима сабаб бўлганлигини аниқлаш ва ушбу сабабларга асосланган ҳолда фаолияти (ҳаракати) оқилона бўлганлигини кўрсатиб бериши назарда тутилади.

Тушунтиришнинг телеологик ёки интенционал шакли нисбатан кенг соҳани қамраб олади. Бунда фаолиятнинг оқилона мақсадга йўналганлиги эмас, балки тадқиқотда фаолияти ўрганилаётган тарихий шахснинг субъектив нияти, мақсад-муддаоларига эътибор берилади.

¹ Қаранг: Гемпел К.Г. Логика объяснения. -М.: АГРАФ, 1998.-С.16-31.

Умуман олганда, тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели қонуниятга боғлиқлиги жиҳатдан илмий билиш методологиясида нарса-ҳодисаларни тушунтиришда энг самарали услуб саналади.

Тушунтириш фақат бугун ва ўтмишга боғланиши мумкин, чунки у бўлиб ўтган ёки айни пайтда содир бўлаётган нарса-ҳодисаларни талқин қилади. Олиб борилган тадқиқотларга қарамасдан илмий тушунтириш масаласида қуйидаги қийинчиликлар бор: 1) объектларнинг турли хил ижтимоий-маданий хусусиятга эгаллиги, уларнинг воқе бўлиш даврлари турли-туманлиги, қолаверса, оқилоналикнинг турли тип ва меъёрларига мансублиги; 2) инсон хулқи (хатти-ҳаракати)ни тўла оқилонлаштириб бўлмаслиги. Шунинг учун ҳам табиий ва ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда услуб ва ёндашувларни бир-биридан айри ҳолатда эмас, ўзаро уйғун ҳолатда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Герменевтикада тушуниш ва тушунтириш билан бир қаторда интерпретация – талқин қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. *Интерпретация* (лотинча *interpretatio* – тушунтириш, изоҳлаб бериш) – тушунча ёки элементлар моҳиятини уларнинг предметли шакли, безаклари воситасида билишга қаратилган когнитив жараён дир. Интерпретация муаммоси гносеология, фан методологияси, мантик, тил фалсафаси, семиотика ва бошқа фанларнинг фундаментал муаммоларидан бири бўлиб, фалсафий герменевтикада алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда гуманитар фанлар билан бир қаторда табиатшунослик фанларида ҳам интерпретация илмий назариянинг онтологик воқелик билан мувофиқлигини текширувчи моддий верификация сифатида қўлланилади. Назария ва воқелик ҳар доим ҳам бир тилда изоҳланмайди, битта ҳодиса учун бир нечта назариялар мавжуд бўлиши мумкин. Интерпретация илмий назарияни татбиқ қилиш соҳасига кўра қиёслаш имконини яратади.

Мантикий соҳада интерпретация мантикий қурилмалар тузилишини асослаб берувчи жараён дир. Ижтимоий-гуманитар соҳада эса, интерпретация

тушунчаларнинг вербал тузилмасини ифодалайди. Гуманитар соҳада интерпретациянинг методологик ривожини куйидаги шаклда ифодалаш мумкин: 1) интерпретация - антик давр маданиятидаги бадий аллегориялар ва мумтоз меросни ўрганувчи билишга йўналтирувчи соҳа; 2) интерпретация - ўрта аср христиан маданияти асоси бўлган диний матнлардаги рамзлар мазмунини ифодаловчи соҳа – экзегетика; 3) интерпретация - экзегетик анъана асосида шаклланган фалсафий герменевтиканинг асосий муаммоси бўлиб, тушуниш ва маънонинг яралишини ўрганувчи соҳа.

Интерпретацион жараён Шлейермахер фикрича, муайян матннинг оқилона мазмунини тушуниш шартларини яратиб беришдан иборат¹. Ҳар қандай ёзма ҳужжат икки табиатга эга тилнинг ифодаланишидир, яъни бир томондан, у умумий тил тизимининг қисми, иккинчи томондан алоҳида, яқка индивид ижодининг маҳсули. Шунинг учун интерпретация олдида икки томонлама вазифа туради: яъни бунда ифодаланган тилнинг муайян тил тизимининг элементи сифатидаги ва шу билан бирга, матн мазмунидаги бетакрор (ягона) субъективлик моҳиятини яхлитликда талқин қилиш лозим. Вазифанинг биринчи қисми “объектив” (ёки грамматик) интерпретация, иккинчиси “техник” (ёки психологик) интерпретациядир. Грамматик интерпретация матнни муайян лексик тизим бўлаги сифатида таҳлил қилса, психологик интерпретация лексик тизимда аниқлаб бўлмайдиган маъно ва ибора комбинациясини қўллашнинг индивидуал услубини ўрганади.

Айрим файласуф ва манбашунослар юқоридаги икки ёндашувга тарихий интерпретацияни қўшадилар. Жумладан, П.Рикер тарихий интерпретацияни матннинг яралиши билан боғлиқ хусусиятларни тадқиқ этувчи муҳим ёндашув², деб атайди.

Дильтей интерпретацияни матнни икки босқичли мазмунда намоён бўлиши билан изоҳлайди: биринчидан, матн муаллифининг индивидуал-

¹ Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С. 114

² Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерк о герменевтике. –М.: АСТ, 1995. –С. 68

психологик ҳолатини у яшаётган маданий-тарихий жараён билан уйғунлашган семантик ва аксиологик анъаналар таъсиридаги мазмуни; иккинчидан, матн шарҳловчиси (интерпретатор)нинг келтирилган маълумотларга шахсий тажрибасидан келиб чиқиб қўшадиган мазмуни. Дильтейнинг интерпретацияга бундай муносабати герменевтик тушуниш феноменига айнан ўхшашдир. Чунки иккала ҳолатда ҳам маънонинг қайта яралишини кузатиш мумкин. Баден неокантчилик мактаби вакили Г.Риккерт қарашларида ҳам тушуниш ва интерпретация жараёнларининг ўхшаш талқин қилинишини кузатиш мумкин. Г.Риккерт тушунилаётган фаолият натижасининг қадриятли аҳамиятига эътибор бериб, интерпретациянинг аксиологик характерга эга жараён эканлигини таъкидлайди. Интерпретациянинг муаллиф биографиясига боғлиқ талқин этилиши (Г.Миш) ҳам мазмуннинг тўлиқ ифодаланишини таъминлайди. Биографик ёндашувда, аввало, матн муаллифнинг биографияси ўрганилади ва шу асосда матн талқин қилинади. Интерпретацияда асосий масала матннинг объектив мазмунини ўрганиш, сақлаб қолиш ва етказиб беришга қаратилади. Лекин ҳар қандай матннинг ўтмишга тегишли эканлигини эътиборга олсак, талқин қилувчи (интерпретатор)нинг мазмунни айнан яралган вақтдагидек тушуниши эҳтимолдан узок. Гуманитар фанлар соҳасида интерпретациянинг тарихийлик, идеографик, система-структурали методлари ҳам матнларни талқин қилишда қўлланилади. Мумтоз парадигмалардан фарқли ўлароқ, постмодерн тушуниш янгича талқинга эга. Бунда асосан икки фарқни кузатиш мумкин: биринчиси – матннинг поливалентлилиги. Агар мумтоз ёндашувда матннинг структураси, унинг объектив мазмунини билишга эътибор қаратилса, постмодерн парадигмада матннинг антиструктуравий ҳолатига эътибор қаратади. Бунда матн маъносини талқин қилишнинг деструкция (маънони тармоқлаштириш), деконструкция (маънони қайта тузиш) ва реконструкция (маънони марказлаштириш) тамойилларидан фойдаланилади.

Постмодерн тушунишнинг иккинчи хусусияти муаллифга боғланмаслик, яъни, бунда тушуниш муаллифга ҳам, матннинг структуравий-семантик хоссасига ҳам эмас, балки ўқувчига боғлиқлигидир. Бу постмодерн ёндашувнинг “Муаллифнинг ўлими” (“Субъектнинг ўлими”) концепциясида ҳам ўз аксини топган. Айтиш мумкинки, постмодерн ёндашувнинг юқоридаги талқинида маънонинг том маънода қайта туғилишини, яратувчанликни кўриш мумкин. Бу эса, интерпретациянинг постмодерн тафаккурини юзага келишига асос бўлади. Айнан шу ҳолат фалсафий герменевтикада янги маънонинг “туғилиши” ҳодисасини келтириб чиқаради.

Юқорида келтирганимиздек, деструкция, деконструкция ва реконструкция матн маъносини аниқлашда муҳим ёндашувлар ҳисобланади.

Деструкция М.Хайдеггер томонидан киритилган тушунча бўлиб, у фалсафий тузилмаларнинг асосларини ойдинлаштириш маъносини ифодалайди. Хайдеггер фундаментал онтологиясида деструкция марказий ўринни эгаллайди. У ўтмиш фалсафий билимларини ўзига сингдириб олиш ролини бажаради. Деструкция олдинги даврдаги фикрларни, энг, аввало, антик давр тафаккурида шаклланган ва ҳозирда ҳам белгиловчи аҳамиятга эга бўлиб турган борлиқ концепцияларини ўша олдинги давр тажрибалари нуқтаи назаридан қайта англаш ва қайта ишлаб чиқиш амалиётини англатади¹.

Иккинчи тушунча *деконструкция* (лотинча de “қайта” ва constructio “кураман”) – фалсафа ва санъатда янги маънони тушунишда стереотип, аъана ёки ақидалар таъсирига қарши қўлланиладиган тушунча бўлиб, постструктурализм вакиллари, хусусан Ж.Деррида томонидан киритилган. Деконструкция Ж.Деррида томонидан М.Хайдеггер деструкциясига қарши қаратилган ёндашув сифатида, ундаги логоцентризмни танқид қилади. Деконструкция матнни тушунишнинг эклектик услублари воситасида Ғарб фалсафасидаги метафизик тафаккурни йўқотиш лозимлигини илгари суради.

¹ Қаранг: Хайдеггер М. Бытие и время: Статьи и выступления. -М.: Республика, 1993. –С. 256-258

Деконструкцияда бутун дунё “матн” сифатида тадқиқ этилади, матнни ўрганишда Деррида томонидан илгари сурилган куйидаги хулосалар эътиборга лойиқ: матн назарда тутаётган фикрдан бошқа нарсани “гапираётганини” аниқлаш; муаллифга боғлиқ бўлмаган кўп мазмунларни аниқлай олиш; матн муаллифга боғланмаган ҳолда ўз тарихини баён қилаётганини аниқлаш; матн ичидаги зиддиятларни топиш; матнни айнанлик, тизимлилик, иерархия каби ҳолатлардан тозалаш ва ҳоказо.

Талқин жараёнида энг мураккаб интерпретацион жараёнлардан бири – *герменевтик доира*дир. Герменевтик доира шундай тартибдаки, бутунни унинг қисмларини тушунмай талқин қилиб бўлмайди. Қисмларни билиш ҳам бутунни англашдан келиб чиқади. Фалсафий категория ҳисобланган бу ҳолат, яъни бутун ва қисмнинг ўзаро бир-бирига узвий боғлиқлиги герменевтик доиранинг асосий хусусиятидир.

“Герменевтик доира” тамойили герменевтикани тушунишнинг умумий назарияси даражасига етиши билан боғлиқ узок тарихий тараққиётга эга. Герменевтик доира масаласига мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олимларнинг деярли барчаси тўхталиб ўтган. Унинг дастлабки ғоялари антик даврда Платон ижодида ўз аксини топган. Кейинчалик у Гегель фалсафасида тартибга солинди. Бироқ, унинг методологик аҳамияти фақат XIX аср ўрталарига келибгина эътироф этила бошланди. Герменевтик доира Ф.Шлейермахер ижодида кенг ўрганилган, унда файласуф мазкур тушунчани лингвистик таҳлил услуби эмас, балки умумий тушуниш назарияси сифатида таҳлил қилган. “Муаллифнинг тил бойлиги ва тарихий давр матнда яхлит берилади. Бунга асосланган ҳолда муаллиф ижоди алоҳида тушунилиши лозим.... ҳар қандай аниқ билим умумийлик ичида тушунилади, аввал умумийлик ҳақидаги тасаввур, ундан сўнг дастлабки ўрганилган қисм тушунилиб натижада яна умумийлик ҳақидаги билимга қўшилади. Ва, ҳар қандан илмий билим бутун ва қисм тушунилишининг интегративлиги

асосида кўлга киритилади”¹. Шлейермахернинг ушбу фикрини куйидагича тавсифлаш мумкин, бутун ва қисм диалектикаси икки жиҳатда амалга ошади. Биринчи даражада қисм асарнинг бўлаги сифатида, асар эса бутун сифатида олинади. Иккинчи даражада муаллиф ички ва ташқи ҳаёти бутун сифатида, асар эса қисм сифатида олиниб, уларнинг яхлитликдаги ўзаро фаолияти хусусиятлари очилади. Асарни тушуниш тилли мулоқот сифатида қисм бутун орқали, бутун қисм орқали амалга ошади. Бутун ва қисмнинг кетма-кетликдаги тушунилиши ҳар сафар бир хил маъно бермайди, чунки қисмлар ҳар хил маънога эга бўлиши, ёки ўзидан олдинги қисмнинг маъносини кучайтириши мумкин. Шунинг учун ҳам асар ўқилгани сари бутун ва қисм диалектикаси алмашиб боради, охирида тугал хулоса билан яқунланади ва бунда қисмлар алмашинуви мазмуний кетма-кетликнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Қисмларнинг кетма-кетлиги бутун ҳақидаги мазмунга қайтиб уни янада аниқлаштиради, ўзидан олдинги манбага янги мазмун беради. Шлейермахер бу ҳаракатни “хаёлий доира” деб атайди². Чунки, воқеликда ҳеч қандай доира йўқ, фақат ёзув ва ўқиш диалектикаси бор, аниқроғи бутунни унинг қисмлари кетма-кетлигида ўқиш бор холос. Бу доирага “кириш” осон, лекин “чиқиш” анча қийин. Бунинг учун матн маъносини тўлиқ ўқиш, уни тўла тушунишга эришиш лозим. Асарни тўлиқ тушуниш олдиндан аниқ бўлган маълумотлар таҳлилини тушунишга боғлиқ, яъни муаллиф ҳаётининг ички ва ташқи хусусиятлари ҳамда уларнинг асар мазмунига таъсири, муаллиф оламининг таркиби ва индивидуал услуби, шунингдек, тадқиқ қилаётган шахснинг матн муаллифи ўртасидаги ижодий потенциал нуқтаи назарлардаги ўхшашлик кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Бутун ва қисмнинг ўзаро бир-бирини талаб қилиши герменевтик доиранинг ўзига хос хусусиятидир. Бадий асар талқини эса, асар маъноси ғоясининг яхлит йўналишини топишга қаратилган. Бироқ, ўқувчи асарни

¹ Schleiermacher F.D.E. Hermeneutics and Criticism and Other Writings. Tr. Andrew Bowie. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – on p. 18.

² Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С. 87.

Ўқийтганида унинг бирор аниқ лавҳаси билан мулоқотда бўлади. Бу лавҳаларнинг маъносини англаб бориш бутун – яхлит асарни тушуниш, талқин этишга олиб боради. Бу ҳақда А.Эркинов қуйидаги фикрларни билдиради: “Герменевтик доирани ечиш ва яна қўшиш мумкин: тушуниш бутуннинг бўлакларини англашдан бошланади (бу ҳолат “предпонимание” – тушунишдан аввалги ҳолат, тушунишга чоғланиш дейилади)¹. Масалан, китобни ўқишдан аввал, унинг аннотацияси, мундарижасига қараб муайян тушунча ҳосил қилинади. Бўлакларни билиш бутунни тушунишга олиб боради.

Айтиш жоизки, герменевтик доира ғояси машҳур немис филологи Ф.Аст асарларида ҳам муҳим ўрин тутади. Аст қадимги юнон маданиятини ўрганар экан, “қадимий рух” мазмунини очишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай тарих билан боғлиқ тадқиқот герменевтик хусусиятга эга бўлиши керак. Табиийки, “қадимий рух”ни биз фақат тил орқали ойдинлаштиришимиз, тушунишимиз мумкин. Зеро, тил руҳиятни ифода этишнинг нисбатан асосий воситаси. Ўз ўрнида тилни тушуниш учун грамматикага мурожаат қилинади. Аст тушуниш жараёнини ягона руҳий ибтидони англаш сифатида кўриб чиқади. Унинг фикрича, тушуниш, санъат асарида гавдаланган руҳий ибтидонинг ўзга рух – талқинчи ақли орқали ўзлаштирилишидир². Агар, руҳиятни ички борлиқнинг асоси деб ҳисобласак, асар руҳиятининг тушунилиши ўрганилаётган асар, у яратилган давр ва муаллифнинг асл моҳиятини билишдир.

Ф.Астнинг руҳий яхлитлик тамойили “герменевтик доира” тамойилининг мустаҳкамланишига асос бўлди. Рух ҳаётнинг маркази ва у доимий юксалиш хусусиятга эга. Демак, у турли ҳил мустақил бўлаклардан ташкил топган ҳар қандай яралиш ва ривожланиш асоси. Бўлаклар яхлитлик

¹ Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт.диссертацияси. - Тошкент: Академия, 1998. – Б. 123.

² Юркевич Е.Н. Герменевтический круг и вчувствование // Філософські перипетії. Вісник ХНУ ім. В.Н. Каразіна. № 591'2003; серія: філософія. – Харків, 2003. -С. 48

бўлгандагина мазмунга эга бўлади, яхлитлик эса, унинг бўлаклари уйғунлигидан ташкил топади. Масалан, асарнинг яхлит тушунилиши умумий “давр руҳи” унинг қисмларининг бир-бирини тўлдиришидан келиб чиқади. Жумладан, антик давр маданиятига тааллуқли алоҳида-алоҳида ёдгорликлар ўрганилганда, уларнинг бир-бирини тўлдириши антик давр руҳи қиёфасини яратишга, яхлит мазмунни ифодаланишига асос бўлади.

Фикримизча, Астнинг мазкур мулоҳазаси герменевтик доира тамойилининг тарихни яхлит тушунишдаги аҳамияти катта. Чунки, муайян давр, маданият, халқ каби нисбатан кенг тадқиқот объектлари мазмунини ифодалаш айнан герменевтик доира тамойили асосида амалга ошади. Масалан, ўзбек миллати тарихининг яхлит қиёфаси якка-якка тарихий вазиятлар, алоҳида шахслар қаҳрамонлиги, буюк мутафаккирлар ижоди каби бўлаклардан яралади. Герменевтик доиранинг муҳим хусусиятини, яъни бутуннинг қисмсиз, қисмнинг бутунсиз мавжуд бўла олмаслигини ҳам тарих мисолида кўриш мумкин. Чунки, юқоридаги фикрнинг акси ўлароқ, фақат бир якка шахснинг қаҳрамонлиги ўзбек миллати қиёфасини бера олмайди.

Герменевтик доира боғлиқлиги шу даражада бир-бири билан тақозоланганки, баъзан бутун ва қисм кетма-кетлигини аниқлаш мушкул. Яъни, баъзан бутун қисмни тушунарли қилса, баъзан эса қисм бутун ҳақидаги тасаввурни уйғотади. Масалан, олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик бир спортчи олтин медалга сазовор бўлди. Бу вазиятнинг гувоҳи бўлган ўзга миллат вакиллари, агар Ўзбекистон ҳақида илгари эшитмаган бўлса, шу ғолиб спортчи тимсолида Ўзбекистон ҳақида тасаввурга эга бўлади. Яъни бутуннинг моҳияти қисмда намоён бўлади ва бу инсоннинг онгида Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлар айнан биринчи вазият, яъни ғолиб спортчи мисолидаги хотира асосида шаклланади. Одатда кундалик ҳаётимизда рўй берадиган ҳодисалар ёки инсонлар ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам шу тарзда, яъни ҳаётимизда учраган биринчи ҳолатга боғлиқ ривожланади. Демак, қисм орқали бутун ҳақида тасаввурнинг

уйғониши, ҳаётда учрайдиган илк вазиятлар туфайли амалга ошади. Умуман олганда, герменевтик доира ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасида амалга ошади, бутун ва қисмлар алмашилишидан умримизнинг мазмунини топиб яшаймиз.

Таснифимизга кўра, *матн* герменевтиканинг тушунчали категориялар туркумига мансуб бўлиб, у фалсафий герменевтиканинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Яъни, герменевтикада ҳар қандай тадқиқот объекти матн сифатида талқин қилинади.

Умуман олганда, матн латинча “textus”, “мато” деган маънони билдиради. Матн белгилар кетма-кетлигидан ташкил топган, ўзида яхлит маъно-мазмунни ифодаловчи тузилма. Мазмунни изоҳлашига кўра, матннинг икки талқини мавжуд: имманент (кенг, умумий) ва репрезентатив (нисбатан тор). Матннинг имманент талқини воқеликнинг ички моҳиятини ёритиб бериш хусусиятига эга. Репрезентатив талқинда эса, матнда реал воқелик аниқ ҳолатининг мазмуни ифодаланади.

Герменевтик тадқиқотларда матннинг икки жиҳати – маъно ва ифодаланиш услуби муҳим аҳамият касб этади. Филологлар матнни камида иккита гапдан тузилган бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Ҳажми жуда узун бўлиб, маънога эга бўлган битта гап ҳеч қачон матн саналмайди. Лекин шундай сўзлар борки, улар бизга тугал тасаввур ҳам, маълумот ҳам бера олади, масалан “Қиш.” ёки “Ўзбекистон.” Бу каби сўзлар филологияда алоҳида гап, матн саналса-да, герменевтлар томонидан баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Чунки, бунда матннинг фақат имманент мазмуни очилади, унда аниқ ахборот мавжуд бўлсада, унинг талқин қилинишга муҳтожлиги муҳим саналмайди. Чунки биз, одатда ҳамма учун маълум бўлган, айтилиши билан кишида тасаввур уйғота оладиган масалалар хусусида биргина сўзни айтиш билан чекланамиз. Юқорида келтирган мисолларимиз ҳам шундай сўзлар жумласига киради, шу боис, улар яширин маъно ва мазмунни тушунишга йўналтирилган герменевтика учун муҳим тадқиқот объекти бўла олмайди.

Дарҳақиқат, матннинг мазмунга ҳам эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бир неча бир-бири билан узвий боғланмаган гаплар ҳам, имо-ишора ёки белгилар ҳам матн бўла олмайди. Зеро, фақат мазмунга эга бўлган матнгина шарҳланишга лойиқ. Шу билан бирга, матнда муқаддима ва хулоса бўлиши лозим, яъни матн бизга тугалланган мулоҳазани бера олиши керак.

Ҳар қандай матн муайян муаллиф меҳнатининг маҳсули эканлигини, матннинг сунъий табиатга хослигини белгилайди. Яъни, ҳар қандай матн яратилади. Шу ўринда, айтиш лозимки, герменевтиканинг асосий тадқиқот объекти инсон қўли билан яратилган бойликлардир. Зеро, табиат – талқинга муҳтож эмас.

Демак, матн – муайян мавзунинг баёни; маъноларнинг кетма-кет ифодаланиши; кимгадир тегишли бўлиши (муаллифнинг мавжудлиги); унга сарлавҳа қўйиш мумкинлиги; муқаддима ва тугал хулоса мавжудлиги каби хусусиятларга эга бўлиши лозим.

Тадқиқотимизнинг яна бир муҳим тушунчаси “*маъно*” бўлиб, биз бу тушунчани мазмун билан биргаликда таҳлил этамиз. Маъно ва мазмун - тушуниш жараёни, тил тизимида алоқа асосини ташкил қилувчи тушунчалардир. Мазкур тушунчаларнинг мантиқ, лингвистика ва семиотикадаги мазмунлари турли хил. Г.Фреге илгари сурган мантиқий семантикада мазмун тил ифодаси (предметли мазмун) сифатида олинган бўлиб, денотат дейилади¹. Денотат - ифоданинг хусусияти акс этган предмет, асосан идрок натижаси ҳисобланади. Бунда сезгилар орқали эгалланган, тушунилган ҳолат назарда тутилади. Маъно эса, ифоданинг фикрий ҳолати бўлиб, унинг ўзлаштирилиши онгда содир бўлади. Мумтоз формал мантиқда маъно ва мазмун “шакл” ва “мазмун” тушунчаларига мувофиқ келади (бу ёндашувга Аристотелнинг борлиқнинг яралиш сабаблари ҳақида қарашлари асос бўлган).

¹ Қаранг: Фреге Г. Избранные работы. -М.: Гардарики, 1997. –С.116

Лингвистикада мазмун сўзда акс этади, маъно эса, субъектив образ сифатида эътироф этилади. Л.Витгенштейннинг лингвистик фалсафасида мазмун “тил ўйинлари”нинг “қўлланиш услуби”ни билдирса, феноменологияда маъно ва мазмун бир-биридан ажратилмаган ҳолатда мавжудликнинг англаниши воситалари сифатида тушунилади. Герменевтикада маъно ва мазмун ажралмас бўлиб, шарҳлаш ва изоҳлашнинг муҳим шarti ҳисобланади¹.

Маъно ва мазмун тушуниш ва тушунтиришнинг муҳим таркибий қисмлари бўлиб, билиш назариясида улар алоҳида тушунчалар сифатида ўрганилади. Масалан, Қ.Назаров маъно хусусида шундай дейди: “Маъно - муайян вазиятга нарса ва ҳодисага алоқаси бўлган сўзнинг индивидуал мазмуни. Индивидуал маънонинг остида ушбу вазиятда фаол бўлган тизим алоқаларининг сўзда ифодаланган барча боғлиқликлари орасида энг зарури ётади². Таъкидлаб ўтиш жоизки, маъно ва мазмун тушунчалари ўртасида фарқ ўзбек тилида деярли кўзга ташланмайди. Лекин герменевтик тадқиқотларда тушунчаларнинг ўзига хослиги яққолроқ намоён бўлади. Масалан, бирон-бир бадий адабиёт асари (роман, ҳикоя) ўқилганда, одатда биз унинг мазмунини тушундик деб айтамыз ва хулосамизни айнан “мазмунини тушундик” деб ифодалаймиз. Ижтимоий воқеликдаги бирон-бир ҳаракат ёки фаолиятни кузатганимизда (яъни предметли ҳолатга нисбатан) “маъносини тушундик” дея хулосамизни ифодалаймиз. Аслида уларни бир-бирини ўрнига қўйиб ишлатиш мумкиндек туюлади, бироқ, биз Г.Фрегедан фарқли ўлароқ, мазмун тушунчасини онг мундарижасида кечадиган интеллектуал жараёнлар натижаси, маъно тушунчасини эса, предметли ифодани ўзлаштиришга нисбатан қўлланиладиган тушунчалар сифатида эътироф этамыз.

¹ Қаранг: Витгенштейн Л. История философии. Энциклопедия. Интерпрессервис. –Минск: Книжный Дом, 2002. –С. 993

² Назаров Қ. Билиш фалсафаси. -Тошкент: Университет, 2005. –Б. 135.

Тил, белги герменевтиканинг матн ва маъно сингари муҳим фундаментал категорияларидир. Тафаккурнинг тил билан боғлиқлиги тўғрисида сўз кетганда, улар бир–биридан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмаслигини эътироф этиш кифоя.

Маълумки, герменевтика дастлаб, тил ҳақидаги фалсафий таълимот сифатида ривожланган. Шу боис, тил ва унинг инсон тафаккурига таъсири хусусида тўхталиб ўтсак.

Тил – кишилик жамиятида энг муҳим алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган қурол бўлиб, унинг ёрдамида кишилар фикр алмашадилар, ўз истаклари, ҳиссиётлари, кайфиятларини ифода қиладилар¹. Демак, тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фикрни моддийлаштирадиган, реаллаштирадиган, кишиларнинг фикр алмашишларини таъминлаб берадиган воситадир.

Тил билан тафаккур муносабати ниҳоят мураккаб жараён бўлиб, бу масала тадқиқи билан деярли барча гуманитар фанлар шуғулланади. Тил билан тафаккурнинг муносабатлари фан тарихида турлича талқин қилинган ва фаннинг барча тараққиёт босқичларида ўша даврда ҳукмрон бўлган дунёқарашларга, фалсафий фанларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ тарзда ривожланган.

Тафаккурнинг моддий қобиғи тилдир. Шундай экан, тафаккур билан тил бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайдиган диалектик бирликни ташкил қилади. Бу диалектик бирлик натижаси тушуниш билан яқунланади. Зеро, бу ерда тил ва тафаккурнинг муайян функциялари тушунишга хизмат қилади, десак хато бўлмайди.

Инсон тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлган тил – худди шу тафаккурнинг маҳсули ҳамдир. Шу билан бирга, у тафаккурни такомиллаштирувчи энг асосий омил ҳисобланади. “Инсоннинг дилида нима

¹ Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт.диссертацияси. - Тошкент: Академия, 1998. – Б.117

бўлса, шу тилига чиқади”, деганимизда тафаккурда мужассамлашган фикрлар тилда ифода этилади, деб талқин қилсак ва буни худди шундай идрок этсак, беихтиёр фалсафий герменевтикага амал қилган бўламиз.

Фалсафий герменевтика структурасини ташкил этувчи - тил, тафаккур хусусида сўз кетганда, феноменология асосчиси Э.Гуссерль қарашларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, субъект - объект дихотомиясини майдонга ташлаган мумтоз гносеологияга қарши Э.Гуссерль онг предметдан, предмет онгдан ажралган эмас, деган ғояни илгари сурди. Феноменология нуқтаи назаридан бирламчи бўлган онг (тафаккур) табиат ҳам, материя ҳам эмас, балки инсоннинг “ҳаётий дунёси”дир. Онг ана шу “ҳаётий дунё”нинг таркибий қисми, уни таҳлил қиладиган, тушуниб етадиган томони. Бироқ, Гуссерлнинг фикрича, онг рефлексига нисбатан таҳлил қилиш бирламчидир¹. Онгнинг мазмуни субъектнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши, тушуна олиши билан аниқланади.

Тил фалсафасининг ривожини XX асрда сезиларли кўзга ташланади. Тил яшашнинг шундай мезоники, инсоният тараққиёти, ҳаёт мазмуни айнан тилда ифодаланади. Тил фалсафасининг асосий ғоясини қисқача шундай изоҳлаш мумкин: тил инсонда эмас, балки инсон тилда яшайди. Шунинг учун тилнинг тузилишини билиш назарияси нуқтаи назаридан қараб чиқамиз. Бу жиҳатда тил - мазмунга эга бўлган белгилар тизими сифатида таърифланади. Белгилар ва уларнинг мазмуни тилда ўз қонун-қоидалари ва алоқа шаклларига эга бўлган нисбатан ёпиқ ва мустақил тизимни ташкил қилади. Муҳими, тил оддий белгилар тизими эмас, ўз-ўзича белгилар ҳам эмас, балки ўз мазмунига эга бўлган белгилар тизимидир.

Ижтимоий жараёнларни тушуниш борасида Шлейермахернинг куйидаги фикри эътиборга молик: “Герменевтикада фақат тилга эҳтиёж бор ва бу тилда шундай сўзлар бўлсинки, у аниқ ва равон бўлсин”². Тил табиий

¹ Гуссерль Э. Логические исследования. Ч.1. Прологомены к чистой логике. – Киев: Вентури, 1995. –С.46

² Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б. -СПб.: Питер, 1999. -С.46

равишда ахлоқий вазифани бажаради. Тил ва ақл бир-биридан ажралмаган ҳолда инсон тафаккурини моддийлаштиради. Фикрлаш ички нутқ ҳисобланиб, ақл воситасида туғилади ва шаклланади. Бу ерда герменевтиканинг объекти – мураккаб тузилишга эга бўлган, риторика асосига қурилган оғзаки нутқдир. Айнан нутқда тил, индивидуаллик ва тушуниш учрашади. Шу уч восита билан герменевтика мавжуд бўла олади. Шлейермахернинг герменевтика ва ахлоқ масаласидаги фикрлари хулосаси сифатида қуйидаги жумлани келтириш ўринли: “Айтиш мумкинки, файласуфлик қилиш – бу тилни тараққий эттиришдир”¹.

Умуман олганда, тилнинг мукаммалашуви инсоннинг билим манбаига боғлиқ. Билим манбаининг бой ёки камбағал бўлиши инсонни воқеа-ҳодисаларнинг қай даражада ва қай талқинда тушуна олишига боғлиқ. Тилнинг шунчаки қайтарилишига герменевтика зарурат сезмайди. Умумий фалсафий герменевтика нутқда табиий ахлоқийликни мужассам этган ва бир вақтнинг ўзида индивидуал ва жамоавий билим бера оладиган нутқни топиш ва шакллантириш учун зарур.

Герменевтикада, хусусан матн герменевтикасида нарса-ҳодисалар мазмунини топишда семиотика муҳим ўрин тутди. *Семиотика* (юнонча *semion* “белги”) – белгилар ҳақидаги илм бўлиб, у турли белгилар тизимидаги ахборотни яратиш, сақлаш, етказиб бериш ҳамда тузилиши ва вазифаларини ўрганувчи назарий таълимотдир. У гуманитар фанлар методологиясида муҳим ўринга эга, чунки, ҳар қандай фалсафий билим ёки санъат асари оқилона тушунтириш ва таҳлилга муҳтож.

XX аср бошларида вужудга келган семиотика бирлашмаси, доимий чоп этилувчи журнал бўлиб, конференциялар ўтказилиб турилсада, унинг алоҳида фан сифатида тан олинishi ҳозирги кунда баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Чунки, семиотика аксарият гуманитар фанларнинг ёрдамчи методологияси сифатида эътироф этилмоқда. Шунга қарамай, семиотика

¹ Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б. -СПб.: Питер, 1999. -С.42

инсон ҳаётининг олам билан муносабатга киришувини таъминловчи, унинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалаларда устувор бўлган тадқиқот соҳасидир.

Белгилар ҳақидаги фанни яратиш ғояси бир вақтнинг ўзида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда бир нечта олимлар томонидан илгари сурилди. Семиотика асосчиси мазкур атамани фанга киритган америкалик мантиқчи, файласуф ва табиатшунос олим Ч.Пирсдир. Пирс белги хусусиятларини аниқлаб, дастлабки белгилар (индекс, икона, рамзлар) таснифини яратди, мазкур янги фаннинг мақсади ва тадқиқод доирасига кўра вазифаларини белгилади¹. Пирснинг семиотик ғоялари жуда мураккаб ва ноанъанавий услубда бўлганлиги боис, унинг тадқиқотлари кейинги олимлар томонидан соддалаштирилиб, ойдинлаштирилди. 1930 йилларда бошқа бир америкалик файласуф Ч.Моррис томонидан семиотиканинг содда структураси яратилди². Пирс меросининг кейинги ривожчи Р.Карнап, А.Тарский³ ва бошқа мантиқчи-файласуфлар илмий ижоди билан боғлиқ. Бирмунча кейинроқ швейцар тилшуноси Ф. де Соссюр семиология асосларининг янгича талқинини ишлаб чикди. Олимнинг машҳур “Умумий лингвистика курси” асари унинг вафотидан сўнг 1916 йилда шогирдлари томонидан нашр қилинди. Асарда асосий эътибор қаратилган “семиология” атамаси ҳозирги биз назарда тутаётган семиотиканинг синонимидир⁴. 1923 йилда немис файласуфи Э.Кассирер рамзий шакллар фалсафасига оид уч жилдли асарини чоп этди⁵.

¹ Қаранг: Пирс Ч.С. Элементы логики. *Grammatika speculative* // Семиотика / Под ред Ю.С.Степанова.- М.: Наука, 1983.- С.151-210

² Қаранг: Моррис Ч. Основания теории знаков // Семиотика / Под ред. Ю.С.Степанова. - М.: Мысль, 1983. - С.37-98

³ Қаранг: Карнап Р. Значение и необходимость: Исследование по семантике и модальной логике / Пер. с англ. Н.В.Воробьева. –Биробиджан.: Тривиум, 2000. -420 с.; Тарский А. Истина и доказательство // Вопросы философии. 1972. № 8. С. 136—145. Тарский А. Понятие истины в языках дедуктивных наук // Философия и логика Львовско-Варшавской школы. -М.: РОССПЭН, 1999. -324 с.; Тарский А. Семантическая концепция истины и основания семантики / Пер. А. Л. Никифорова. –М.: Гардарика, 2001. -124 с.

⁴ Қаранг: Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. -426 с.

⁵ Қаранг: Ernst Cassirer. *Philosophie der symbolischen Formen*, Bd 1—3, В., 1923—1929.: Русс. изд. Кассирер Э. Философия символических форм: В 3 тт. / Пер. с нем. С.А.Ромашко. -М.: -СПб.: Университетская книга, 2002.

Тарихан, белгилар ҳақидаги фан, унинг моҳияти хусусидаги фикрларда бир-бирига ўхшаш ва яқин хулосалар кўп бўлса-да, бироқ уларнинг айримларида кескин фарқлар (жумладан, Ч.Пирс ва Ф. де Соссюрда) ҳам мавжуд. Пирс семиотикани “муносабатларнинг универсал алгебраси” деб атаб, математиканинг бир қисми деб ҳисобласа¹, Ф. де Соссюр уни психологияга тааллуқли билим сифатида гуманитар фан тармоғига мансуб², деб ҳисоблайди.

Семиотиканинг асосий тушунчаси бўлган символ (рамз) хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Символнинг билиш образига яқинлиги «белги ва билиш» мавзуси билан шуғулланаётган мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Кўпинча табиий боғлиқликнинг ўрнини босувчи конкрет – ҳиссий кўриш образи символ сифатида майдонга чиқмоқда. Бир қарашдаёқ белги – символлар деярли предметли мазмунга эга эмасдек, қандайдир мавҳум маънога эгадек туюлади. Аммо, аслида уларда ҳам маълум тушунчавий ёки ҳиссий мазмун бор. Лекин, символлашган мазмун объектни ҳиссий ифодалашдан кўра мавҳум характерга эга. Символлар мавҳум фикрларнинг моҳиятини қамраб олиб, уларга ҳиссий – кўргазмали шакл беради. Демак, *символ* – мавҳум туйғу ва тушунчаларни кўргазмали, образли шаклда ифодалаб берадиган моддий ҳодисадир. Символлар табиий тил белгиларига нисбатан кўпроқ кишилар келишувининг маҳсули ҳисобланади. Улар стихияли эмас, балки мақсадга мувофиқ равишда яратилади ва амалда кишилар томонидан маълум шартлашув асосида қабул қилинадиган шартлар бўлиб кўзга ташланади.

Символда ижтимоий – қадриятли (аксиологик) жиҳат катта ўрин тутади, унда индивиднинг ёки ижтимоий гуруҳ, синф, жамиятнинг табиат ва жамият ҳодисаларига муносабати ифодаланади. Символда ҳодисанинг серкирра мазмуни ва моҳиятини очишдек умумлаштирувчи тамойил мавжуд.

¹ Моррис Ч. Основания теории знаков // Семиотика / Под ред. Ю.С.Степанова. - М.: Мысль, 1983. -С.39.

² Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. –С.126-132.

Бирон бир нарсанинг идеал шакли сифатида символ ўзида яширин тарзда ўша нарсанинг намоён бўлиш имкониятларини акс эттиради ва унинг умумлашган фикрий тавсифини ифодалайди. Шундай қилиб, символ нарсаларнинг оддий белгиси эмас, балки ўзида ифодаланган маъно-мазмунни янада кенгайтиришнинг умумлашган ҳолатини ҳам акс эттиради.

Символ шу маънода сўзга ўхшаш белгики, у ҳар қандай тил белгиси сингари маълум герменевтик образда ифода этилади ва объектни ҳамда сўзни акс эттиради. Бироқ, символ оддий белгидан (нусха – белги) шуниси билан фарқ қиладики, у конкрет нарса инъикоси билан кўплаб параметрларга унчалик мос келмайди. Символнинг тасвирида у билан солиштириш мумкин бўлган мазмунга (объектга) кўра кўпроқ мазмун англаниши мумкин. Символлаштириш воқеликни илмий ва бадиий ўзлаштириш жараёнининг бир жиҳати, амалий фаолият ва инсоний муносабатларнинг зарурий қисмидир.

Белгиларнинг герменевтик функцияларига нисбатан нисбий мустақиллиги шундай даражага етиши мумкинки, унда фақат ҳиссий ва тушунчавий образлар билан, яъни сўзлар, расмлар, ишоралар иштирокисиз амалда ишлаш имкони бўлади. Фикр образлар билан ишлаш жараёни сифатида шундай тезликка кўтарилиши мумкинки, унинг белгиларда ифодаланиши бу жараёни оғирлаштириши, унинг моҳиятини юқори даражада оча олмаслиги ҳам мумкин. Бунда мазмундан ўзиб кетиш ва эски шаклни янгиси билан алмаштиришнинг маълум бир шарт-шароити юзага келади. Ҳозирча унинг қандай янги шакл эканлиги номаълум бўлиб қолади ва бу саволга жавобни психолог ҳамда тилшуносларнинг тегишли тадқиқотлари бериши мумкин.

Семиотика асосида ҳар бир маданиятда турлича маъно англатадиган белгини тушуниш муаммоси туради. Ч.Моррис ва Р.Карнапнинг мантиқий-фалсафий анъанасига кўра, белги ўзга бир моҳиятни (муайян ҳолатда

ахборотни) ташувчи моддий қимматга эга объект¹. Ф. де Соссюрнинг кейинги тадқиқотларида белгининг икки моҳиятга эга эканлиги эътироф этилади. Яъни, белги моддий ташувчи таърифловчи - қолип ва у нимани тасвирлаётган бўлса, таърифланувчи – мазмун хусусиятларига эгадир². Тадқиқотларда таърифловчининг синоними “шакл”, “ифода режаси” сифатида, таърифланувчи ўрнига “хусусият” ёки баъзан “маъно” атамалари ҳам қўлланилади. Масалан, китобнинг тасвирини олайлик, аксарият илм-маърифат даргоҳларининг пештоқида унинг рамзли тасвири туради. Тасвирнинг ўзи, унинг қандай шакл, вазият (ёпиқ ёки очик)да эканлиги каби ташқи жиҳатлари билан моддий таъриф яъни қолипни билдирса, китобнинг илм манбаи эканлиги, ҳар қандай саодатга китобда битилган маърифат орқали етишиш мумкинлиги англанади, бу эса белгининг ички хусусиятидир. Энг эътиборлиси шундаки, ижтимоий ҳаётдаги аксарият белгилар инсонларга ички маъноси билан болалиқдан таниш бўлиб боради. Шу ўринда белгиларни таснифлайдиган бўлсак, уларни умумбашарий, минтақавий ва ихтисослашган синфларга бўлишимиз мумкин. Умумбашарий белгилар қаторига юқорида келтирганимиздек, китобнинг илм, кабутарнинг тинчлик маъноларини беришини ҳисобга олсак, минтақавий белгилар тизимини дин ва урф-одатлар, бир-бирига яқин жойлашган худудлардаги ўхшаш ҳаёт тарзи билан боғлиқ анъаналарнинг рамзий тимсоллари билан фарқлашимиз мумкин. Масалан, ярим ой (ҳилол) аксарият ислом мамлакатларининг давлат рамзларида ифодаланган, худди шундай христиан мамлакатларида эса бу белги “ҳоч” тасвири билан алмашади. Ихтисослашган белгилар маълум касб ва соҳага тегишли бўлиб, айна пайтда умумбашарий аҳамият ҳам касб этади. Чунки табиатни муҳофаза қилувчилар дунёнинг барча мамлакатларида битта мақсад билан фаолият олиб борар экан, уларнинг рамзий белгилари ҳам бир

¹ Қаранг: Моррис Ч. Основания теории знаков // Семиотика / Под ред. Ю.С.Степанова. - М.: Мысль, 1983. - С.37-98.; Карнап Р. Значение и необходимость: Исследование по семантике и модальной логике / Пер. с англ. Н.В.Воробьева. –Биробиджан: Тривиум, 2000. -420 с.

² Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. –С.142.

хил, шунингдек, СПИДга қарши курашувчилар ҳам бир мақсад йўлида ва битта белги остида ўз ҳаракатларини амалга оширади. Ихтисослашган белгиларнинг умумбашарий белгилардан фарқи уларнинг фаолиятга йўналтирилганлигидадир. Умуман олганда, ижтимоий ҳаётдаги барча ғоя ва фаолиятнинг ўз белгиси – рамзий ифодаси мавжуд. Бугунги кунда, ҳатто, алоҳида ташкил этилган кичик корхоналар ёки ижтимоий ҳаракат бирлашмалари ҳам ўз фаолиятларини бошлашларидан олдин, белги-рамзлари (логотип) билан ҳаётга кириб келмоқда ва бу белгилар мазкур субъектларнинг “юзига” айланмоқда. Демак, оқилона танланган белги ҳар қандай ғоя, фаолият ёки бирор-бир маҳсулотнинг муваффақиятини ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларни давом эттирган ҳолда, семиотиканинг яна бир асосий тушунчаларидан бири – белгили жараён ёки *семиозис* билан танишиб чиқамиз. Семиозис – муайян тушунчалар мажмуасининг муносабатли вазияти бўлиб, бу вазиятда А шахс Б шахсга В хабарни етказиши керак. А шахс хабарни юборувчи, Б шахс уни қабул қилувчи ёки манзил. А юборувчи хабарни ўзида ифодаловчи Г воситаларни йиғади ва Д га кодлайди. Д кодида эса, хабарнинг шакли ва мазмуни мувофиқлашган бўлиши лозим. Код шундай шаклда танланган бўлиши керакки, унинг ёрдамида талаб қилинган хабарни тузиш мумкин бўлсин. Шу билан бирга, код воситаси ва таърифи ҳам бир-бирига мувофиқ бўлиши лозим. Код қабул қилувчига маълум бўлиб, восита ва таъриф уни қабул қилиши учун очик бўлиши керак. Шу маънода, юборилган хабарни қабул қилувчи код ёрдамида худди ўша маънода ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши талаб этилади.

Семиозиснинг яна бир жузъий кўриниши оғзаки нутқда ҳам рўй беради, унинг коди эса – табиий тил. Бунда юборувчи – гапировчи дейилиб, қабул қилувчи тингловчи ёки манзил дейилади, белгилар эса, тил белгилари билан ифодаланади. Код (шу маънода тил) ўзида белгилар тузилмаси ва унинг амал қилиш қоидаларини ифодаловчи тизим шаклида бўлади. Тузилма

эса, ўз навбатида ўша белгилар ва уларнинг ўртасидаги муносабатдан ташкил топади.

Семиотика тил белгиларининг энг содда кўринишларидан табиий ва сунъий белгилар тизимигача барчасини ўз ичига олади ва тадқиқ этади. Матн таҳлилида семиотиканинг муҳим таркибий қисмлари (синтактика, семантика, прагматика)дан фойдаланган ҳолда маъно изоҳланади. Кўпгина мутахассислар тўғри таъкидлаганидек, белги билим объекти эмас (гарчи шундай бўлиши мумкин бўлса ҳам), балки билиш воситасидир.

Семиотика хабарни етказишда анъанавий тарзда икки даражага кўра фарқланади: денотатив (Г.Фреге¹ - амалдаги хабар) ва коннотатив (кўшимча мазмун юклатилган хабар). Ҳар қандай ҳаракатдаги семиотик тизим ўзида тилнинг денотатив ва коннотатив бирлигини ифодалайди. Денотатив даража хабарнинг асл, дастлабки мазмунини ифодаласа, коннотатив даражада хабарнинг кўшимча ҳолатлари, яъни субъектив, ижтимоий-тарихий вазият ва бошқа таъсирлар туфайли вужудга келган маънолар ифодаланади. Семиотиканинг айнан шу жиҳатини герменевтик таҳлилга муҳтож деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ҳар қандай юборилаётган хабарда ички ва ташқи мазмунларнинг пайдо бўлиши семиозисни ҳар жиҳатдан ўрганиш лозимлигини талаб қилади.

Маданият – белгили тизим сифатида, инсон ва олам ўртасидаги воситадир. У ташқи олам ҳақидаги ахборотни ўзига хос тузилма ва воситалар билан ифодалайди ва табиийки, бу ифодалаш ҳар бир маданиятда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Зеро, табиат ва жамиятдаги ҳар бир ҳодисалар ўз рамзий ифодасига эга, семиотика эса, мана шу рамзий ифодалар мазмунини очишга ёки аксинча, олам ва инсон муносабатларини муайян рамзлар дунёсида ифодалашга ёрдам беради.

Шу ўринда айтиш лозимки, мустақил бўлганига кўп бўлмаган давлатимиз маънавий ва моддий меросини ўрганишда семиотик

¹ Фреге Г. Всемирная энциклопедия. Философия. –М.: Современный литератор, 2001. –С.1160

методологияга алоҳида эътибор қаратиш тақозо этилади. Чунки, қадимдан ривожланиб келган ўзбек архитектура санъатининг бир парчасида ҳам бой маъно-мазмунни берувчи белгилар мавжуд. Ҳаттоки, миллат рамзи ҳисобланган эркаклар дўпписида тасвирланган белгилар ҳам чуқур маънога эга. Маданий меросимизда эса, бу каби мазмунини изоҳлаш лозим бўлган объектларнинг кўплиги буюк тарихимиз борлигидан далолатдир. Демак, Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар соҳада семиотиканинг ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, семиотика қатор фанлардаги хабарларни етказиш вазифасини бажарса-да, аввало, образли тафаккур ривожига ижобий таъсир кўрсатиб, фалсафий мушоҳада қобилятини юксалтиришга ҳисса қўшади. Семиотиканинг ўрганилиши тадқиқотчига белгилар тизими маъносини тушуниш билан бирга, ўзининг бор билим ва тасаввурларини белги – символлар воситасида қуриш имкониятини ҳам беради. Бу эса, келажак авлоднинг танқидий мулоҳаза юритиш қобилятининг ривожланишига ҳисса қўшади.

Биз юқорида фалсафий герменевтиканинг энг муҳим тушунчаларини таҳлил қилдик, энди эса, шаклан герменевтик методологияга яқин бўлган ислом тафсиршунослигидаги “тафсир” ва “таъвил” тушунчаларининг мазмунига қисқача тўхталиб ўтсак.

Тафсир - (араб. - баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш) - инсон қудрати етгунча Қуръони каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илм. Бу илм Пайғамбар (с.а.в.)нинг даврида юзага келган. Саҳобалар ва тобеъинлар асрида тафсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, ёзув тариқасида ёзилмаган эди. Тафсир илми келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнида бир неча қисмларга бўлинган: Биринчи қисм – “Тафсир бил маъсур”. Бу қисмдаги тафсирда муфассир Қуръон оятларини ривоят қилган

сахих ҳадислар ва саҳобаларнинг қавллари* билан тафсир қилади. Иккинчи қисм – “Тафсир бир-рай”. Бу қисмда муфассир ўз фикри ва илми билан тафсир қилади ва у иккига, жоиз ва ғайри жоизга бўлинади. Жоиз бўлган рай* билан тафсир қилишда муфассир ишончли манбаларга суянган ҳолда жаҳолат ва залолатдан узоқда бўлиб тафсир қилади. Жоиз бўлмаган қисмда эса, муфассир жаҳолат, бидъат ва залолат билан тафсир қилади, шунинг учун ҳам барча алломалар бу турдаги тафсирни ман қилганлар. Учинчи қисми – “Тафсири ишорий”. Бу қисмда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига карамай, унинг махфий ишораларига асосланиб тафсир қилади¹. Бу фақат сулук ва тасаввуф арбобларининг услубидир.

Кейинчалик тафсирнинг йўналишлари кўпайиб кетди. Мисол учун Қуръондаги ҳукм оятларини алоҳида тафсир қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, маданий тафсир ҳам ёзилди. Уларда Қуръон оятлари маданият тушунчаси асосида тафсир қилинди. Илмий тафсир атамаси ҳам пайдо бўлди. Бу турдаги тафсирларда оятларда келган маънолар илмий кашфиётларга мослиги ҳақида фикр юритилади.

Юртимиздан чиққан баъзи машҳур тафсирчилардан, аввало, Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридийни кўрсатиш мумкин. Имом Мотуридий ўзларининг “Таъвилот ахлис сунна” номли тафсирларида калом илми уламолари йўлидан борганлар ва Қуръони карим оятларини ақийдада Ахли сунна вал жамоа мазҳабини қўллаб тафсир қилганлар. Кейинги муфассирлар орасида Имом Абу Лайс Самарқандий улут саналиб, у зот Имом Ҳодий номи билан машҳур бўлганлар. Имом Абу Лайс Самарқандий кўплаб китоблар ёзиб қолдирган. Тафсирга оид китоби эса, “Баҳрул улум” деб номланади. Умуман олганда, ислом тарихида қатор буюк муфассирлар катта мерос қолдиришган, улар қаторига Имом Замахшарий,

* Қавл араб тилида “ҳукм”, “ҳулоса” деган маъноларни билдиради.

* Раъй араб тилида “йўл”, “йўналиш”, “услуб” деган маъноларни билдиради.

¹ TAFSIR / Ислом энциклопедияси. Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур.

www.islom.uz/Qomus/islomqomusi_info

Имом Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайин Розий, Имом Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий каби аждодларимизни киритиш мумкин.

Тафсир илми билан ҳамманинг ҳам шуғулланишига йўл қўйилмайди. Яъни, Қуръон маънолари тафсири билан шуғулланувчида қуйидаги сифатлар бўлиши зарур: Биринчи шарт: Соф эътиқодли бўлиш. Чунки, эътиқод масаласи ўта нозик иш эканлиги ҳаммага маълум. Эътиқод масаласида нуқсонли бор киши тафсир қилса, тафсир ҳам нуқсонли чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам эътиқодида “Аҳли сунна вал жамоа” мазҳабидан озгина оғиш бор шахсга тафсир қилишга изн берилмаган ёки ундай одам қилган тафсир йўқ қилинган. Иккинчи шарт: Ҳавои нафсга эргашишдан холи бўлиш. Яъни, тафсирчи бўлиш ниятидаги шахс тарафкашлик дардига чалинган бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, унинг ишида ҳиёнат содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, қадария, рофиза, муътазила каби тоифаларга мансуб шахсларнинг тафсирлари қабул қилинмаган. Учинчи шарт: Араб тилини ўта яхши билиш. Бу ҳеч қандай изохга ўрин қўймайдиган шартдир. Қуръон араб тилида нозил бўлган, араб тилини яхши билмай туриб, Қуръонни биламан, дейиш мутлақо ноўриндир. Тўртинчи шарт: Қуръонга боғлиқ илмларни яхши билиш. Мазкур илмларга жумладан: Қироатлар илми, илми Тавҳид, илми Сабаби нузул, илми Носих ва мансук, илми Ом ва хос, илми Муташобих ва бошқа бир қанча илмлар киради. Бешинчи шарт: Аввало, Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиши шарт. Чунки, бир маъно Қуръони каримнинг бир жойида умумийроқ зикр қилинган бўлса, бошқа бир жойида батафсилроқ баён қилинган бўлади, бир оятда қисқа ишора қилиб кетилган нарса иккинчи оятда кенгайтириб тушунтирилади. Шунинг учун Қуръони каримни яхши ва чуқур англашда унинг оятларини бир-бирига солиштириб ўрганиш катта аҳамият касб этади. Олтинчи шарт: Қуръонни суннат билан тафсир қилиш. Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннати Қуръоннинг шарҳи ва татбиқи бўлиб келган. Шунинг учун Қуръонни тафсир қилмоқчи бўлган шахс Пайғамбар

(с.а.в.)нинг суннатларини жуда ҳам яхши билиши шартдир. Еттинчи шарт: тафсирни Қуръоннинг ўзидан ёки Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларидан топмаса, саҳобаларнинг гапларига қайтиш. Чунки, саҳобаи киромлар Қуръони каримнинг нозил бўлишига шоҳид бўлган, ўша даврда Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга яшаган, Қуръонни аниқ тушуниб етган кишилардир. Саккизинчи шарт: Агар тафсирни юқорида зикр қилинган манбалардан бирортасида ҳам топа олмаса, тобеъинларнинг тафсирига қайтиш. Чунки тобеъинлар, саҳобалардан дарс олган авлоддирлар. Саҳобалардан кейин Қуръони каримни энг яхши биладиган авлод ҳам ўша кишилардир. Тўққизинчи шарт: Ўтқир фаҳмли бўлиш¹. Бу сифат, бир маънони иккинчисидан устун қўя билиш ва шариат мақсадларига мос маъноларни келтира олиш учун керак бўлади.

Шунингдек, муфассир одоблари ҳам қатъий белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: -яхши ниятли ва соғлом мақсадли бўлмоқ; -чиройли хулқли бўлмоқ; -илмига амал қилмоқ; -маъноларни келтиришда содиқ ва аниқ бўлиш; -иззатини билмоқ; -ҳақгўй бўлмоқ; -виқорли бўлмоқ; -тавозеъли ва ҳалим бўлмоқ; -оғир-босиқ, ва салмоқли бўлмоқ; -пешқадам олимларни ўзидан устун қўймоқ².

Таъвил (араб. - изоҳлаш, асл маъносига қайтариш) ҳам Қуръони каримнинг айрим мураккаб оятлар мазмунини ўз билими доирасида изоҳлаш услуби. Маълумки, Қуръони каримда ўнлаб “муташибих” ва “муқаттаот” деб номланувчи оят ва иборалар борки, уларнинг туб маъноларини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким аниқ билмайди. Бу тўғрида Оли Имрон сурасининг 7-оятида баён этилган³. Лекин, шунга қарамай, баъзи тафсир уламолари уларни таъвил этишга уриниб кўрганлар. Ҳанафий-мотуридий мазҳаби бўйича бу каби оятларни таъвил қилиш, шарҳлаш ёки изоҳлаш шаккоклик ҳисобланади.

¹ TAFSIR / Ислом энциклопедияси. Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур.

www.islom.uz/Qomus/islomqomusi_info

² Ўша манба.

³ Қаранг: Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992.-Б.36.

Кейинги пайтда таъвил сўзи тафсирлаш, шарҳлаш каби маъноларда ҳам ишлатилмоқда.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, Ислом тафсиршунослиги муфасссирдан чуқур илм талаб қилади, шунингдек, ҳар бир оят тафсири аниқ манбага суянган ҳолатдагина ҳаққоний, маъқул саналади. Биз параграф бошида келтирганимиздек, агар герменевтиканинг тадқиқот объекти инсон ижоди, меҳнати маҳсули экан, Аллоҳ томонидан нозил қилинган Қуръони каримни биз ҳеч қачон герменевтиканинг тадқиқот объекти сифатида санай олмаймиз ва айрим муаллифлар томонидан тафсир илмини “Шарқ герменевтикаси” деб аталишига қўшила олмаймиз. Албатта, тафсир илми билан герменевтик методологиянинг маънони излаш, талқин қилиш, изоҳлаш масалаларида бир-бирига ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Лекин, биз, фалсафий герменевтикани нафақат, ёзма матнлар мазмунини ўрганувчи методология, балки инсон тафаккурини, фикрлаш доирасини кенгайтирувчи ўзига хос таълимот сифатида ўрганмоқдамиз. Яъни, бунда тадқиқот объекти сифатида, нафақат ёзма манбалар, балки инсон ижодининг маҳсули бўлган борлиқнинг барча неъматлари тадқиқ этилади.

Хуллас, муайян соҳада тадқиқот олиб бориш учун унинг тарихини ва тушунчалар тизимини билиш олдинга қўйилган мақсадга эришишнинг биринчи қафолатидир. Инсоният тафаккуридаги фикр, ғоя, таълимотларнинг барчаси замонлар чархпалагидан ўтгани сари сайқаллашиб, мукаммаллашиб боради. Шунингдек, герменевтик билимлар ривожини ҳам ижтимоий жараёнларга мутаносиб тарзда шаклланди. Бу жараён герменевтика таълимотининг тушунчалар тизимини яратди. Герменевтиканинг мазмун–моҳияти, ҳақиқатни билиш услуби сифатидаги аҳамиятини ўрганиш жамиятнинг барча соҳасида илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи учун самарали натижага эришишнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

2. 2. Матннинг герменевтик концепцияси ва когнитив герменевтика

Йўналишидан қатъий назар, барча тадқиқотчилар ёки фалсафа илми билан шуғулланувчилар муайян маънода герменевтика билан тўқнашадилар. Лекин бу жараёнда унинг алоҳида метод сифатидаги ўрни ҳар доим ҳам сезилмайди. Шу жиҳатдан ҳам герменевтикага бугунги кунда мамлакатимизнинг маънавий-маърифий, ижтимоий, маданий соҳаларида зарурат кучли.

Диссертациянинг юқоридаги параграфида таъкидлаганимиздек, герменевтикада асосий тадқиқот объекти – матн саналади. Бунда матн сифатида мазмунга эга бўлган ҳар қандай ёзув, белги, имо-ишора, тасвир, бадиий ижод асари кабилар тадқиқотнинг объекти бўла олади. Демак, яшаб турган дунёимизнинг инсон меҳнати, ижоди, тасаввури билан яратилган барча бойликлари герменевтик тадқиқот объектидир. Зеро, мазкур яратилган моддий ва маданий ёдгорликларда ҳаёт мазмунини ифодаловчи рамзлар акс этган. Айниқса, бугунги тез суратларда тараққий этиб бораётган фан ва техника янгиликлари бой қадриятларимиз ҳамда тарихий меросимизнинг туб моҳиятини тўлиқ тушунишга, улар мазмунини етарлича англаб олишимизга имкон бермаслиги мумкин. Чунки давр бугуннинг шахсидан замонавий техник янгиликларни ўзлаштириш билан бирга, тарихий билимларни ҳам чуқур ўзлаштиришни талаб этмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”¹. Шунинг учун ҳам, тарихий билимларни ўзлаштиришда герменевтиканинг метод сифатидаги аҳамиятини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, айнан герменевтик методлар орқали тарихий манбанинг кўптомонлама талқинини яратиш мумкин.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 4

Герменевтика маттни ўз-ўзича маъносини ўзгартирмасдан тушуниш, унинг ижтимоий-иқтисодий “сабаби” ёки маданий-тарихий “таъсирини” тушуниш лозимлигини таъкидлайди¹. Чиндан ҳам ҳар қандай матн аниқ давр, ижтимоий, сиёсий, маънавий маконда яратилади ва у аниқ интеллектуал салоҳият, ахлоқий даража, сиёсий муносабат, руҳий интенционаллик каби хусусиятларга эга шахснинг меҳнат маҳсулидир. Юқоридаги таърифда ҳам, герменевтик методни нафақат матннинг адекват мазмунига, балки ижтимоий-иқтисодий сабаби ва маданий-тарихий таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланмоқда. Лекин айтиш жоизки, давр руҳи ва муаллифнинг субъектив хусусиятлари бизни тарихий ҳақиқатдан узоқлаштириши мумкин. Бундай ҳолатда нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Х.Г.Гадамер бу саволга “... маттни муаллифдан ажратиб бўлмайди, зеро тарихни ёритган муаллиф бўлмаганда бу тарихий ҳақиқат бизгача етиб келмаслиги мумкин эди”², дейди. Чиндан ҳам муаллифнинг айнан шахсий ҳолати – характери, кечинмалари ҳамда тарихий вазият туфайли асар яратилади. Масалан, мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Муқимий кабиларнинг ижодига айнан тарихий вазият ва шоирларнинг субъектив хусусиятлари туртки бўлган, десак хато бўлмайди. Масалан, Мирзо Бобурнинг қуйидаги машҳур рубойиси бир пайтда, ҳам муаллифнинг кечинмаларини, ҳам тарихий ҳақиқатни акс эттиради:

Толэ йўқи жонимга балолиг бўлди,

Не ишники айладим, хатолиг бўлди.

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори йўлландим,

*Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди*³.

Бунда шоир ўз кечинмаларини баён этиш билан ўқувчига ҳаёт йўлини ҳам кўрсатиб бермоқда. Зеро, ушбу сатрлар буюк саркарда Мирзо Бобурнинг

¹ Фалсафа қомусий луғат. / Назаров Қ. таҳрири остида. –Тошкент: Шарқ НМАК, 2004. –Б.88

² Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. –М.: Прогресс, 1988. –С. 316

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўз Р Фанлар Академияси, 1958. –Б. 141

Ҳиндистондек буюк давлатнинг шоҳи бўлса-да, қалбида доимо Ватан соғинчи бўлганлигидан гувоҳлик беради. Айниқса, муаллиф ўз юртини ташлаб, ўзга юртда ҳукмдор бўлганлигини оғир изтироб (юзи қоралик) билан ифода этади.

Албатта, тарихий адабий меросимизда бу каби автобиографик талқиндаги ижод асарлари кўп учрайди. Гуманитар фанларда машҳур бўлган Сент-Бёв автобиографик методи ҳам матн таҳлилига муаллиф ҳаётини ўрганиш орқали киришиш тадқиқотнинг самарасини кучайтиришини таъкидлайди¹. Бунда муаллиф ҳаётини ўрганмасдан туриб, матндан тарихий ҳақиқатни излаш самарасиз ҳисобланади. Чиндан ҳам, ижодкор ёки тарихчи, аввало, субъектив хусусияти ва тарихий вазият турткиси билан қўлига қалам олади. Шунинг учун ҳам матн таҳлилига автобиографик метод орқали ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ёндашувнинг самарасини деярли барча бадиий ижод асарларида ва тарихий манбаларда кузатишимиз мумкин. Зеро, ҳеч қандай моддий ва маънавий бойлик (асар) тўлиқ объективлашган ҳолда яратилмайди.

Герменевтика инсон тафаккури ва ижоди маҳсулини ўрганар экан, у фақат яратилган, яъни бевосита тарихга тегишли бўлган манбаларни тадқиқ этади. Демак, тарих ва герменевтика бир-бири билан узвий боғлиқ. Шу ўринда, тарих фалсафаси ва унинг герменевтик хусусиятига тўхталиб ўтсак. Агар тарихчи тарихни хронологик кетма-кетлик, объективлик асосида ўрганса, файласуф тарихни воқеа ва жараёнлар сабабий кетма-кетлиги, оқибати ва натижалари асосида ўрганади. Яъни тарих фалсафаси, тарихни яратувчи асосларини тадқиқ этади. Герменевтика ва тарих, айнан, тарих фалсафасида бирлашади, шунинг учун ҳам Н.Жўраев фалсафий герменевтикани тарих фалсафасининг асосий методологияси сифатида эътироф этади². Тарихий воқеаларни, айниқса ёпиқ тизимдаги жараёнларни

¹ Сент-Бёв / Энциклопедия Кругосовет. –М.: Политгдат, 2000. -С. 643-647

² Қаранг: Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.220-229

Ўрганишда герменевтик методологиянинг самараси юқори. Чунки, герменевтик методология айнан манбанинг ўзига мурожаат қилинган ҳолда тарихий ҳақиқатни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, ватанзимизнинг узоқ йиллар давомида мустамлакачилик таъсирида бўлган даврини холис ўрганишда герменевтик методология муҳим аҳамиятга эга.

Матн мазмунини талқин қилиш герменевтиканинг асосий вазифаси экан, деярли барча герменевт олимлар бу масаланинг назарий ва амалий аҳамиятига эътибор қаратган. Масалан, П.Рикер матн герменевтикаси хусусида сўз юритар экан, шундай дейди: “Мен аввало, герменевтиканинг нима эканлигига эътибор қаратмоқчиман, герменевтика, бу – тушуниш жараёнлари назарияси ва унинг матн талқини билан муносабатидир”¹, деб таъкидлайди. Олимнинг фикрича, герменевтиканинг иккинчи хусусияти матн талқинига боғлиқ, бунда герменевтиканинг методологик аҳамияти тўла эътироф этилмоқда.

Матннинг герменевтик таҳлили тушуниш ва талқин қилиш билан амалга ошади. “Тушунишдан талқин қилишга ўтишда моддий асосга эга бўлган белгилар ёзув шаклида ифодаланади. Ёзув шаклида ифодаланган ҳар қандай из, муҳр, ҳар қандай ҳужжат ёки хотира, ҳар қандай архив талқин қилинишга муҳтож”². Шундай экан, аввало, талқин қилиш ва тушуниш ўртасида боғлиқлик ва фарқларни аниқлаб олайлик. Таъкидлаш жоизки, матнни талқин қилиш учун уни тушуниш лозим. Демак, биз шартли равишда дастлаб, матнни тушунишга, сўнг уни талқин қилишга ҳаракат қиламиз. Тушунишни бир онг томонидан иккинчи онгга ташқи ифодалар (ҳолат, ҳаракат, нутқ каби) билан етказилувчи белгилар хусусиятининг ўзлаштирилиши, деб ҳисобласак, талқин қилишда айнан тушунишнинг натижасидан фойдаланамиз. Бу ерда фикрларнинг давомийлигини кузатиш мумкин, агар бу давомийликни герменевтик давомийлик деб атасак, уни

¹ Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук // От текста к действию. Очерки по герменевтике-II. –М.: Наука, 1990. – С. 180

² Ўша манба, -С. 181

қуйидагича тушунтириш мумкин: агар маънони изоҳлаш белгиланган матнга бевосита қўлланувчи услублар тўплами бўлса, бунда герменевтика иккинчи тартибга мансуб маънони изоҳлашнинг умумий қонуниятлари демакдир. Бу ерда талқин ва тушуниш ўртасидаги муносабатни аниқлаштириш лозим.

Герменевтика, унинг методлари лингвистика, семиотика ва бошқа анъанавий матншунослик илмларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Герменевтика матн ҳақиқатини очиш билан бирга, реципиент* ички дунёсини муаллиф кечинмаларига шерик қилади. Реципиент матнда ифодаланган жараёнлар ичига кириб бориб, уларни ўз руҳиятидан ўтказди. Шу жиҳатдан ҳам герменевтик тушуниш универсал, айти пайтда индивидуал характерга эга. Лекин Х.Г.Гадамер фикрича, муайян матнни тўлиқ тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди¹. Чиндан ҳам матнни талқин қилиш ўқувчи бор экан, тугамайди. Чунки, ўтган замондаги матн бу замонда ўзгача талқин қилинганидек, бу даврдаги матн келажакда бошқача тушунилади.

Бадий матнни ўқиш у билан мулоқотга киришишдир. Ҳар қандай мулоқот жараёнида эса, субъект мулоқотда қатнашувчи объектни талқин этиб боради. Бадий матнни ўқиш ва тушуниш уни талқин этиш асосига қурилади. Инсон атроф-борлиқ ҳақида мушоҳада қилар экан, ҳар сонияда кўз ўнгидаги оламни талқин этади. Сизги органлари орқали олинган ҳар бир маълумотга нисбатан муносабат – уни талқин этиш демакдир.

Бугунги кунда Ғарбда герменевтикага энг замонавий фалсафий таълимот сифатида қаралади, демак, унинг тадқиқот соҳаси жамиятнинг барча йўналишларида ўз аҳамиятига эга. Айрим файласуфлар герменевтикани тушунувчи, позитивизмни тушунтирувчи таълимот, дейишади. Лекин герменевтика, антропологияда ҳам, янги психоаналитик таълимотда ҳам мавжуд.

* Реципиент – бадий санъатни талқин қилувчи киши.

¹ Қаранг: Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. -692с.

Тушуниш муайян нарсанинг онгдаги талқинидир. Ю.Хабермас таъкидлаганидек, “... тушуниш – коммуникациянинг яқунловчи босқичи бўлиб, у ижодий асар (матн) муаллифи тафаккури ва ички дунёсининг ифодаси, муайян турдаги фаолиятда ўзини намоён этиши, матндаги ибораларни ўзлаштиришидан бошланади. Булар фикр, ҳиссиёт, мақсад ва ахборотни коммуникатордан герменевтга етказиш учун хизмат қилади”¹.

Ҳозирги замон фалсафасида герменевтиканинг мақсад ва вазифаларига турлича муносабатлар мавжуд. Лекин энг асосийси – матн талқини орқали ундаги мазмунни очишдир. Жумладан, биз ҳам матнни ўрганиш билан фалсафий герменевтикани тушунтиришда қуйидаги жараёнларга эътибор қаратамиз:

- тушунтирувчининг ўз воқелиги ҳамда маданий анъаналарни матн билан солиштириш воситасида унга кириб бориши;
- матн мантиқига киришга мўлжалланган, унга сингиб бориш ҳолати;
- бадиий образларни шахсий ва эстетик камолотдаги образлар билан қиёслаш воситасида матнни англаш;
- асар қабул қилинаётган руҳий олам контекстини англаш.

Герменевтиканинг матн талқинида реципиентга ёрдам берувчи асосий ҳолатларни эса қуйидагича қайд этиш мумкин;

- 1) матн тўғрисида хабардорлик;
- 2) матн мантиқига мослашиш, лозим бўлса, унга ўз тақдирини боғлаш;
- 3) матн савол берганда, реципиентнинг унга жавоб беришга мойиллиги (тайёрлик ҳолати);
- 4) контекст (воқеа, маданият) ортидаги ички мазмунни кўришга интилиш.

¹ Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б. -СПб.: Питер, 1999. – С.126

Юқоридаги ҳолатлар тадқиқотчини матннинг яхлит мазмунини топишга ва фалсафий таҳлил қилишга йўналтиради.

Матнда ифодаланган ҳар қандай белги ўзида муайян ахборот, маълумотни намоён қилсада, уларнинг барчаси билим бўла олмайди. Зеро, билимнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўқувчининг тафаккур доирасига янгилик олиб киришидадир. Матн – тафаккур ривожланишини оқилона йўналтирувчи манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам билимга, хусусан, илмий билимга эга бўлишда матн катта аҳамият касб этади.

Инсон борлиқдаги барча воқеа-ҳодисаларни ўрганишга интилар экан, ўз фаолиятида фикрлаш, тушуниш, тафаккур қилиш жараёнларига мурожаат қилади ва оламни, айнан, улар воситасида англайди. Тушуниш инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида кечадиган жараён бўлсада, унинг оқилона асослари ҳозирги кунда тўла тадқиқ этилмаган. Тушуниш бир қанча ҳолат ва вазиятларда кечадиган кўпқиррали жараён бўлиб, қуйида матнни ўрганиш орқали тушунишнинг илгариланма ҳаракатини кўриб чиқамиз. Бу ҳаракатнинг “илгариланма”лиги шундаки, унда ўқувчи матндаги маълумот (билим)ни ўқиб бориб, ўз дунёқараши доирасини кенгайтиради. Матн орқали у янги дунёга кириб янги маъно, мазмун топади. Матнда баён этилган мақсаддан ўқувчи ўз тафаккур доирасида янги мақсадлар, хулосалар яратади. Матн – илмий билимни ривожлантирувчи восита бўлса, барча герменевтик тадқиқотлар ўқувчига шу матн маъносини тушунишнинг энг самарали воситаларини тақдим этмоғи лозим.

Матнни тушуниш учланма хусусият касб этади, яъни шарҳловчи сўзлар ва ҳарфлар билан ифодаланган мазмунни оқилона тушуниб, у орқали муаллиф нима демоқчи бўлганлигини тушунишга ҳаракат қилади.

Хусусан,

А (шарҳловчи) - **Б** (матндаги сўзлар мазмуни) - **В** (муаллиф дунёқараши мазмуни)

Бироқ бу ҳолат айланма характерга ҳам эга, зеро муаллиф ўз дунёқарашидан келиб чиқиб матнни яратади, матнга ўз тасаввури, тафаккури, руҳий оламидаги ҳолатларни сўз воситасида ифодалайди, яъни борлиғини матнга кўчиради. Бироқ, шарҳловчи матндан муаллиф назарда тутмаган маънони ҳам топиши мумкин.

Тушунишнинг моҳияти шундаки, у инсонга ўзини намоён қилиш имконини беради. Ўзини намоён қилиш эса, инсоннинг табиий-инстинктив хусусиятларидан бири. Унда “мен” шакллана бошлабдики, дастлаб атрофдагилардан эътибор, сўнг ўзини намоён қилиш орқали уни тан олишларига онгли ва онгсиз тарзда интилиб яшайди. Энг аҳамиятлиси шундаки, у ижтимоий гуруҳларнинг қайси доирасида уни яхши тушунишса, у ўз мулозаларини тушунтира олса, тан олинса ана шу гуруҳда фаолият юрита бошлайди.

Тушуниш қобилияти билан инсон ҳаётдаги мақсадига етишиши ёки ундан умуман узоқлашиб кетиши мумкин. Чунки, тушуниш вазиятни таҳлил қила олиш имкониятини бериб, фаолиятни йўналтиришнинг заминидир. Таъкидлаш жоизки, тушуниш ҳис қилиш билан боғлиқ кечади. Ҳис қилиш, кечинмалар орқали тушуниш ҳақиқий тушунишдир. Матндаги ифодалар реципиент дунёқарашига, ҳиссий ҳолатига қанчалик яқин, ўхшаш бўлса, мазмун чуқур тушунилади. Айниқса, бадий образлардаги ранг-баранглик, туйғуларни уйғотувчи жилоларнинг кўплиги, руҳий таъсирнинг юқорилиги нафақат мазмуннинг кучайишига, балки матн маъносининг хотирада узоқ қолишига ҳам муҳим таъсир кўрсатади.

Тушунишда матннинг структуравий тузилиши муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф томонидан бу матнда ўхшаш маънони англлатувчи бир нечта сўзларнинг энг сараси танланиши маънонинг тушунилишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунга мисол қилиб, салкам бир асрдан буён ўзбек адабиётида “сўз сайқалчиси” дея эътироф этиб келинадиган Абдулла Қаҳҳор ижодини олишимиз мумкин. Чунки, адиб мероси билан танишиб чиқар экансиз, ҳикоя

матнларида келтирилган ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида қўлланилганлигига ишончингиз комил бўлади. Сўзларнинг моҳирона танлангани уларнинг ўрнига бошқа маънодош сўзни қўйиб бўлмаслик, агар қўйилса, мазмун ва маъно ўз кучини йўқотиши билан изоҳланади. Масалан, “Даҳшат” ҳикоясидаги қуйидаги фикрлар қаҳрамоннинг ҳолатини ўқувчига яққол тасвирлаб беради: “Ҳақиқатан, бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, додхо сингари пайғамбар ёшидан ошиб, кафанлигини сандиққа солиб қўйган киши, ўлишдан ҳам кўра, гўристонда ётишини ўйлаганида тилигача совуқ тер чиқаради”¹. Бу ерда ёзувчи додхонинг ёшини келтириш билан бирга, бу ёшдаги кишиларнинг ҳолати ҳамда гўристон даҳшатини ўзига хос тарзда ифодалайди. Албатта, Абдулла Қаҳҳор ижодида сўз воситасида мазмунни изоҳлашнинг юксак маҳоратини бадиий адабиёт вакиллариининг аксарияти эътироф этади. Шу ўринда адибнинг ёзувчи ижодига берган ўхшатиши ҳам эътиборга лойиқ, “... Ёзувчи дутор ёки винога ўхшайди – эскирган сайин очилади, қуввати ошади”².

Матндаги сўзларнинг аниқ, қисқа ва лўнда берилиши янги билимнинг онг доирасидан осон жой олишига хизмат қилади. Фан тараққиётида матнни ўрганиш учун тарихий, грамматик, лексик – семантик, структуравий таҳлил каби герменевтик усуллар қўлланилган. Чунончи, тарихий таҳлилда матнлар вақтга, ижтимоий муҳитга нисбатан ўрганилган. Лексик таҳлилда сўзлар мажмуи ҳисобга олинган, бунда лексик – семантик усул икки босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич лексик таҳлил бўлиб, у икки кетма-кетлик асосида амалга ошган: гап таркиби от, феъл, сифат кабиларга бўлиб чиқилган; матннинг луғавий таркиби бош сўзлар, бош кесимлар, иккинчи даражали бўлақлар ва бошқаларга ажратилган. Семантикада сўзлар ўзаро жойлашиш нуқтаи назардан ўрганилган ва матннинг калит сўзларини топиш, ўрганилаётган матн қисмида калит сўзларнинг маъно ва ўрнини аниқлаш

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2007. –Б.24.

² Ўша манба, -Б.37.

каби муҳим омиллар инобатга олинган. Структуравий таҳлилда гап, гап бирикмалари маъноси таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда матнни тушуниш ва тушунтириш қуйидаги доира шаклида кузатилади: олдиндан тушуниш – бевосита тушуниш – талқин қилиш – аниқ билимга эга бўлиш. Ҳар қандай билим ёки ҳодиса ҳақида инсонда шу ахборотга йўналган олдиндан тушуниш кўникмаси (Х.Г.Гадамерда предпонимание – тушунишга чоғланиш) бўлади. Бу кўникма вазифасини тафаккурдаги эски билимлар бажаради, чунки ҳаётда ҳеч қачон кузатилмаган воқеа ёки ҳали умуман эътироф этилмаган том маънодаги янгилик мавжуд эмас. Яъни, воқеани олдиндан тушуниш, иккинчи – бевосита тушуниш жараёнини келтириб чиқаради.

Бирор бир матнни ўқиб, маълумотга эга бўлган шахс, ўзидаги билимни ахборот шаклида бошқа шахсга тушунтиради. Тушунтириш жараёнида инсоннинг психологик ҳолати, фазилати (ёки иллатлари) унинг хулқида намоён бўлади ва у бу жиҳатлардан ажралмаган ҳолда ўз фикрини баён этади. Баён этиш ёзув, турли имо-ишоралар, белгилар, хатти-ҳаракатлар орқали кечади.

Матнни тушуниш жараёнида ўқувчига ҳам кўп нарса боғлиқ бўлиб, унинг дунёқараш доираси, замонасининг маданий анъаналари, қадриятлари доирасида матнни тушуниб, ундаги фикрларни ўқиб олади. Матн яратилган даврдаги маданий муҳит хусусиятлари матда ўз аксини топади. Ўқувчи матн яратилган муҳитга қанчалик яқин бўлса, уни тушуниши шунчалик осон кечади. Х.Г.Гадамер тадқиқотларида бу вазият “уфқларнинг кўшилиши” деб аталади. Яъни ҳақиқий тушуниш, икки томон мазмунли уфқларининг кўшилиши билан амалга ошади¹. Масалан, аксарият ҳолларда шундай матнларга дуч келамизки, у биз яшаётган даврдан 1000 йил илгари ёзилган бўлсада, айнан бизнинг кечинмаларимиз, тафаккуримиздаги ҳолатларнинг

¹ Қаранг: Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –С. 356-358

аксидек кўринади. Бундай вазиятларда матн муаллифининг маҳорати, яккаликни умумийликка кўтариб чиқара олиш қобилияти матн билан мулоқотимизни енгиллаштириб, уни ўзимизникидек қабул қилишимизга имкон яратади.

Умуман олганда, илмий билим доирасини кенгайтирувчи омиллар ичида матнга мурожаат қилиш тадқиқотчида ҳар тарафлама индивидуал ижодий ёндашувни намоён қила олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бунда ҳар қандай мақсадга эришиш, янгиликни ўзлаштириш фақат субъектнинг салоҳияти билан боғлиқ. Матн ўз-ўзича ҳеч қандай қимматга эга эмас, янги билимга эга бўлиш учун маъноли матн ва изланувчан тадқиқотчи бўлиши керак.

Фалсафа тарихини тадқиқ этар эканмиз, ҳар бир даврнинг ўзига хос ғоялари, қарашлари, тамойиллари мавжудлигини гувоҳи бўламиз. Мазкур ғоялар хилма-хиллиги ва даражалари нафақат даврнинг ижтимоий-сиёсий ёки маданий, балки илмий-эпистемологик хусусиятларига боғлиқ тарзда вужудга келган ва ривожланган. Фалсафий билим даражаси ва тажрибасининг ўсиши, таълимотлар барқарорлиги ва даҳолар алмашинуви фалсафий тафаккур ривожидан дарак беради. Ҳар қандай фалсафий таълимот ва йўналишларнинг аҳамияти, улар тадқиқ этаётган масаланинг долзраблиги билан эмас, балки шу масалани ўрганишга қандай методологик асос билан ёндашилганлигида намоён бўлади.

Барча интеллектуал фаолият сингари фалсафада ҳам ҳар қандай муаммонинг ечими, илгари сурилаётган тахмин ва гипотезалар ўзининг когнитив сабабларига эга. Инсон ўз олдида турган масала моҳиятини тушуниб, унга оқилона, ижодий ёндашганда муаммонинг ҳақиқий ҳаётий хусусияти, амалий аҳамиятини билиш имконияти юзага келади. Яна бир жиҳат борки, илмий ижодкорликда муаммонинг ечимини топишда ёки моҳиятининг равшан бўлишида олимнинг интеллектуал ёндашуви олдинга қўйилган мақсаднинг амалга ошишини кафолатлайди. Масалан, бир

файласуф олим “Вақт фалсафаси” ҳақида асар ёзиш буюртмасини олган, кунлар ўтиб, асарни топшириш муддати яқинлашмоқда. Лекин олим ижтимоий ҳаётдан ажралмаган ҳолда асарни ёзишдан бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши керак. У кундалик турмуш рўпара қилаётган юмушларга “Кечирасиз, менинг вақтим йўқ ... улгирмаяпман...” каби сўзларни айтиб, ҳеч нарсага улгирмаётганлигини таъкидламоқда. Қизиғи шундаки, ҳаётий масалаларни ҳал қила олмаётган инсон вақт фалсафаси ҳақида асар ёзмоқда. Дарвоқе, бу ҳолатни биз муаммо деб аташимиз мумкинми? Албатта, мумкин. Эътибор берсак, бундай вазиятлар илмий ижод аҳлида тез-тез кўзга ташланадиган ҳолат. Лекин одатда, яқин инсонларимиз “умуман вақтим йўқ” деган сўзни айтишганда, биз уларнинг интеллектуал борлигида номувофиқлик борлигини эмас, балки уларнинг чиндан қийин вазиятда қолганлигини таъкидлаб, ҳамдардлик билдираемиз. Бироқ, вазиятнинг когнитив, яъни билиш ва оқилона ҳал қилиш мумкин бўлган сабабларини кидириб кўришга ҳаракат қилмаймиз. Ваҳоланки, мазкур сабаблар “...умуман вақтим йўқ..., улгирмаяпман...” каби ҳолатларнинг ечимини топиб бериши ҳам мумкин.

Биз олимларга ҳар қандай вазиятда масаланинг моҳиятини оқилона баҳолаб, номувофиқларнинг олдини олиши керак, деган катта масъулиятни кўймаймиз, лекин улар ҳеч бўлмаганда ўзининг соҳасидаги масалалар моҳиятини тушуна олиш, вазиятни оқилона баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Тушунишнинг когнитив жиҳати ҳам шундан келиб чиқади, яъни *когнитив герменевтика* предмети сифатида биз, асосан вазиятни тушунишни билишнинг барча имкониятларини қўллаш мумкин бўлган ҳолатларини оламиз.

Герменевтика инсоният яратган барча маънавий ва моддий қадриятларнинг мазмунини тушунишни, улар орқали муаллифлар дунёқараши мазмунини очишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, герменевтик тадқиқотлар том

маънода, инсонни у яратган маънавий мерос орқали тушунишга ҳаракат қилади, яратиб қолдирилган матнларни талқин қилиб, давр ва тарихнинг умумий манзарасини шакллантиради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, герменевтик тадқиқотлар фақат назарий билимларнинг бойиши эмас, балки эгалланган билимларнинг амалдаги ифодаси билан қимматга эга бўлади. Хусусан, тушунишнинг герменевтик хусусияти инсон фаолиятини муайян тартибга солиб, уни келажакка йўналтиради, назарий билимлар амалиётга кўчади. Бу борада Х.Г.Гадамернинг куйидаги фикрини келтириш ўринли: “Герменевтика – бу амалиёт. Кимки амалиёт ва унинг миқёсли кўлами ва фалсафий ибтидосидан хулосалар олмас экан, фақат тафаккур орқали кўлга киритилган билимлар асосидаги услубларни кўриб чиққанлигига қарамай, улар ёрдамида билимларини амалиётга кўллаш илмини ўргана олмайди. Герменевтиканинг фундаментал ҳақиқати куйидагича: ҳақиқат бирон-бир шахс томонидан англанилмайди ва етказилмайди. Имконият даражасида фикрини тушунтириш, ўз борлигини сўз билан ифода эта олишга ўрганиш – герменевтиканинг асосидир”¹. Демак, герменевтиканинг вазифаси - эгалланган назарий билимни ҳаётини тажрибада эгалланган анъана орқали намоён эта олиш қобилиятини шакллантиришдир. Яъни, инсонни унинг ўзи орқали ўрганишдир. Илмий ижодий фаолиятда ҳам худди шу тамойил амал қилади. Буни биз когнитив герменевтика мисолида кўриб чиқамиз.

Герменевтиканинг когнитив (билишга оид) ёндашуви, юқорида келтирганимиздек, илмий фаолият жараёнида вужудга келадиган тушуниш ва тушунтиришга боғлиқ масалаларни тадқиқ этади. Унинг мақсади тушунишга билиш структураси воситасида эришиш, яъни билим даражасини билишнинг ички тузилмаси воситасида ривожлантиришдир.

Муайян соҳада илмий изланиш олиб бораётган олим ижодий фаолиятида янги билим қирраларини кашф қилишда ўзининг барча интеллектуал имкониятларини кўллаш билиши керак. Бу вазият интенционал

¹ Гадамер Х. Г. Актуальность прекрасного. –М.: Искусство, 1991. –С. 8.

тушуниш, яъни масала моҳиятини англашга йўналганлик воситасида самарали амалга ошиши мумкин. Зеро, тушуниш билишдан фарқланса-да, унга жуда яқин туради. Агар билиш объектга нисбатан белгиланган муносабатни билдирса, тушуниш эса, у ҳақдаги билимни изоҳлайди. Шундай қилиб, тушуниш бу – билиш ҳақидаги билимнинг натижаси.

Тушуниш реал маънонинг равшанлашиши, очилиши билан боғлиқ. Лекин тўғри тушуниш масаласи доим ўзининг аниқ ечими, жавобини топмаган. Хусусан, илмий тушунишда бошқа ҳолатлардан фарқли равишда олимдан катта масъулият талаб қилинади. Яъни олим томонидан таклиф қилинаётган янги илмий тамойил, атамалар объектив исботланган, аниқ тизимлаштирилган бўлиши билан бирга, тушунарли ифодаланган бўлиши лозим. Илмий фаолиятда йўл қўйилган тушунарсизлик, тушунишнинг ноаниқ ифодаланиши кашфиётнинг абсурдлашишига, кадр топмай кадрсизланишига олиб келади. Чунки, ҳеч қайси давр фани тушунарли бўлмаган янгиликни қабул қилмайди. Агар тарихга эътибор берсак, кўплаб кашфиётларнинг илк ғоялари унинг тан олинисидан анча илгарироқ вужудга келганлигини кўришимиз мумкин (масалан, Абу Райхон Берунийнинг Ернинг юмалоқлиги ҳақидаги фикри замондошлари тасаввурига сиғмаган, бироқ асрлар ўтиб, Ернинг юмалоқлиги оддий ҳақиқатга айланди).

Тушуниш методи илмий манбаларга нисбатан аксарият ҳолларда фалсафий, тарихий, диний, бадий матнларга қўлланилган. Шунинг учун ҳам когнитив герменевтика тадқиқот объектига кўра, герменевтик тадқиқотлар ичида нисбатан янги ҳисобланади. Чунки когнитив герменевтика асосан илмий билишда тушунишнинг ўрни ва аҳамиятини очишга эътибор қаратади.

Тадқиқотчи ўзининг илмий мавзуси бўйича тарихий, диний, бадий, илмий манбаларни ўрганар экан, илмий тафаккур ривожининг умумий тамойиллари, тушунишнинг методлари, илмий назариялари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Герменевтик билимлар тараққиётида асосий тадқиқот объекти инсониятнинг маънавий мероси саналса, табиий равишда бу

манбалар янгича тушунишига, тадқиқ қилинишга муҳтож. Герменевтика предмети ва унинг когнитив миқёслари тарихий билимлар ҳақиқатини тушуниш билан аниқланади. Ҳар қандай тарихий манбани тадқиқ этаётганимизда, манба яратилган даврдаги билиш миқёси ва бизнинг тафаккуримиз когнитив миқёслари тўқнашади. Натижада биз тарихий ҳақиқатни “топган” бўламиз. Аслида эса, икки томон, матн ва тадқиқотчининг когнитив даража миқёслари бирлашган бўлади.

Қадимги юнонлар, хусусан Платон учун герменевтика Худолар сўзларини шарҳлаш, стоиклар учун мифларнинг илк оқилона ифодаланиши, Аристотел учун шарҳлашнинг турли услубларини ўрганувчи фан ҳисобланган. Герменевтик билимлар эволюциясига кўра герменевтиканинг предметини биринчидан, ёрдамчи тадқиқот услуги, иккинчидан тушуниш методологияси, учинчидан ҳар қандай диний, мифологик ва бадиий, санъат образларининг идрок этилиши, тўртинчидан М.Хайдеггер томонидан таклиф қилинган борлиқни ўзига хос тушуниш онтологияси, бешинчидан П.Рикер илгари сурган тўғри фалсафий мушоҳада юритишни таъминлайдиган фалсафий таълимот эканлигини ташкил қилади ва ҳоказо.

Герменевт-файласуфлар аксарият ҳолларда билишнинг нооқилона услубларини илгари сурадилар, хусусан тушунишга чоғланиш (олдиндан тушуниш), интуитив кўра олиш кабилар воситасида тушунишнинг яхлитлигини исботламоқчи бўладилар (масалан, В.Дильтей, Г.Шпет, М.Бахтин қарашларида). Лекин иккинчи томондан эса, герменевтик тадқиқотларда ўрганилаётган объектни яхлит, тўла чуқур тушунишдек ғайриоддий талаб қўйилади. Аслида мулоҳаза қилиб кўрсак, тушунишнинг оқилона жиҳатларини фарқламай туриб, матнни қандай яхлит тушуниш мумкин? Шунинг учун ҳам герменевтиканинг когнитив жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Герменевтикада шарҳлашнинг умумий тамойилларини излаш эпистемология учун катта аҳамиятга эга. Герменевтик методларнинг ҳар

тарафлама эпистемологик хусусият касб этишини кўриш мушкул эмас. Герменевтик методнинг эпистемологик хусусияти тушуниш онтологиясидан мазмун борлиғи, ички хусусияти (потенциал мазмун)ни тушунишга универсал ёндашувида намоён бўлади. Герменевтик методнинг универсал хусусияти мантиқий матнларни нисбатан тўлиқ ва адекват тушуниш имкониятини яратиши билан ҳам намоён бўлади¹.

Ҳозирги замон мантиғида матнни мантиқий изоҳлашдаги кўпхиллилик, яъни талқин назарияларининг кўпайиб кетиши “тўғри тушуниш” имкониятини камайтирмоқда. Айнан мана шу чалкашликларнинг олдини олишда ҳам Г.Фреге фикрича, герменевтик ёндашув муҳим аҳамиятга эга².

Одатда мантиқ – тўғри мулоҳаза юритиш илми ҳисобланади, мантиқ илмида эса, ҳақиқатдан узоқлашув кутилмаган ва ғайриоддий ҳолат. Агар герменевтик ёндашувни муаммонинг олдини олувчи восита деб ҳисобласак, герменевтиканинг ҳақиқатни очишдаги аниқлиги мантиқ илмидан ҳам кучли, деган асосли хулосага келишимиз мумкин. Бунинг учун, аввало қуйидаги саволларга жавоб бериш лозим, аввало, мантиқий ва герменевтик таҳлилнинг ўзаро мувофиқлиги қандай, бошқа сўз билан айтганда, мантиқ бизнинг тушунишимизни “яхшироқ” қила оладими ёки, аксинча, тушуниш қобилияти мантиқ туфайли мукамалликка эриша оладими? Иккинчидан, герменевтика мантиқий матнларни тушунишда қандай аҳамият касб эта олади?

Мантиқий ва герменевтик таҳлил бир-бирига узвий боғлиқ, чунки герменевтик методология мантиқийликни талаб қилади. Агар мантиқ – фикрларнинг аниқлиги, тўғрилиги, узвийлиги каби жиҳатларини таъминласа, герменевтик фикрлар жараёнидаги оқилоналикни тадқиқ этади. Бу ерда мантиқ ва герменевтика бир-бирига асос ва восита сифатида узвий боғланган, чунки мантиқий асос герменевтик методология, ёндашув орқали мазмун касб этади. Тушуниш қобилияти мантиқ туфайли нафақат мукамалликка, балки

¹ Шульга Е.Н. Когнитивная герменевтика. –М.: ИФРАН, 2002. –С. 69

² Фреге Г. Избранные работы. -М.: Гардарики, 1997. –С. 113-116

фундаментал асосга эга бўлади. Бинобарин, тушуниш табиий равишда мантиқий тафаккур даражаси билан боғлиқ амалга ошади. Мантиқий тафаккур фикрларнинг теранлигини таъминлайди, зеро, ҳақиқатни ҳам фикрларимиз орқали тушуна борамиз. Ҳатто, олам, ундаги ҳодиса ва жараёнларга бўлган муносабатимиз ҳам мантиқий фикрлашимиз воситасида шаклланади. Нарсалар, тасаввурларнинг ҳақиқийлиги ҳақида мулоҳаза юритганимизда, биз уларнинг айнан ўзига эмас, балки улар ҳақидаги фикрларимизга асосланамиз.

Умуман олганда, герменевтиканинг билишга оид жиҳатлари мантиқий мушоҳада, тафаккур орқали намоён бўлади. Бадиий ижод, санъат асарларидан фарқли равишда, инсоният маънавий мероси барча намуналарининг когнитив қирраларини аниқлаш мумкинлиги герменевтиканинг эпистемологик аҳамиятини кучайтиради.

Хуллас, юқоридаги фикрларимизга асосланиб, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: биринчидан, фалсафий герменевтиканинг тушунча ва категориялар тизими антик даврдан ҳозирги кунгача бўлган ижтимоий-тарихий жараёнлар кетма-кетлигига узвий боғлиқ ҳолда шаклланди ва ривожланди; иккинчидан, олиб борган изланиш ва хулосаларимизга кўра, айрим муаллифлар томонидан ислом тафсирунослигининг “Шарқ герменевтика”си деб аталишини нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, барча динларда илоҳий манбаларни талқин қилиш билан боғлиқ алоҳида илмий мактаблар мавжуд ва уларнинг фақат айрим услублари герменевтика билан ўхшаш. Масалан бу каби мактаблар христиан динида экзегетика, ислом динида тафсирунослик ва ҳоказо деб аталади; учинчидан, инсон меҳнати маҳсули бўлган ҳар қандай моддий-маданий ёдгорлик герменевтикада матн сифатида тадқиқ этилади ва матн мазмунининг тушунилиши герменевтиканинг асосий мақсадини ташкил қилади; тўртинчидан, XX аср охирларида герменевтиканинг когнитив миқёсларининг тадқиқ этилиши унинг эпистемологик аҳамиятини кучайтирди.

Фалсафий герменевтиканинг тадқиқот доираси ва тушунишнинг когнитив хусусиятларини аниқлашдаги фикрларимизни қуйидагича хулосалаймиз,

Биринчидан, инсоннинг билишдан кейинги фаолияти, ижодкорлиги тўла маънода герменевтик хусусиятга эга. Чунки, табиат ўз-ўзича талқин, яъни тушунтириш талаб қилмайди. Талқин ва тушунтиришга инсон яратган - иккинчи олам муҳтож. Демак, герменевтиканинг асосий тадқиқот объекти – инсон ижоди, меҳнати маҳсулидир.

Иккинчидан, инсоннинг ҳурмат-эътиборга, буюкликка лойиқлиги, одатда, у яратиб қолдирган маънавий мерос, ижод маҳсули билан белгиланади. Герменевтик методологиянинг назарий асосларини таҳлил қилиш, бугунги кунда талқин ва тушунтиришга муҳтож бўлган маънавий меросимизни тушунишга замин бўлиб хизмат қилади. Зеро, милоддан аввалги VII-VI асрларга бориб тақаладиган фалсафий билимларнинг герменевтик талқини ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқотлар учун муҳим методологик асосдир.

Учинчидан, герменевтиканинг тушунувчи ва тушунтирувчи имконияти нафақат тарихни ўрганиш, балки ҳозирги замон воқеа-ҳодисаларини англашдаги ўрни ҳам беқиёс. Тез суръатда янгиланиб бораётган фан-техника имкониятлари, тобора глобал, интеграл тус олаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнларни идрок қилиш, уларни тушуниб, мулоҳаза юрита олиш, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, “... фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат ...”¹ билан жавоб бера олишда ҳам герменевтиканинг назарий асослари ҳамда асосий тушунчаларини тадқиқ этиб, амалда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, илмий билишда тушуниш ва тушунтиришнинг герменевтик функциясини – когнитив герменевтика бажаради. Когнитив герменевтика, диний, бадий ва ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ этишдан

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 119.

фарқли, матнга эмас, балки тадқиқотчига катта эътибор қаратади. Яъни когнитив герменевтикада тадқиқотчидан ўз устида ишлаши, тафаккуридаги барча билимларини тушуниш ва тушунтириш жараёнида оқилона қўллай билиш кўникмасини шакллантириш талаб этилади.

Бешинчидан, герменевтик тадқиқотларда ҳар қандай тадқиқот объекти – матн саналади. Бу шундай матнки, унда муаллиф ҳаёти, борлигининг муайян қисми акс этган, ёки ҳеч бўлмаганда, орзу-истаклари ифодаланган. Бир сўз билан айтганда, герменевтик методология мазмунли объектни тадқиқ этгани учун ҳам “фалсафийлик” мақомини олди. Зеро, донишмандлик фақат – маъно ва мазмунни идрок этишдан бошланади.

3. БОБ. ГЕРМЕНЕВТИК МЕТОДОЛОГИЯ ВОСИТАСИДА ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАР ТАЛҚИНИ

Биз яшаётган муҳит доимий ўзгаришлар, янгиликлар тўлқинидан холи бўла олмайди. Чунки, жамият, қолаверса, тафаккур очик тизим ҳисобланади. Герменевтик тушуниш эса, рўй бераётган ҳодисалар мазмунини тўғри талқин этиш имконини беради. Бу, айниқса, ижтимоий ҳодисалар, хусусан бадиий ижод соҳасида ўзига хос ўрин тутади. Шу жиҳатдан, ушбу бобда ижтимоий муносабатларни тушунишда бадиий ижод манбаларини таҳлил этиш ҳамда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда герменевтик методологиянинг аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Дастлаб, бадиий ижод герменевтикаси хусусида фикрлар билдирилиб, сўнгра, ушбу тамойилларга мувофиқ келувчи мисоллар келтирилади. Хусусан, бадиий ижод асарларидаги кўпмаънолилик, ифодавий тугалланмаганлик, маънолар кўчиши каби ҳодисалар мазкур бобда батафсил таҳлил қилинган.

Бобнинг иккинчи параграфида тадқиқот ишининг ўзига хос янгилиги – миллий ғоянинг герменевтик талқини ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда герменевтик методологиянинг аҳамияти таҳлил қилинган. Зеро, ўтмиш меросимизни тиклаш ва уни миллат фахр-ғурурига айлантириш, фуқароларда фидойилик ва ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга ҳисса кўшиш тадқиқот ишининг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Шу маънода, сўнгги параграфда ушбу мақсадни амалга ошириш ҳақида мулоҳазаларимизни баён этамиз.

3.1. Ижтимоий воқеликнинг герменевтик таҳлили (бадий ижод герменевтикаси мисолида)

Ижтимоий жараёнларни тушуниш ва тушунтириш масаласи бир қатор олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Жумладан, Ф.Шлейермахер, В.Дильтей, М.Бахтин, Г.Ф.Вригт, Ю.Борев, Г.Гемпел, Г.Гадамер кабиларнинг ижтимоий борлиқ ҳамда санъат талқинига бағишланган ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин¹. Воқеаларни таҳлил қилишда Гемпел модели аксарият олимлар томонидан ижобий қабул қилинган*.

Замонавий ахборот атамалар назариясидан фойдаланган ҳолда айтиш мумкинки, муаллиф ўз сўзини (баён қилаётган фикри) кодлаштирган ҳолда етказишга интилади, тингловчи кодларни олиб ташлаб асл мазмунни тушунишга ҳаракат қилади. Шлейермахер фикрича, герменевтик тушуниш жараёнлари бир-бирига тўлдирувчи грамматик ва психологик усуллар орқали амалга оширади². Тушуниш доим муайян ҳаёт тарзи, анъаналар қуршовида рўй беради. Масалан, тўкинлик, роҳат-фароғатда улғайган бола ҳеч қачон очликнинг азобини тушунмайди, ёки отасиз ўсган бола ҳеч қачон отаси бор боланинг кечинмаларини туя олмайди. Шунинг учун ҳам тушунишда, хусусан инсонни тушунишда, аввало унинг ҳаёт йўлини, яшаш тарзини эътиборга олиш ўринли.

¹ Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. -190 с.; Дильтей В. Введение в науку о духе / Собр. соч.: В 6 т. т.1.-М.: 2000. -526 с.; Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -364 с.; Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования.-М.: Наука, 1986. - 560 с.; Борев Ю.Б. Искусство интерпретации и оценки: Опыт прочтения «Медного всадника». –М.: Советский писатель, 1981. -399 с.; Борев Ю.Б. Эстетика. Учебник. -М.: Высшая школа, 2002. -511с.; Гемпел К.Г. Мотивы и охватывающие законы в историческом объяснении. –М.: АГРАФ, (1942),1998. -686 с.; Гемпел К.Г. Аспекты научного объяснения и другие эссе о философии науки. –М.: Наука, 1965. -576 с.; Гемпел К.Г. Логика научного исследования. -М.: Мысль, 1972. -582 с.; Гемпел К.Г. Логика объяснения. -М.: АГРАФ, 1998.-468 с.; Гадамер Г.-Г. Истина и метод / Пер. с нем.; общ. ред. и вступ. ст. Б. Н. Бессонова. — М.: Прогресс, 1988. -704 с., Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. –М.: Искусство, 1991. –384 с.

* Бу ҳақда диссертациянинг 62-бетида батафсил келтирилган

² Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. –С. 56

Герменевтиканинг йирик вакили В.Дильтей ҳам, тушунишнинг, аввало, руҳий ҳолат, кечинмалар билан боғлиқлигини эътироф этади¹. Демак, ижтимоий воқеалар, ҳаётий жараёнларни ҳақиқий тушуниш ҳис қилиш орқали амалга ошади. Фикримизнинг исботи учун бир мисол келтирамиз. Жуда ҳам тажрибали, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган, салкам ярим аср тиббиёт соҳасида фаолият юритган бир онколог-шифокор 65 ёшларида саратон касаллигига чалинади. Шогирдлари уни даволашга киришишади, текширувлар натижасида кекса шифокорнинг олти ой, узоғи билан бир йил умри қолганлиги аниқ бўлади. Шу пайтга қадар кекса шифокор беморларга текширув натижаларини аниқ ва тўлиқ айтиб, иложи борича касаллик, беморнинг умумий аҳволи ҳақида батафсил маълумот бериб ишлаган, меҳнат фаолияти давомида бир неча марта ўлими яқинлашаётган беморларга ўлимнинг муқаррарлиги, ҳатто муддатларигача айтиб келган эди. Шогирдлар ҳам кекса шифокорга унинг ўз услубини қўллашади, яъни ўлим муддатининг яқинлиги, касалликнинг жиддийлигини батафсил айтишади. Шунда кекса шифокор ўлимнинг муқаррарлигини ҳис қилиш қанчалик даҳшатли эканлигини тушуниб этади. Тадқиқотларда аниқланишича оғир касалликларга чалинган беморларнинг 96 фоизи қачон ўлишини билмасликни маъқул кўришар экан, атиги 4 фоиз беморларгина ўлим муддатини билишга қизиқишар экан. Кекса шифокор ўзини шу пайтга қадар ана шу 4 фоиз кишилар қаторига қўшар эди. Ваҳоланки, ўз ўлими ҳақида эшитиб, аслида бундай эмаслигини тушунади. Ҳаётнинг улуғ неъмат эканлигини, соғлиқ ва умрнинг омонатлигини, айниқса, доим умид билан яшашнинг қанчалик муҳимлигини у бетоб ҳолида, ўлимнинг муқаррарлигини билибгина тушуниб этади. У машъум ҳақиқатни ҳис қилади, агар у бундай касалга чалинмаганида, эҳтимол бутун умр ўлимни кутиб яшашнинг қанчалик кўрқинчли эканлигини тушуна олмаган бўлар эди.

¹ Қаранг: Дильтей В. Введение в науку о духе / Собр. соч.: В 6 т. т.1.-М.: 2000. -526 с

Чиндан ҳам, ўтган ва ўтаётган ҳаётимизга теранроқ назар солсак, муайян ҳолат ва масалаларга нисбатан қатъий фикр-мулоҳазаларимиз умр давомида кузатган, ўзимиздан ҳис қилган аниқ вазиятлар асосида шаклланган. Демак, тушунишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, вазиятни ўзимиздан ўтказиш, ҳиссиёт ва изтироблар орқали баҳолай олишимиздадир.

Шунинг учун ҳам, ҳаётий хулосаларни чиқаришда, вазиятларни баҳолашда, ўзимизни воқеаларнинг кузатувчиси эмас, балки иштирокчиси сифатида кўришимиз муҳим. Зеро, шунда тўла бўлмаса-да, нисбатан кўпроқ оқилона қарор қабул қилган бўламиз.

Ҳаётда кўпинча биринчи фарзандига кўзи ёриган аёл, тўлғоқ азобини бошидан ўтказгандан кейингина, “Она”нинг қадрини тушунади. Тушунишнинг кечинмалар билан ўтиши Имом Ғаззолийнинг илмнинг ўзлаштирилиши даражалари хусусидаги фикрларига ўхшайди. Унга кўра, илмни ўзлаштириш даражалари – эшитилган, кўрилган ва айнан ўзидан ўтказилган илмларга фарқланади. Энг ҳақиқий илм – айнул яқин, яъни фақат айнан ўзидан ўтказилган илмдир¹. Тушуниш даражаларини ҳам шартли равишда, юқоридаги уч ҳолатга нисбатан қўллаш мумкин. Зеро, эшитилган ва кўрилган билимдан айнан ўзидан ўтказган билимнинг кучлилиги каби, тушунишнинг кечинмали ўтиши ҳам эшитилган ва кўрилгандан кучлидир.

Умуман олганда, тушунишга интилишнинг ҳар қандай ҳолати эътиборга лойиқ. Чунки, дунёда фақат инсонгина тушунувчи мавжудот, у доим рўй бераётган ҳодисалар моҳият-мазмунини англашга, ҳақиқатга етишга интилади. Ҳақиқатнинг ҳақиқатлик даражасини ошириш учун ҳам, моҳиятни тушунишга герменевтик ёндашиш лозим.

XX асрда асосан Германияда кенг ёйилган герменевтик тадқиқотлар бугунги кунга келиб, жаҳон фалсафасининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Жамиятнинг барча соҳаларидаги каби санъатшунослик соҳасида

¹ Қаранг: Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш). Биринчи китоб. - Тошкент: Маварауннаҳр, 2004. -236 б.

хам герменевтик ёндашув вакиллари кўпайиб борди. Хусусан, санъат социологияси деб аталувчи мазкур йўналишда бадий ижод моделларини қайта ишлаш, унинг тадқиқот қоидаларида “ички маъно”нинг ифодаланиши, санъат асари мазмуни талқини каби масалалар ўрганилмоқда. Бу тадқиқот йўналишида санъат, адабиёт, психология, социология, фалсафа соҳаларининг интеграллашган ҳодисалари таҳлил қилинади. Санъат социологияси жамиятнинг санъатни қабул қилиш ҳолати, даражаси, яна ҳам аниқроқ айтганда, “диди”ни ўрганиш билан, инсонларнинг эстетик дунёқарашини аниқлашга имкон яратади. Эстетика ва герменевтиканинг боғлиқлиги айнан шу соҳада кўзга ташланади. Яъни ҳар қандай гўзаллик, уни ҳис қилиш ва тушуниш қобилияти орқали идрок этилади. Тушуниш қобилияти ва эстетик дид бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Инсон интеллектини ошгани сари, дид ҳам ўз-ўзидан юксалиб, нафислашиб боради. Умуман олганда, эстетика ва герменевтиканинг боғлиқлиги ижтимоий жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўзгаришлар диалектикаси ва динамикасини санъат социологияси белгилаб беради.

Ўтган асрда бадий асарни ҳис қилишда (қабул қилишда) тил структурасининг ўрганилишига, ҳодисани англашга эътибор берилди, натижада олдин фақат психологик-эмоционал ҳолат деб қабул қилинган санъатни тушуниш фалсафий аҳамият касб эта бошлади. Бундай ёндашув маънавий анъананинг фазо-вақтли масштабидан четга чиқиб, асарнинг ички маъносига, уни универсал тушуниш ва талқин қилишга урғу беради.

Санъатнинг герменевтик таҳлили бадий ижод асарларидаги феноменологик ғояларни тил структураси, шакллари, маъноларнинг асосида талқин қилиш, ўзига хос тушунилишини таъминлайди. Бу инсон мавжудлигини “ўйинли” тушунтиришга асосланган эстетик тадқиқотларда амалга оширилади.

М.Бахтин, Г.Гадамер, К.Аппель, В.Изер¹ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам санъат ва аудитория, санъат асари ва унинг инсонлар томонидан қабул қилинишига катта эътибор берилган.

Ўтган асрнинг машҳур файласуфларидан бири А.Камю оламни эстетик билишда тушунишга урғу бериб шундай дейди: “Агар инсон тўла маънода гўзалликнинг маъносини тушуниб етса, шу гўзаллик дунёни кутқаради”². Ҳақиқатдан ҳам, моҳият ва мазмун англангандан кейингина, аниқроғи тушунилгандан сўнггина объектга нисбатан қадр-қиммат, қизиқиш кўникмалари шаклланади.

Бадий жараён инсондаги ҳиссиёт ва мушоҳадани бирлаштирувчи, бир маънони субъектив кечинма ва тушуниш орқали яхлит намоён қилувчи экзистенциал-феноменологик ҳолатдир. Бу жараён худди бадий англашнинг алоҳида, имтиёзли шакли сифатида намоён бўладиган яхлит интеллектуал-эмоционал вазиятидир. Бунда тадқиқот предмети бадий асарни қабул қилишни (ҳис қилишни) амалга оширадиган билиш объекти, ҳодисаси ҳисобланади. Ҳар қандай тарихий, бадий асарни тушунишда, аввало унинг яратилиш тарихи, муаллиф шахсининг хусусияти, ундан кейингина давр ижтимоий-тарихий манзараси ўрганилади. Масалан, санъат асарининг яратилишини яхлит функциялаштирсак, қуйидаги учта типологик ҳолатни санаб ўтиш мумкин:

- рассомнинг ижодий йўли;
- санъатнинг хусусий маҳсули;
- унинг муҳлис томонидан қабул қилиниши.

¹ Қаранг: Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -364 с. ; Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. -М.: Искусство, 1991. -384 с.; Аппель К. “Кобра” в Москве. - М.: Художник, 1997. -284 с. ; Изер В. Акт чтения. -М.: Наука, 1976. -698 с.; Изер В. Условное и воображаемое. -М.: АСТ, 1991.-432 с.; Изер В. Рецептивная эстетика. Герменевтика и переводимость // Академические тетради. Выпуск 6. -М.: Независимая академия эстетики и свободных искусств, 1999.; Изер В. Изменение функций литературы. Процесс чтения: феноменологический подход // Современная литературная теория. Антология. -М.: Флинта; Наука, 2004, с.3-45, 201—225.

² Камю А. Бунтующий человек. -М.: Политздат, 1990. -С. 21

Мазкур ҳолатга нисбатан айтиш мумкинки, ҳар қандай ижодкор асарни ўзининг ижодий услубига таянган ҳолда яратади, яъни тасаввур ва тушунчаларини ички борлигининг миқёслари даражасида тасвирлайди. Тугалланган санъат асари яхлит, хусусий мазмунга эга бўлади. Бу иккинчи босқич бўлиб, учинчи босқичда асар мазмуни якка мухлисга кўчади ва асарнинг яратилиш мақсади – маънавий фориғланиш (Аристотелда “катарсис”) рўй беради. Демак, санъат асари мухлисга маънавий енгиллик бера олгандагина, ижод йўли мақсадини оқлайди.

Санъатнинг идрок этилишида бадиий коммуникация ҳам муҳим ўрин тутди. Бадиий коммуникацияда “рассом-асар-мухлис” қуйидаги шаклда намоён бўлади:

А) рассом ўзининг бадиий ғоялари билан воқеликни идрок этади, унинг намоён бўлиши ва жараёнларига ижодий ёндашади ҳамда уни асарида акс эттиради;

В) бадиий асар ўзида белгилар тизими ёрдамида бадиий ахборотни акс эттирган воқеликни намоён этади;

С) аудитория ва асарнинг қабул қилиниши бадиий коммуникацияга хулоса ясайди.

Бу жараёнда код – белгиларнинг ифодаланиши муҳим ўрин тутди. Жумладан, рассомнинг белгилар воситасида акс этирилган маънавий дунёси билан мухлис маънавий дунёсидаги мазмунли белгилар яқинлиги бадиий коммуникациянинг узвийлигини таъминлайди. Масалан, машҳур рассом Пабло Пикассонинг асарларини барча томошабинлар учун бир хил тушунарли дейиш қийин. Чунки, Пикассо дунёқараши ва уни ифодаловчи тилнинг ўзига хослиги бадиий асар мазмунини тушунишда мураккаблик туғдиради. Шунинг учун ижодкор ички оламининг “код”ларини очиш бадиий ижод герменевтикасининг асосий вазифаси саналади.

Таъкидлаш жоизки, санъат асари, хусусан тасвирий санъат, мухлисида икки ҳолатда кучли таъсир уйғотади: биринчидан, асарда мухлиснинг

ўтмиши, ҳаётӣ тажрибаси билан боғлиқ нозик хотира, ҳисларни ёдга олувчи белгилар бўлса; иккинчидан, асарда мухлиснинг орзу-идеали билан боғлиқ тасаввурлар ифодаланган бўлса. Аслини олганда, бадиий ижод асарини эстетик идрок этиш мураккаб ҳодиса. Чунки бунда объектнинг асл ҳолати яқка рассом ижоди орқали тасвирланади, субъектнинг ҳаёлий тасаввурлари тасвирга кўчади. Матн герменевтикасида бўлгани каби, бадиий ижод герменевтикаси ҳам романтизм, реализм, сюрреализм, модернизм каби босқичларни босиб ўтган. Агар мумтоз санъатда романтизм, яъни ҳаёлий образларни яратиш устун бўлган бўлса, ҳозирги кунда модерн санъатда реал воқеликни ифодалаш кенг тус олган. Масалан, Леонардо да Винчининг Мона Лиза асарини олайлик, тарихий далилларга кўра, рассом бу асарда ўзининг идеалини тасвирлаган, уни ҳар қандай нуқсонлардан холи яратган. Бундай вазиятни адабиётшуносликда яна ҳам аниқроқ тушунтиришимиз мумкин: Абдулла Қодирийнинг Кумуш образи идеал образ сифатида яратилган бўлса, Тохир Маликнинг Асадбек образи реал тасвирланган. Эътиборлиси шундаки, ўқувчи Асадбек образини Кумуш образидан кам яхши кўрмайди. Биз бунинг сабабини инсонларнинг тафаккури, дунёқарашидаги ўзгаришларда деб биламиз, яъни ҳозирги замон ўқувчиси ёки санъат мухлиси воқеликни борлигича идрок этишга, қабул қилишга мойил, уни энди мумтоз даврдаги каби идеал образлар билан “алдаб” бўлмайди.

Энди бадиий ижод асарининг сахнадаги ижросига тўхталамиз. Саҳна асари мазмунининг ўзлаштирилиши бадиий адабиёт ва рассомчиликка нисбатан мураккаброқ ҳодиса. Чунки, бадиий ижод ва расм талқинида мазмун бир субъект ва объект ўртасида амалга ошади. Пьеса ижроси эса, мазмуннинг бир неча босқичли кўчишида амалга ошади. Яъни, биз мазмуннинг кўчишини қуйидагича келтирамыз: аввало, ёзувчи асарга мазмун бағишлайди, иккинчи босқичда пьесага сценарист мазмун беради, учинчи босқичда сахналаштирувчи режиссер сценарийни ўрганиб, ўз тушуниш доирасига кўра, ролларни актёрларга тақсимлайди, тўртинчи босқичда актёр

Ўзига берилган қаҳрамон ролини ўзи тушунганича (ҳис қилганича) ижро этади, сўнгги, бешинчи босқичда, актёр ижро этган ролни томошабин ўз тушуниши доирасида қабул қилади. Демак, асарнинг яратилиши ва томошабинга етиб бориши камида беш маротаба мазмун уфқларининг алмашилиши билан амалга ошади. Бу жараённинг ўзига хослиги шундаки, айрим ҳолатларда асарнинг томошабинга етиб бориши унинг биринчи ҳолатидан ҳам кўра чуқурроқ маънога эга бўлиши, кечинмаларга бой бўлиши мумкин, ёки аксинча, чуқур ва кучли ёзилган асар енгилроқ маънога эга бўлган спектакл шаклида намоёниш этилиши мумкин. Умуман олганда, сахна асарини ҳиссий ва интеллектуал қабул қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- томошабин шахси ва асар ўртасида ўзаро ҳамфикрлиликнинг туғилиши;
- бадиий ижод асари маъносининг ўрганилиши ва белгилар тизимининг “ўқиб” чиқилиши;
- маънонинг талқин қилиниши;
- асарнинг баҳоланиши.

Аудиторияда бадиий асарнинг ҳис қилиниши санъатни тушунишнинг бир кўриниши сифатидаги ижтимоий-ижодий жараёндир. Воқеаларнинг айнан бадиий кечинма орқали эмпирик тасвирланиши ижтимоий табиат ва санъатнинг ўзаро функцияларига қанчалик аҳамиятли эканлигини билдиради. Билишга қаратилган оддий психологик реакция ўз ичига мураккаб, кўпўлчамли тузилишдаги ўзаро муносабатларни олади. Шунинг учун бадиий ижод асарини тушунишни фақат маданий далил деб олиш тўғри бўлмайди, у (тушуниш) ўқувчи ва бадиий асар ўртасидаги кўп қиррали ҳиссий-интеллектуал муносабатлар орқали амалга ошади.

Бадиий жараёнларга мурожаат қилинганда асар ва аудитория ўртасида муайян адекватлик юзага келади. Асарни яхши тушуниш учун аудитория (ёки яқка кузатувчининг) ўз ички дунёсидаги барча имкониятларини ишга

солиши керак. Лекин доим, ҳаммада ҳам бундай муносабат юзага келмайди. Шунинг учун санъатни тушуниш индивидуал ҳодисадир.

Бадий асар муаллифи худди спектаклдаги актёр сингари асарнинг энг холис баҳоловчиси, ёки ўз асарининг энг моҳир талқин қилувчиси бўла олмайди. Воқеаларни четдан туриб кузатувчи томошабинда эса, қаҳрамонлар ҳаракатини таҳлил қилиш, улар ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш имконияти мавжуд. Бу жараёнларнинг барчасига, яъни бадий ижод асарини тушунишга ўткир зеҳнли томошабин керак, фақат шундагина асар холис ва мукамал қабул қилинади. Демак, бадий ижод асарининг баҳоланиши чуқур мазмунли *асар* (матн), юксак маҳоратли *ижрочи* (ҳаракатдаги актёр) ва ўткир зеҳнли *томошабинга* бирдек боғлиқ.

Бадий асарнинг энг асосий хусусияти унинг образлилигидир. Бадий ижод ижтимоий онгнинг шундай турики, у бадий образ асосига қурилади. Бадий образ эса, ўз характериға кўра, замирида чексиз маъноларни сақлаши мумкин. Образнинг асосий хусусияти унинг “ифодавий тугалланмаганлиги” ва у билан боғлиқ кўпмаънолилигидадир.

Ифодавий тугалланмаганлик образ замиридаги маъноларнинг бирдан ортиқлиги, бу маънони буткул айтиб тугатилмаганлигида намоён бўлади. Бадий ижод намуналари ичида бир неча асрлар давомида кишилар ҳайратига сабаб бўлаётган буюк асарларни санаб ўтсак, уларнинг асл қиммати айнан – ифодавий тугалланмаганлигида эканлиги аён бўлади. Масалан, Леонардо да Винчининг афсонавий Мона Лиза асари фикримизнинг ёрқин намунасидир, (1-Илова, 3.1.1-расм).

Ушбу асарға киши кўтаринки кайфиятда қараса, жилмайиб турган аёлни, тушкун кайфиятда қараса ғамга ботган аёлни кўради. Инсоният тарихида яратилган бадий ижод намуналарининг айнан кўпмаънолилиги, уларға “мумтозлик” мақомини беради.

Бадий асарларни тушунишда Геннекен қонуни ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бу қонунға мувофиқ, бадий асар эстетик, психологик ва ижтимоий

нуқтаи назардан таҳлил қилиниши керак¹. Бадиий тадқиқотчи аввало, бадиий асар туғдирадиган ҳиссиётлар хусусиятини тадқиқ этиши лозим. Кейингина ёзувчининг (яъни муаллифнинг) руҳий хусусияти, охирида эса, асарни идрок этиш орқали онда содир бўладиган ҳолатлар асосида рассом ва томошабинлар ўртасидаги боғлиқни ўрганиши лозим. Э.Геннекеннинг мазкур ёндашуви, тарихий матнларни ўрганишнинг Сент-Бёв методидан тубдан фарқ қилади. Агар тарихни ўрганишда муаллиф босиб ўтган йўл ва мотивларга аҳамият қаратилса, бадиий ижод асар мазмунини тушунишда, аввало, асарнинг ўзидан олиш мумкин бўлган маъно муҳим саналади.

Шу билан бирга, бадиий адабиёт намуналарини турли даврларда мутоалаа қилганда ҳам мазмуннинг ўзгариши ҳодисаси рўй беради. Масалан, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган Пауло Коэльонинг “Алкимёгар” асарини ҳар сафар ўқиганимизга ундан янги-янги маънолар топамиз. Бу янги маъноларнинг кашф этилиши ўқувчи руҳий-эмоционал ҳолатига, яшаётган ижтимоий-тарихий муҳитига, унинг маънавий камолотига боғлиқ тарзда ўзгариб, бойиб боради. Шу жиҳатдан ҳам, бадиий ижод асарини герменевтик тадқиқ этиш илмий матннинг таҳлилидан бой ва серқиррадир. Инсон ҳаёт тажрибасининг ўсиши, анъаналарнинг ўзгариши ҳам унинг тушуниш, идрок қилиш қобилиятини ривожлантириб, ўзгартириб боради. Масалан, мактаб ёшида Навоий ғазалларини ёддан айтган бўлсак, 10-15 йил ўтгандан сўнг, биз ғазал мисраларини ёдлашга эмас, балки сўзлар мазмунини тушунишга кўпроқ ҳаракат қиламиз. Демак, вақт ўтиши билан инсоннинг объектга нисбатан мотив-мақсадлари ҳам ўзгариб боради.

Одатда, бадиий матнни тушунишда матн заминидаги маъно ва унинг муаллифи айтмоқчи бўлган фикр, ғояни уқиб олишга интиламиз. Бироқ муаллиф қанча ҳаракат қилса ҳам, матнда ўз қарашларини тўлиқ ифодамай олмайдди. Айни пайтда, ижодкор айтмоқчи бўлган ғоядан кўра кўпроқ нарса, унинг ўзи англамаган ҳолда матнда акс этган бўлиши ҳам мумкин. Бадиий

¹ Геннекен Э. Опыт построения научной критики. –СПб.: Европейский Дом, 2001. –С. 24-32.

матн билан мулоқотга киришган индивид ўз онгида мавжуд ахборот билан матндаги мазмунни ифодаловчи бирликларни солиштириб бориб, матнни талқин этади. Англашдан фарқли ўлароқ, бадиий матнни тушуниш – ўқувчининг маданий фаолияти, тажрибаси, дунёга муносабати билан боғланади.

Ижодкор - бадиий матннинг яратувчиси асарга (матнга) ўз фикрларини муайян ният (мотив) асосида, ўзига хос оҳанг воситасида сингдиради. Лекин бу оҳанг, шаклни ўқувчи ўз дунёқараши доирасида қабул қилади. Ўқувчининг савиясига қараб асардан аниқланадиган маънолар ўзгариб туради. У ўзининг ҳаётий ва бадиий тажрибаси билан худди шу жиҳатларни асарига сингдирган муаллифнинг асари маъносини бойитади. Ижтимоий ҳаётнинг тез ўзгариши оқибатида асарни тушунишда ҳам ўзгаришлар бўлиши мумкин. Фақат шу ҳолатлардагина бадиий асар уни яратган муаллифдан юқори туради. Образлилик ва кўпмаънолилик инсон тафаккурини мулоҳаза юритишга, таҳлилий тафаккур қилишга мажбур этади. Шунга кўра, бадиий ижод асарларини герменевтик таҳлил қилиш дунёқарашни кенгайтирувчи асосий омиллардан биридир. Зеро, санъатшунос Ю.Манн таъкидлаганидек: “Буюк асарлар ҳаётийлигининг сири доимо уларнинг кўп қатламлигига асосланади”¹.

Бадиий талқинда бадиий асар образлари, сюжети бошқа санъат туридаги образга ўгирилади (масалан, рақсдаги ҳаракатлар рассомликда ранг-тасвир тилига). Лекин бу жараёнларда дастлабки – мантикий, илмий йўл билан асарни талқин қилиш етакчи ўринда туришини доим эътиборда тутиш лозим.

Зеро, талқиннинг дастлабки турида асарнинг илмийлиги билан бирга, оддий китобхоннинг асар мазмунини тушуниши тўғрисидаги қарашларининг аҳамияти ҳам катта. Шу жиҳатдан, фалсафий герменевтика объекти филологик герменевтика (тилшунослик) объектидан кенгроқ бўлиб, асарнинг

¹ Манн Ю. Диалектика художественного образа. –М.: Наука, 1987. – С.106

ҳар турдаги талқинлари мавжуд бўлишини эътироф этади. Биз эса, мана шу жиҳат – асар мазмунини тушуниш ва тушунтиришда дастлабки ҳолатлар (мантиқийлик ва илмийлик) билан бирга, ўқувчининг субъектив-индивидуал ҳолатларини ҳам таҳлил этишга эътибор қаратамиз.

Асар мантиқийлик асосида талқин этилар экан, унда илгари сурилган фикрнинг ғоявий йўналиши хусусиятларига эътибор қаратилади ва ҳар қандай ижод асари мавжуд ижтимоий муҳит кайфиятига мослаштирилади (масалан, ўтган асрдаги сиёсий тузум даврида айрим ижод асарларининг нотўғри талқин қилиниши). Бундай ҳолатларда асарнинг асл мазмуни моноинтерпретация (масалан, якка сиёсат) таъсирига тушиб қолади. Ягона, айниқса, сиёсат таъсиридаги талқин илм ва бадиий ижоддаги ҳар қандай янги фикрни бир қолип ичида таҳлил қилишга олиб келади ва янгича тафаккур учун катта тўсиққа айланади. Шунинг учун Президентимиз И.Каримов: “... биз босиб ўтилган йўлни, ҳамма нарса ягона мафкура тазъйиқида қотиб қолган догмалар, штамплар ва қолипларга бўйсундирилган собиқ маъмурий буйруқбозлик тузумини тугатиш юзасидан қилинган ва қилинадиган ишларни танқидий кўз билан кўриб чиқишимиз лозим”¹, дея бежиз таъкидламаганлар. Чиндан ҳам, ўтган асрда маънавият ва маърифат соҳасида яратилган қанчадан-қанча меросимиз нотўғри талқин этилиб келинган. Бу хусусан, бадиий ижод аҳли ўртасида кўп кўзга ташланганлиги бизга сир эмас.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, аввало, ижтимоий ҳаётда инсоннинг тушунилиши унинг ҳаёт мазмунини белгилайди, яъни биз фақат бизни тушунган муҳитдагина яшай оламиз, фаолият юрита оламиз. Иккинчидан, бадиий ижод асарларини герменевтик таҳлил қилиш бугунги кунда миллатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган омиллардан бири сифатида аввало, ижодкорнинг соф мақсадини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.65

баён этиш имкониятини яратади. Учинчидан, бузиб кўрсатилган тарихий меросимизни қайта тиклаб, аждодларимиз фикрларини холис, объектив ўрганиш имконини яратади.

3.2. Ўзбекистонда миллий ғояни мустаҳкамлашда герменевтик ёндашувнинг аҳамияти

Юртимизда кечаётган маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар жамиятнинг ҳар бир аъзосини ижодий тафаккурга эга бўлиши, муаммоли вазиятлардан интеллектуал салоҳияти ва юксак мулоҳаза қобилияти билан чиқиб кета олиши, ижтимоий жараёнларнинг марказий ҳаракатлантирувчи кучи бўлишини тақозо этади.

Сунъий интеллект таъсири тобора ортиб бораётган XXI асрда инсон ўз билимларини матнларда ифодаланган илмий ахборотлар билан бойитиб бориши зарур. Тўғри, билимларнинг бойишида сунъий интеллект таъсири ҳам аҳамиятли, лекин асосий масала шундаки, инсон, фақатгина янги ахборотни қабул қилувчи ва қайд этувчи эмас, балки фикрловчи, таҳлил ва танқид қила олувчи бўлиши керак.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар, тадбирларнинг бош мақсади бўлган - озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётни қуриш ҳам айнан шундай мулоҳазакор, таҳлилий тафаккури кучли бўлган фуқароларнинг фаолияти билан боғлиқ. Бундай чуқур ва кенг тафаккур эса, ўзига хос илмий салоҳият талаб этади. Шундай экан, ҳозирги кунда юртимизнинг бош ғояси бўлган - миллий ғояни халқ ишонч-эътиқодига айлантиришда герменевтик методологиянинг ўзига хос жиҳатларидан фойдаланиб дунёқарашни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, халқимизнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мафкуравий таъсирлар жадал ривожланиб бораётган бугунги даврда фуқароларимизнинг соғлом дунёқарашга эга бўлиши учун герменевтик мулоҳаза қобилиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Аввало, герменевтик тафаккур тушунчасига тўхталиб ўтсак. Герменевтик тафаккур эркин ихтиёрий ҳаракат қилади, яъни у қатъий қонун-қоидаларга бўйсунмай, балки тадқиқот объектнинг ўзига хос хусусияти ва тадқиқотнинг мақсадига кўра методларни танлайди. Мазкур фикрлаш тарзи объектнинг ички мазмунини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, бунда объект вазият ва заруратга қараб индуктив ва дедуктив ёндашувлар, яъни бутун ва қисм диалектикаси воситасида ҳам тадқиқ этиш имконини беради. Герменевтик тадқиқотлар объектини шартли равишда онгли ва онгсиз (яъни, инсон ва у яратган борлик) турларга бўлиб, уларнинг мазмунини тушунишга алоҳида ёндашиш зарурлигини таъкидлаш лозим. Чунки, тадқиқот объекти инсон (ёки ижтимоий гуруҳ, ҳалқ, миллат ва ҳоказо) бўлганда, кўпроқ ички хусусият ва ҳолатларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар доим тадқиқотчида объект ўрнига ўзини қўйиб кўриш, унинг кечинмаларини ҳис қилиш имкони бўлади. Бунда тушунишнинг гносеологик, онтологик, экзистенциал-психологик, аксиологик, праксиологик ва бошқа жиҳатларини эътиборга олиш зарур.

Умуман олганда, герменевтик тафаккур бу – диалектик тафаккурдаги тўғри чизиқли ёки синергетик тафаккурдаги ночизиқли хаотик тизим эмас, балки ташқи (яъни, белги, код, рамз каби) ифодалар билан бирга, ички мазмунни аниқлашга йўналтирилган эгилувчан ва кўпқиррали тафаккур тарзидир. Эгилувчан дейилишига сабаб, герменевтик тафаккур объектнинг хусусиятига кўра, ёндашув ва методларини осон ўзгартиради. Унинг кўпқирралилиги эса, бир ҳодисанинг бир неча аспектда таҳлил қилиш имконини беришидадир.

Биз юқоридаги таҳлиллarning давоми сифатида герменевтик тафаккурнинг Ўзбекистон фуқароси учун зарурий бўлган жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз.

Сўз – яратади, фикр – ҳаракатга ундайди, буларнинг барчаси аниқ мақсад учун хизмат қилганда оқилона баҳоланади. Бугунги кунда Ўзбекистон айнан шундай тамойилга, мақсадли фаолиятга эга фуқароларга эҳтиёж сезмоқда. 19 йил тарихан қисқа давр, лекин 1991 йил туғилган гўдак бугун 19 ёшга тўлди, у қалбида орзулар билан эртанги порлоқ келажаги учун яшамоқда. Унинг тафаккури, дунёқараши фақат мустақиллик йилларини идрок эта олади, холос. Юрт қайғуси, Ватанга садоқат, фидойилик, миллий ғурур ва ифтихор кабилар ҳақидаги тасаввур унда 19 йилдан буён кўрган-билганлари таъсирида шаклланган. Савол туғилади – у ўтган давр мобайнида шу туйғу ва кечинмаларни қай даражада ҳис қила олди?, унинг тафаккурига нималар ижобий, нималар салбий таъсир қилди?, яна қандай усул ва воситалар билан унда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш мумкин? ва ҳоказо. Тўғри, бу саволлар биз учун янгилик эмас, бир гуруҳ олимлар, мутахассислар бу борада ўз таклиф ва мулоҳазаларини, ҳатто лойиҳаларни ишлаб чиққан. Уларга қўшимча равишда биз ҳам юқоридаги саволларга ўзига хос жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Герменевтик таҳлил тадқиқотчига бир нуқтани кўп нуқталардан туриб ўрганиш имконини беради. Биз ушбу тадқиқотда миллий мустақиллик моҳиятини англаш, уни мустаҳкамлаш учун аниқ ёндашувга эга бўлиш заруратини герменевтик тушунтиришнинг сабабий – детерминистик услуби орқали таҳлил этамиз.

Лингвистик таҳлил. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”- ғояси юқорида келтирганимиздек, барча ислоҳотларнинг бош мақсади. Бу ғоянинг дастлабки баён этилиши (келиб чиқиши, туғилиши) якка шахс билан боғлиқ. Шу жиҳатдан шартли равишда, таҳлил учун бу фикрни бир инсонга тегишли деб оламиз.

Эътибор берадиган бўлсак, бу гапда келтирилган барча сўзлар ижобий характерга эга. Шу билан бирга, биринчи жумладаги “озод” сўзи иккинчи жумладаги “эркин” сўзи билан маънодош. Бу сўзлар замирида озодлик - фуқаро учун катта неъмат эканлигини эътироф этиш, эркин бўлиш, яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятининг туб моҳиятини англаш яширинган. Зеро, ҳақиқий эркинлик – англаб олинган заруриятдир. Бундан келиб чиқадики, фуқароларимиз ўз озодликлари ва эркинликларининг қадрига етган ҳолда, бу неъматнинг масъулиятини ҳам тушунишлари, ҳар қандай ташланган қадам учун келажак авлод олдидаги масъулиятларини ҳис қилишлари лозим. Мана шу ҳолатда биз ҳақиқий эркинликни ўзимизга сингдирган бўламиз. Эркинлик ва озодликнинг қадрига етмаслик, авлодлар, миллат олдидаги масъулиятни тўла ҳис қилмаслик оқибатлари бизга тарихдан маълум. Масалан, биз бобомиз Амир Темур даври ҳақида тўлиб-тошиб, ифтихор билан гапирамиз. Лекин кейинги асрлардаги воқеалар – учта хонлик давридаги амир ва хонлар ўртасидаги худбинона кайфият, ҳаммиллатларини ўзидан паст кўриш каби салбий иллатлар барчамизнинг юрагимизни тирнаб ўтиши сир эмас. Демак, озодлик ва эркинликнинг моҳиятини нафақат бугунги кун билан, балки тарихий сабоқлар билан тушуниш миллатимиз келажакнинг барқарор бўлишига ҳисса қўшади.

Кейинги “обод” ва “фаровон” сўзлари ҳам бир-бири билан маънодош, бир-бирининг давоми. Обод юртда фаровон ҳаёт бўлади. Айни пайтда обод бўлишнинг ҳам бир қанча сабаб ва омиллари бор. Булар – илм-маърифатнинг ривожини, умумбашарий ва миллий қадриятларга ҳурмат, ахлоқий баркамоллик ва ҳоказо. Зеро, юрт фаровонлигини айнан шу жиҳатларнинг амалий намоён бўлиши, яъни ҳаракатдаги ҳолати белгилайди.

Умуман оладиган бўлсак, бу ғоядаги сўзларнинг танланиши эътибор ва таҳсинга лойиқ. Чунки, гувоҳи бўлганингиздек, улар лексик-семантик жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ, бир-бирини тақозо этади, бири

иккинчисисиз тўла мавжуд бўла олмайди. Зеро, фақат озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мумкин.

Эътибор берсак, бу сўзлар эртанги кунидан умидвор, ҳаёт олдида катта мақсадлари бор инсонга тегишли. Чунки, инсон фақат бугунги кунидан қониққандагина келажак ҳақида қайғуради. Келажакни кўра олмаслик барча фожеаларнинг биринчи сабаби эканлигини эътиборга олиш зарур. Бу сўзларни эса, нафақат бугунги кунига, балки эртанги кунига ҳам катта умид билан қараётган миллат вакили айта олади. Бу жиҳат бош ғоя субъектининг *психологик таҳлили* сифатида изоҳланади.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, келажак мақсадимиз экан, демак, ўз-ўзидан мазкур ғоя бизнинг кейинги фаолиятимизга таъсир қилади. Яъни, бутун фаолиятимиз мана шу аниқ мақсад сари йўналтирилади.

Юртимизнинг равон ва обод кўчаларида Ватан, мустақиллик, тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик каби эзгу тушунчаларни акс этган кўплаб тасвирий ойналар (афиша) бор. Зеро, бирор бир фикр, ғояни тарғиб этишда сўз, ёзувдан фарқли равишда тасвирий ифоданинг таъсири кучли бўлади. Чиндан ҳам, биз йўлда кетаётганимизда беихтиёр тасвирий ойналардаги сўз ва ибора, рангли тасвирларга қараймиз, уларнинг барчаси эътиборимизни тортиб, хотирамизда қолмаслиги мумкин. Одатда, фақат ўзимизнинг қизиқишларимиз, кечинмаларимиз, тарихий онгимиз, руҳиятимизга яқин тасвирлар дунёқарашимизга таъсир қилади ва бир сония бўлса-да, мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Фикримиз исботи учун бир мисол келтирсак, масалан, Бухорода туғилган, айна дамда ўқиш ёки хизмат тақозоси билан 2-3 йиллар давомида Тошкентда яшаётган киши кўчада “Бухоро таомлари” ёки “Ғиждувон” деган ошхона эълони тасвирига кўзи тушса, у ҳеч қачон эътиборсиз ўтиб кета олмайди. Чунки, бу ёзув унга ўтган ҳаёти билан боғлиқ хотираларни ёдга солади, яхши хотиралар уни ошхонага киришга ундайди. Ёки, қайнонадан жабр кўрган келинчак Миллий театр афишасидаги “Супер қайнона” деган сўзни шунчаки ўқиб кета олмайди, унинг онгида қайнонаси

билан боғлиқ воқеалар гавдаланади, театр сахнасидаги қайнона ва ўзининг қайнонасини солиштириш истаги пайдо бўлади. Эҳтимол, келинчак спектаклни кўриб, қайнонаси билан муносабатларига жавоб топар. Умуман олганда, ҳар қандай ёзув, тасвир, белги инсоннинг тарихий онги, характери, дунёқарашига узвий боғланган ҳолатда таъсир кўрсатади.

Тасвирий ойналарнинг миллий ғоя тарғиботидаги ўрни беқиёс. Масалан, Тошкент шаҳри кўчаларида “VATAN” сўзи ёзилган мовий фондаги тасвирий ойналарни барчамиз кўрганмиз (1-Илова, 3.2.2-расм).

Тасвирий ойнада шу сўздан бошқа сўзлар кўзга ташланмайди, ватанни акс этирган бирорта сурат ҳам йўқ. Лекин мулоҳаза юритишга истаги бўлган киши учун шу бешта ҳарфнинг ўзи буюк ватан туйғусини бера олади. Ватан туйғуси ҳар бир инсон қалбида мавжуд, ҳаётда рўй берадиган воқеа-ҳодисалар бу туйғунинг жонланишига сабаб бўлади. Хўш, Ватаннинг ўзи нима?, унга қандай таъриф бериш мумкин? Ҳар кимнинг Ватан ҳақида ўз фикри бор: кимдир учун она тупроқ, кимдир учун туғилиб-ўсган маҳалла, яна кимдир учун бутун Ўзбекистон. Ватаннинг миқёсини инсоннинг ўзи, аниқроғи унинг ички хотираси, тарихий кечинмалари белгилайди. Ватан инсонга дахлдорлик туйғуси, хотиржамлик кайфиятини беради. Ватанни ҳис қилганимизда кимгадир керакли эканлигимизни, ўша Ватанда ўрнимиз борлигини ҳис қиламиз. Демак, Ватан инсонга ҳаёт мазмунини берувчи, уни ҳаракатга, фаолиятга ундовчи куч. Зеро, энг буюк ишлар фақат Ватан учун қилинади, энг катта қурбонлик фақат Ватан учун берилади. Чунки, Ватан берилган қурбонликдан-да, устун, буюк тушунча.

Умуман олганда, “VATAN” тасвирий ойнаси бунданда ортиқ, чуқур маъно-мазмунга эга бўлиши мумкин, албатта. Чунки, ҳар бир инсон ўзига хос дунёқараш, тафаккур, онг, руҳиятга эга. Лекин иккиланмасдан айтиш мумкинки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу сўзда ўз “Ватани”нинг моҳиятини топа олади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамызда маънавият масаласига жиддий эътибор қаратилди. Чунки, 130 йил мобайнида миллатимиз миллийлигидан, ўзлигидан бегона бўлиб яшашга маҳкум этилган эди. Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йилда нашр этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳам маънавий бойлигимизнинг аҳамияти, уни ўрганиш, таҳлил этиш зарурати хусусида қимматли фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирилган. Зеро, “Одамни онгли яшашга, етукликка чорлайдиган беқиёс қудрат манбаи - маънавиятнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш муҳим бир ҳақиқатни, яъни юксак маънавият – енгилмас куч эканлигини англатади ва тасдиқлайди”¹.

Айтиб ўтиш лозимки, юртбошимиз И.А.Каримов айтганидек, “Инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради. Ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир”². Ишонч инсонни доим келажакка ундайди, яъники барча эзгуликлар бир-бири билан узвий боғланган. Албатта, равон ва кўркем кўчаларимиздаги Ватанимиз равнақи, миллий ғояни мустаҳкамлашни тарғиб қиладиган тасвирий ойналарга ҳамма ҳам бирдек зийраклик билан қарамайди. Бу тоифадаги лоқайд кишилар маънавият, миллийлик, ғурур ва ифтихор, тарихий мерос каби тушунчалардан моддий эҳтиёжларни устун қўйишади. Уларнинг фикрича, бу ҳаракатларнинг самараси йўқ. Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида бу тоифадаги кишиларни ер юзидаги хиёнат ва қотилликларнинг сабабчиси деб кўрсатади³.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчимиз. Мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда давлатимиз тарихини, аждодларимиз меросини қайта тиклаш, маънавий ёдгорликларни чуқур ўрганишга киришилди. Буюк аждодларимиз мақбаралари қайта таъмирланди, муборак зиёратгоҳлар киши кўзини қувонтирадиган қадамжоларга айлантирилди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 128

² Ўша манба, –Б. 123.

³ Ўша манба, –Б. 124.

Тарихий обидалар янги кўриниш касб этди, буюк алломалар, сиёсат ва жамоат арбобларининг хотирасини барҳаёт қилувчи монументал ёдгорликлар қурилди. Бу масала жиддий эътибор талаб қилади, чунки тарихий хотирани борлигича, ҳаққоний тарзда гавдалантириш мураккаб масала. Бу йўлдаги кичик бир хато, камчилик ҳам тарихий ҳақиқатни беркитиб юбориши мумкин. Давлатимиз раҳбари “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг сиймосини яратишдаги қийинчиликлар, мунозаралар хусусида тўхталиб ўтган¹. Зеро, монументал ёдгорлик, сурат тарихий ҳақиқатни ўзида тўла ифодалай олиши зарур. Соҳибқирон Амир Темур суратида юксак ақл-заковат, кучли ирода, буюк мақсадлар каби буюк сиймонинг айнан ўзига хос устун жиҳатлари акс этиши лозим.

Умуман олганда, тарихий ҳақиқатни моддий объектда ҳаққоний тасвирлаш ва талқин қилиш учун чуқур билим ҳамда ижодий ёндашув талаб қилинади. Юртимизда ҳали ўзининг тўла ҳаётий аксини топмаган тарихимиз сиймолари, саҳифалари кўп. Галдаги вазифаларимиздан бири ҳам тарих ва тараққиётнинг узвийлигини таъминлашдир. Масалан, Ўзбекистоннинг энг тўнғич олий даргоҳи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини олайлик. Агар олий ўқув юртининг тўлиқ номига эътибор берсак, Мирзо Улуғбек – Шарқ ва Ғарб тан олган ўрта асрларнинг буюк мутафаккири. Республикамиздаги энг ёши катта олий ўқув юртига мазкур номнинг берилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Олий ўқув юрти номининг кейинги қисми – “Миллий университет”, жумласига эътибор қаратайлик. “Миллий” мақоми миллатнинг фахри-ифтихори, рамзи, бойлиги бўла олиши мумкин бўлган ташкилотга берилади. Том маънода, мазкур мақомнинг берилиши ҳам Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети салоҳиятига тўла мувофиқ келади. Бизни мулоҳазага ундаган жиҳат эса, мана шу олий даргоҳнинг ташқи ифодаси унинг номланишига мосми ёки йўқ,

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.149-153

деган масала. Бир жиҳатдан олиб қараганда, бу масала илмий тадқиқот иши учун арзирли муаммо эканми, деган мулоҳазага борувчилар ҳам топилиши мумкин. Чиндан ҳам, университет биноси ёки унинг ташқи кўриниши, ёхуд расмий ҳужжатларда акс этган белгиси муайян изланишга арзимайдиган масала бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ, мулоҳаза қилиб кўрилса, айти шу жиҳатлар олий даргоҳнинг “юзи” эмасми? Масалан, мустақил давлатнинг ҳам асосий белгилари унинг миллий рамзлари – байроқ, герб, мадҳия кабиларга эга бўлиш билан ҳам боғлиқку. Шу мулоҳазага асосланиб, университет номининг унинг ташқи кўриниши билан мувофиқлиги масаласини бир оз таҳлил қилсак.

Университетнинг асосий кириш қисмидан очиқ ҳолдаги катта китоб монументи жой олган (1-Илова, 3.2.3-расм).

Илм манбаи бўлган – китоб тасвирланган мазкур монумент университетнинг 90 йиллик юбилей муносабати билан қайта таъмирланди. Бу ерда ўзбек ва инглиз тилларида олий даргоҳнинг номи ёзилган, чап саҳифанинг юқори қисми ўртасида Мирзо Улуғбек тасвири, ўнг саҳифанинг юқори қисми ўртасида университет эмблемаси тасвирланган.

Навбатда эътиборингизни университетнинг асосий майдони, бош ўқув биносига қаратсак (1-Илова, 3.2.4-расм).

Асосий майдоннинг икки бурчагига байроқ қўйилган саҳни нимагадир мўлжаллангану, бироқ яқунланмай қолганга ўхшайди.

Эътиборингизни асосий ўқув биносининг биринчи қаватидаги катта фоега қаратамиз, кенг ва бўм-бўш йўлак (1-Илова, 3.2.5-расм).

Навбатда, университет маъмурий биносининг биринчи қаватидаги фоега қаратамиз, киришдан ўнг ва чап томонлар (1-Илова, 3.2.6-расм ва 3.2.7-расм).

Юқоридаги суратлардан Миллий университетнинг ташқи кўриниши ҳақида қисқача тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ушбу кўринишни тўла танқид

этмаган ҳолда, айрим фикрларимизни билдирмоқчимиз ва баъзи таклиф-мулоҳазаларимизни бермоқчимиз.

Аввало, биз университет кириш қисмидаги китоб монументига уйғун ҳолда, фан ва таълим, тарих ва тараққиётни ўзида уйғунлаштирган “Илм” стелласи лойиҳасини таклиф этамиз (1-Илова, 3.2.8-3.2.11-расмлар).

Мазкур стеллада аждодлар ва авлодлар давомийлигини, университет илмий юксалишини замон билан ҳамнафас эканлигини, қолаверса, Миллий университетнинг том маънодаги миллат фахри эканлиги акс эттирилган. Яъни: юқорига интилган уч устун – доимий тараққиёт; устунларнинг бирлашуви – ҳар қандай эзгуликнинг бир асосда бирлашиши; устунлар бирлашган жойда кумушранг жилвакор арка – миллий тарихимиз, қолаверса динимиз рамзи; гумбаз асосидаги очик ҳолатдаги китоб – илм манбаи, унинг очик туриши – илм олишнинг абадий зарурлиги; китоб саҳифаси устида оқ кабутарнинг парвози – илм нури орқали бутун дунёга эзгулик ва тинчликнинг таралиши.

Мулоҳазаларимиз мутлоқликка даъво қилмаса-да, ушбу стелланинг китоб монументи билан уйғунлашган ҳолати Миллий университетнинг ҳақиқий салоҳияти, шонли тарихи ва эртанги келажагининг ўзига хос ифодаси бўла олади, деган фикрдамиз.

Навбатдаги мулоҳазамиз университет асосий майдони хусусида. Эътибор берган бўлсангиз, майдон марказида шундай бир сахна барпо қилинганки, бу жойни кўрганда, айнан бобомиз Мирзо Улуғбекнинг маҳобатли ҳайкали учун ажратилган деган фикр хаёлимизга келади. Зеро, университет Мирзо Улуғбек номида экан, демак авлодлар бу буюк шахснинг сиймосидан куч, қувват, шижоат, имга меҳр, миллатга садоқат каби эзгу туйғуларни олиб туришлари керак. Бобомиз ҳайкалининг айнан шу жойга ўрнатилиши, талабаларда бунёдкор ғояларнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлади. Зеро, бу сиймони кўрганда уларда яна бир бор аждодларга лойиқ авлод бўлиши кераклиги, бурч, масъулият туйғулари юксалади. Чунки, бизга

маълум, инсон, аввало, ўқиган ёки эшитганидан эмас, балки кўрганидан кучлироқ таъсирланади. Яъни тарихий манбаларда Мирзо Улуғбек ҳақида қанча ўқимайлик, унинг тарихдаги буюк хизматлари ҳақида эшитмайлик, унинг сиймосини кўрганимиздаги тасаввурни бера олмайди. Демак, ҳайкал ҳам шундай яратилиши керакки, авлодлар ундан ўзлари истаган, орзу қилган буюклик ва эзгуликни топа олсин, ёдгорлик том маънода ёшларимизнинг қувват манбаига айлансин.

Биз Миллий университет асосий майдонига Мирзо Улуғбек ҳайкалини ўрнатиш масаласида талабалар ва профессор-ўқитувчилар фикрини аниқлаш учун сўров ўтказдик. Социологик сўровда табиий ва гуманитар факультетнинг 60 нафар профессор-ўқитувчилари ҳамда 120 нафар талабалар иштирок этди. “Университет ҳудудида Мирзо Улуғбек ҳайкали ўрнатилиши истайсизми?” деган саволга 180 та респондентдан 176 таси “Ҳа”, 3 таси “Буни менга аҳамияти йўқ”, 1 таси “Бу ҳақда раҳбарлар бош қотириши керак” деган жавобларни беришган. Натижалардан кўриниб турибдики, 97,8 фоиз респондентлар университетда Мирзо Улуғбек ҳайкали бўлишини истайди. Биз таҳлил учун айрим чет давлатлари университетлари асосий бино ташқи кўринишини 2-Иловада келтирганмиз (3.2.12-3.2.18-расмлар).

Шу билан бирга, талаба ёшларда тарихий меросни кадрлаш, уларни аждодларга муносиб авлод бўлишларини таъминлаш учун университет асосий ўқув биносининг биринчи қавати фоесида университетга асос солган жаид мутафаккирлари ва университетнинг ректорлари бронза бюстларини ўрнатишни таклиф қиламиз. Чунки, университет асосчилари, илм фидойилари ҳар қандай оғир ва қийин замонлар бўлмасин, миллатимизнинг маълумотли, билимли бўлишлари учун умрларини бахшида этган. Зеро, Мунавварқори Абдурашидхонов, Қори Ниёзий, Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов каби зиёли олимларимизни бутун дунё таниганда, уларнинг илмий мероси, хотирасини ўрганиш, бизнингча, университетда таълим олаётган ёшларнинг онгига авлодлар ворислиги, аждодлар олдидаги

масъулиятни ҳис қилишларида муҳим омил бўлади. Шунингдек, бюстларнинг ўрнатилиши натижасида талаба ёшлар онгида тарихий тафаккур мустақамланиб, шу асосда келажакнинг пойдевори учун маънавий асос яралади. Таъкидлаш жоизки, маънавий юксалишнинг энг асосий бўғини, бу – тарихий меросдир.

Тарихий мерос, миллий қадриятларимизни монументал ёдгорликларда акс эттириш масаласига юртбошимиз И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жиддий эътибор берди. Буни биз, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур, Тошкент ва Самарқандда Алишер Навоий, Фарғонада Ал-Фарғоний, Урганчда Жалололдин Мангуберди, Андижонда Мирзо Бобур ҳайкаллари мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек, тарихий тафаккур ва келажакни боғловчи қадриятлар акс этган Термизда Алпомиш, Урганчда “Авесто” ёдгорликлари, Тошкентда Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик, Мотамсаро она, Қарши шаҳрида “Эл-юрт таянчи” монументлари, Наманган шаҳрида “Тинчлик” стеллаларининг бунёд этилиши давлатимиз раҳбарининг бу борадаги жиддий саъй-ҳаракатларининг намунасидир. Зеро, “Таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш – бу фақат тегишли маблағ ёки куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва керак бўлса, маънавий покликни талаб қилади”¹. Шундай экан, юртимизнинг тўнғич билим маскани бўлган Ўзбекистон Миллий университети тарихий-илмий меросини келажак авлодга ўзига хос тарзда бадиий ифодалар орқали етказиш миллий таълим-тарбиянинг муҳим шартидир. Худди шу масалада тарихий хотиранинг герменевтик таҳлили миллий ва умуминсоний тараққиётга хос қадриятларни акс эттирган монументал ёдгорликларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б.217-218.

Тадқиқотимиз символ ва белгилар билан боғлиқ бўлганлиги боис, биз университет эмблемасини ҳам ўрганиб чиқдик. Эътиборингизни университет эмблемасига қаратамиз (3-Илова, 3.2.19-расм).

Эмблема марказида – бино, асосида китоб, икки тарафда дарахтнинг сариқ новдаси. Биз мазкур эмблема талқинига ҳам танқидий ёндашамиз ва мулоҳазаларимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Бино тасвири – ҳозирги кундаги университет маъмурий биноси ифодасига ўхшайди (эҳтимол, айнан назарда тутилгандир). Лекин, бу бино вақт ўтиши билан эскириши, ёки унинг ўрнига умуман янги бино қурилиши мумкин, наҳотки ўша пайтда ҳам (айтайлик 50-80 йилдан сўнг) университет эмблемаси шу ҳолатда ифодаланса? Ёки университет эмблемаси яқин 50 йил учун яратилганми? Одатда рамз ва логотиплар, эмблемалар доимий аҳамиятини йўқотмайдиган, доимий кадр-қимматга эга бўлган тасвирлардан иборат бўлади. Асосда жойлаштирилган очиқ китоб илм даргоҳининг мумтоз рамзи. Лекин икки тарафдаги дарахт новдалари учун нима учун сариқ ранг танланганлиги савол туғдиради, нега дарахт новдаси яшил рангда эмас? Умуман олганда, бизнинг фикримизча, университет эмблемасини қайта кўриб чиқиш керак. Биз мулоҳаза учун айрим университет ва таълим даргоҳларининг эмблемасини қиёсий таҳлил учун келтирамиз (3-Илова, 3.2.20-3.2.22-расмлар).

Таҳлиллар натижасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мақомига мос эмблема лойиҳасини таклиф этамиз (3-Илова, 3.2.23-расм).

Лойиҳада “Илм” стелласи асоси эмблема марказида жойлашган; асосда, яъни китобнинг остида жойлашган чинор дарахтининг яшил япроқлари, аввало, ҳаёт, боқийлик, яшаш рамзи. Чинор япроқларининг асосда туриши эса, ҳар қандай илм ва тинчликка фақат баркамол ҳаётгина замин бўла олади, деган маънони билдиради. Чинор япроқлари устидаги китоб, парвоз қилиш учун қанотларини кенг ёзган кабутар ва арка университет

стелласи учун берилган таъриф мазмунига айнан. Шу билан бирга, айтиш жоизки, лойиҳани тайёрлашда миллий рамзимиз бўлган байроқ рангларининг ёрқин ифодасини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Яъни, чинор дарахтининг яшил япроқлари байроғимиздаги яшил, эмблема айланаси ва фонининг мовий ранги байроғимиздаги кўк, кабутар ва китобнинг оқ варақлари байроғимиздаги тинчлик ва оқ йўл рамзи бўлган оқ, китоб муқовасининг қизил ранги байроғимиздаги яшаш ва тириклик рамзи бўлган қизил чизиқлар тимсолида ифодаланган.

Миллий ғоя мазмунини ифодаловчи ҳар қандай кичик ҳажмдаги, оддий кўриниш ва тасвирга эга образ, белги ва рамзларни кундалик ҳаётимизга олиб киришимиз зарур. Зеро, инсон иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатда кескин кучайиб бораётган глобал ва интеграл жараёнлар, тобора миллий хусусиятларга ҳам тазъийқ ўтказаяётганини рад этиб бўлмайди. Бугун бизда, бу жараёнлардан ўзимизни қандай ҳимоя қила оламиз, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга, аввало, миллатимизнинг бой қадриятларини сақлаш орқали деб жавоб бериш ўринли, албатта. Бу фикр умумий бўлса-да, айрим хусусий ҳолатлар билан мисол келтириб ўтамиз. Масалан, ёш қизчаларимиз ўйнайдиган энг севимли кўғирчоқларни олайлик, “Барби”, “Синди”. Нима учун “Зумрад” ёки “Барчиной” эмас? Ахир бизнинг халқимиз ҳам ўзининг миллий ўйинчоқлари борасида жаҳоннинг ҳеч бир давлатидан кам бўлмаган меросга эгаку? Президентимиз бу борада муҳим бир фикр айтиб ўтганлар, “Ёшларнинг маънавий оламини болалиқдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир”¹. Юртбошимизнинг бу ҳақда куйиниб гапиришларида катта ҳақиқат бор. Зеро, инсон қалбига йўл

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 156-157.

маънавият орқали борилар экан, бу йўлнинг биринчи остонасида болалик туради. Ҳар қандай маънавий тарбия болалиқдан бошлансагина мустаҳкам асосга эга бўлади. Зеро, “Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади”¹.

Умуман олганда, санъат ва адабиёт маънавий камолотнинг энг муҳим воситаларидир. Зеро, бу воситалар туфайли миллатнинг маънавий қиёфаси яралади. Даврлар ўтсада, миллатнинг буюклиги аждодлар яратиб қолдирган маънавий мерос, яъни санъат ва адабиёт дурдоналари билан ўлчанади. Шундай экан, миллий ғояни мустаҳкамлашда оддийгина ижод намунасининг ўрни ҳам беқиёс кучга эга, бунинг натижаси эса уларни ҳаёт тарзимизга, анъаналаримизга сингдиришимизга боғлиқ.

Ўзбекистон – бой тарихий мерос, юксак маънавий қадриятларга бой юрт. Тарихий меросни таҳлил қилиш, қадриятларни талқин қилиш зарурияти тобора глобаллашиб, интеграллашиб бораётган бугунги дунёда миллатимиз келажagini барқарор ривожланишини таъминловчи асослардан биридир. Зеро, дунёда бўш жой бўлмайди, агар пайдо бўлдимиз, кимдир бу жойни тўлдиришга ҳаракат қилади. Агар ёшларимиз тафаккурини, уларнинг маънавий дунёсини тарихий мерос, миллий маънавият билан тўлдирмас эканмиз, ўзга кучлар бунга ҳаракат қилишлари табиий. Инсонни яшашга ундайдиган куч фақат ундаги ақлий тафаккурнинг борлиги эмас, балки унинг имон-этиқодининг борлигида ҳамдир. Чунки фақат тафаккур орқали аниқ ҳисоб-китоблар билан яшаш инсонни тушқунликка олиб боради. Тафаккур бошланиши бўлган жараённинг охири ҳам борлигини доим таъкидлаб туради. Имон-этиқод эса, тафаккур таъкидини қалб билан ҳис қилиш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 157.

имконини беради. Шунинг учун ҳам давлатимиз келажаги учун кучли жамиятнинг асоси бўлган кучли шахсларни тарбиялашда уларнинг ҳам интеллектуал салоҳиятини, ҳам маънавиятини такомиллаштириб бориш зарур. Бу вазифани амалга оширишда ижтимоий жараёнларни герменевтик таҳлил этиш ўз самарасини беради. Чунки, герменевтик мушоҳада, аввало, лоқайдлик, бепарволик каби иллатларнинг илдиз олишига йўл қўймайди, инсонни доим зийрак тушунувчи мавжудот бўлиб қолишини таъминлайди. Воқеа-ҳодисаларни тўғри тушуниш эса, онгли фаолиятнинг асосидир.

Хуллас, аввало, герменевтик ёндашув мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда образли тафаккурни шакллантириши билан муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим; иккинчидан, образли тафаккур таҳлилий, ижодий ва танқидий тафаккурни шакллантиришга сабаб бўлишини ҳисобга олиб, республикамизда миллий ғояни мустаҳкамлашда монументал ёдгорликларни кўпайтиришга, уларда тарихий ҳақиқатни акс эттиришга эришиш керак; учинчидан, аждодлар яратган тарихий-илмий меросни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш масъулиятини англаган ҳолда, республикамиздаги мавжуд миллий ва мумтоз монументал ёдгорликлар, ташкилот ва ҳар қандай юридик субъектлар эмблема ва логотипларни қайта кўриб чиқиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Герменевтик методология воситасида ижтимоий ҳодисалар талқини юзасидан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин,

Биринчидан, ижтимоий ҳодисаларни герменевтик тушуниш инсоннинг жамиятдаги ўрнини, орзу-мақсадларини белгилашга таъсир қилиб, бевосита унинг дунёқарашини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, бадиий ижод асарларини герменевтик тушуниш гўзалликни ҳиссий идрок этиш билан биргаликда санъатнинг маънавий юксалишдаги беқиёс кучини кўрсатиб беради.

Учинчидан, герменевтик методологиянинг қиёсий-таҳлилий, танқидий мулоҳаза қобилиятини кучайтиришда муҳим восита эканлигини ҳисобга

олиб, уни мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳамда миллий ғоя тарғиботида асосий йўналишлардан бири бўла олишини қайд этиш лозим.

Тўртинчидан, аждодларимиз меросининг абадийлигини таъминлаш ва замонавий тараққиёт билан тенг қадам ташлаш учун ёшларда ўзига ишонч, миллат ва давлатга нисбатан фахр ва ғурур туйғуларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилувчи монументал ёдгорликлар ва рамзий ифодалар мазмунини кучайтириш лозим.

ХУЛОСА

Инсоннинг тафаккури, ҳаёт тарзи ўзгариб борса-да, унинг фалсафий билимларга эҳтиёжи доимийдир. Зеро, фалсафа ҳаётнинг мазмунини белгиловчи дунёқараш масаласини тадқиқ этади. XXI асрда мафкуравий жараёнларнинг жадал ривожланиши дунёқараш механизмларининг ҳам такомиллашишини талаб этмоқда. Айнан шу масалада, фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Ҳозирги замон фалсафасида фалсафий герменевтиканинг методологик имкониятлари барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг муаммоларини тадқиқ этишда қўлланилмоқда.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, герменевтик тадқиқотлар инсоннинг ижодкорлиги билан боғлиқ. Чунки, инсон маълумотли бўлиши учун ўзидан олдинги авлод яратган билимларни ўрганиши, ўзлаштириши лозим. Агар бу ерда ўзгалар томонидан ёзиб қолдирилган матнни тадқиқ этиш зарурати туғилар экан, у албатта герменевтиканинг муайян методлари орқали амалга оширилади. Чунки, тушунишга йўналтирилган ҳар қандай тадқиқот герменевтик аҳамият касб этади. Герменевтик билимлар тараққиёти ҳам инсоният тўплаган маънавий бойлик ошгани сари мукамаллашиб борди, хусусан, дастлаб, фақат матн (ёзув) талқини билан шуғулланган герменевтика кейинги икки асрга келиб, онтологик, аксиологик, экзистенциал-психологик, праксиологик ва бошқа аҳамият касб эта бошлади. Яъни инсон ва ижтимоий ҳодисаларнинг субъектив жиҳатлари ҳам тадқиқ этилди. Натижада, герменевтика XX асрда алоҳида фалсафий йўналишга айланди.

Герменевтик билимлар тарихан тадқиқот объектига кўра, диний, филологик, ҳуқуқий ва фалсафий босқичларни босиб ўтди. Диний матнларни талқин қилишда, хусусан христиан динида тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда ортодоксал, ноортодоксал, консерватив ва либерал герменевтика; диний ва бадий матнларни талқин этишда романтик герменевтика, феноменология, экзистенциализм, тарих фалсафаси вакилларининг мероси фалсафий герменевтиканинг муҳим назарий асоси бўлиб хизмат қилди.

Айтиб ўтиш лозимки, биз тадқиқотимизда герменевтиканинг оддий методдан алоҳида фалсафий таълимот даражасигача ривожланиш йўлини ёритишга ҳаракат қилдик. Ҳар қандай тадқиқотнинг яралиш сабаблари, шаклланиш зарурати бўлгани каби герменевтик методологиянинг ҳам вужудга келиши қадимги яҳудий, юнон маданияти, қолаверса, христиан дини учун тарихий зарурат эди. Чунки, милоддан аввалги VII-VI ва милоднинг I асрларида диний, бадий манбаларнинг сохталашуви, ҳақиқатдан узоқлашуви диндорлар ичида дастлабки герменевтик тамойилларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Шарқда, хусусан, ислом маданиятида герменевтик методологиянинг кенг ёйилишига тарихий зарурат йўқ эди. Балки, Инжилдан фарқли Қуръони карим мазмунини тушуниш учун герменевтикадан фарқ қилувчи тафсир илми ривожланди ва бу анъана ҳозиргача мавжуд.

Иккинчидан, герменевтик методология ривожининг асосий хусусиятлари Х.Г.Гадамер илмий мероси билан боғлиқ. Файласуф томонидан илгари сурилган анъаналар оддий ҳаётий вазиятлардан ҳам мазмун топиш имкониятини беради. Бунинг ягона шарти, фақат ва фақат – мулоҳаза юритиш, тизимли фикрлашдан тўхтамаслик ва фикрлар узвийлигини таъминлай олишдир. Шу ҳолатдагина, герменевтик тафаккурни ўзлаштириш мумкин. Ҳозирги замонда ҳар бир ижтимоий ва табиий соҳа тадқиқотчиси герменевтик тафаккурга эга бўлиши лозим. Чунки, герменевтик тафаккур олимни ижодий фикрлашга, таҳлилий қобилиятини кучайтиришга хизмат

қилади. Айтиб ўтиш жоизки, Ғарб фалсафасида сўнгги ярим асрда кенг қўлланилаётган “герменевтик тафаккур” тушунчаси ҳозирча миллий фалсафамизда етарли ўрганилгани йўқ. Тафаккурнинг мазкур услуби ҳаётнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ, тажрибага асосланган қадриятларнинг илмий билимлар билан мувофиқлашуви асосида шаклланади ва ривожланади. Бизнинг фикримизча, инсоннинг камолоти илмнинг муайян бир соҳасида эришган ютуқлари билан эмас, балки мана шу назарий билимларни ўз ҳаётига, умр тажрибасига қай даражада олиб кира олганлиги билан белгиланади. Герменевтик тафаккур эса, мана шу тажрибага асосланган анъанани яратади. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўзининг анъанаси, яъни яшаш тарзи бўлишига онгли ва онгсиз равишда интилади. Демак, герменевтик тафаккур инсонга умр тамойиллари, анъанасини яратиш имконини беради.

Учинчидан, герменевтик билимлар ривожини ўзига хос илмий тушунчалар тизимини яратди. Зеро, тушунишнинг муҳим қонуни бўлган “Герменевтик доира” ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини бизга тушунтириб туради. Худди шу каби матн, белги, символ, тил кабилар ҳам инсон мавжудлигининг муҳим шартидир. Герменевтик тадқиқотлар объекти эса, инсон яшар экан доим янгича қиёфа, мазмун касб этиб ўзгариб боради. Чунки, ҳар бир давр маданиятининг ўзига хос асарлари, санъат услуби мавжуд. Шундай экан, ҳозирча дин, бадиий ижод, санъат, тарихий мерос, ижтимоий-маданий ҳаёт ва илмий-назарий манбаларни тадқиқ этаётган герменевтик методология келажакда авлодларимиз томонидан яратиладиган ҳар қандай ижод маҳсулини ўзининг тадқиқот объектига айлантира олади.

Демак, фалсафий герменевтиканинг асосий тушунчалари ва тадқиқот доираси ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг назарий асосланган амалий йўналиш эканлигини исботлайди.

Тўртинчидан, илмий билишда тушуниш ва тушунтиришнинг герменевтик хусусияти, асосан когнитив герменевтикада намоён бўлади.

Чунки, когнитив герменевтика тушунишнинг билишга оид муаммоларини тадқиқ этиб, илмий билимлар тизимини бойитишга хизмат қилади. Когнитив герменевтикага кўра, ҳар бир олим ўз соҳасининг, айниқса, ўзи тадқиқ этаётган муаммонинг билиб олиш мумкин бўлган барча жиҳатларини ўзлаштирган ва ҳаёт тарзига олиб кирган бўлиши лозим. Шунингдек, когнитив герменевтика герменевтик методологиянинг янги методларини ишлаб чиқишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, олим ўз тадқиқоти давомида илмий янгиликни тушуниш ва тушунтиришнинг ўзига хос методларини кашф қилиши мумкин.

Бешинчидан, агар ҳар қандай ташқи ифода инсон тафаккурига бевосита таъсир кўрсатар экан, замонавий архитектура иншоотлари, янги дизайн ва услубда қурилаётган бинолар ташқи кўриниши лозим бўлган ҳолатларда миллий-тарихий рамзлар билан бойитилиши лозим. Чунки, мулоҳаза қилиб кўрилса, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳар қандай ифодаси миллий ғоянинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади.

Олтинчидан, буюк аждодларимиз маънавий меросини илмий тадқиқ этиш билан бирга, бугунги ёшларнинг ўтган олимлар билан мустаҳкам ворисийлигини таъминлаш лозим. Одатда, жаҳон илм-фанига ёки миллатининг фахрига айланган сиймоларга тарихий ёдгорликлар бунёд этилади. Ўзбекистон Миллий университетида Мирзо Улуғбек ҳайкали ҳамда университет асосчилари ва ректорларининг монументал ёдгорликларини ўрнатиш ёшларда тарихий тафаккурнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, бевосита миллий ғояни мустаҳкамланишига сабаб бўлади. “Шулар қатори янги тарихимиз давомида Ватанга бўлган меҳри ва садоқатини намоён этиб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг буюк келажаги учун азму шижоат намунасини кўрсатиб, шу мақсад йўлида ўз ҳаёти, ижодий фаолиятини тўла сафарбар этган, керак бўлса, азиз жонини фидо этишга ҳам тайёр бўлган муносиб ватандошларимизга бағишлаб қанчадан-қанча ижод

намуналарини яратиш мумкин эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тасаввур қиламиз”¹.

Албатта, бу масалага жиддий эътибор бериш лозим, зеро, бадиий ифодаланган тарихий хотира (хайкал, бюст ва ҳоказолар) илм-маърифатнинг бешиги бўлган университет ўтмишини бугунги ёшлар ҳар дақиқада ҳис қилиб туришлари учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, нафақат, тарих, балки бугунги кун қаҳрамонларига ҳам муносиб аҳамият бериш лозимки, токи ёшлар уларнинг ижобий фазилатлари, ютуқларидан ўз вақтида ўрнак олиб, тажриба алмашсинлар.

Еттинчидан, ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа уюшмалари эмблема ва логотипларни белгилашда аниқ ва яхлит мазмун берувчи рамзлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Эмблема ва логотиплар, давлатимиз герби каби ташкилотнинг муҳим бойлиги ҳисобланади. Шундай экан, мазкур рамзий белгиларни танлашда жиддий эътибор талаб қилинади. Биз ҳам, тадқиқотда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳозирги эмблемасини ташкилот мақомига тўла мос эмас, деган фикрда ўз лойиҳамизни таклиф этдик.

Юқорида таҳлил этилган масалаларга асосланиб, диссертацияда кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш учун **амалий тавсиялар:**

- 5220300 - Фалсафа таълим йўналишида ёшларнинг ассоциатив тафаккур салоҳиятини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган “Фалсафий герменевтика асослари” фанини ўқув режасининг мутахассислик фанлар блокига киритиш;

- миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган барча ғоя ва тadbирлар моҳиятини ёритишда герменевтиканинг сабабий-детерминистик, тарихий–функционал тушунтириш усулларидан фойдаланиш;

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б.17

- ижтимоий-гуманитар йўналишда изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчиларни миллий тарихимизнинг ҳали етарли ўрганилмаган масалаларига жалб қилиш орқали “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” куришга замин тайёрлаш;

- образли тафаккурнинг таҳлилий, ижодий ва танқидий тафаккурни шакллантиришга сабаб бўлишини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда миллий ғояни мустаҳкамлашда тасвирий ойна воситаларидан кенг ва самарали фойдаланиш;

- Ватанпарварликни мустаҳкамлаш, мафкуравий иммунитетни барқарорлаштириш мақсадида тарихий ҳақиқатни акс эттирган бадий ижод асарларини яратиш. Хусусан, ёш болалар ва ўсмирлар учун миллий анъаналаримизни ўзида акс эттирган кўғирчоқлар, мультфильмлар, ҳатто компьютер ўйинларини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

- аждодлар яратган тарихий-илмий меросни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш масъулиятини англаган ҳолда, Ўзбекистондаги мавжуд миллий ва мумтоз монументал ёдгорликлар, ташкилот ва ҳар қандай юридик субъектлар эмблема ва логотипларини қайта кўриб чиқиш масаласини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Китоб ва туркум нашрлари

Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами

а) Расмий ҳужжатлар, материаллар

- 1.1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
- 1.1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 349 б.
- 1.1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

- 1.1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ 12-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –400 б.
- 1.1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -439 б.
- 1.1.14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –134 б.
- 1.1.15. Каримов И.А. Инсон мафаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият. 14-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
- 1.1.16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -320 б.
- 1.1.17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -368 б.
- 1.1.18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
- 1.1.19. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 278 б.
- 1.1.20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
- 1.1.21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -78 б.

б) бир муаллифнинг:

- 1.1.22. Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2007. -208 б.
- 1.1.23. Абдуллин А.Р. Философская герменевтика: исходные принципы и онтологические основания: –Уфа: Издание Башкирского университета, 2000. -60 с.
- 1.1.24. Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. - Тошкент: Фан, 1968. -720 б.
- 1.1.25. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш). Биринчи китоб. -Тошкент: Маварауннаҳр, 2004. -236 б.
- 1.1.26. Аль Фараби. Историко-философские трактаты. –М.: Наука, 1985. -624 с.
- 1.1.27. Ахмедова М. Основы философии. -Тошкент: Узбекистан, 1998. - 340 с.
- 1.1.28. Аъзамов А. Муножатнома. Алишер Навоийнинг “Муножат” асарига шарҳлар. -Тошкент: Маънавият, 2001. -126 б.
- 1.1.29. Аппель К. “Кобра” в Москве. –М.: Художник, 1997. -284 с.
- 1.1.30. Барт К. Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. - М.: Прогресс, 1994. -326 с.
- 1.1.31. Барт К. Очерк догматики: Лекции, прочитанные в Университете Бонна в летний семестр 1946 года. — СПб.: Алетейя, 1997. —271 с.
- 1.1.32. Барт К. Послание к Римлянам. — М.: Библейско-богословский институт св. апостола Андрея, 2005. —580 с.
- 1.1.33. Барт К. Мгновения. — М.: Библейско-богословский институт св. апостола Андрея, 2006. — 160 с.
- 1.1.34. Барт К. Оправдание и право. — М.: Библейско-богословский институт св. апостола Андрея, 2006. — 149 с.
- 1.1.35. Барт К. Введение в Евангелическую теологию. — М.: Центр «Нарния», 2006. —190 с.

- 1.1.36. Баходир Карим. Абдулла Қодирий. -Тошкент: Фан, 2006. –246 б.
- 1.1.37. Бахтин М. М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: АГРАФ, 1979. –396 с.
- 1.1.38. Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: Питер, 2000. -364 с.
- 1.1.39. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. –М.: Искусство, 1986. -416 с.
- 1.1.40. Богин Г.И. Уровни и компоненты речевой способности человека. – Калинин: КГУ, 1975. – 106 с.
- 1.1.41. Богин Г.И. Противоречия в процессе формирования речевой способности. – Калинин: КГУ, 1977. – 84 с.
- 1.1.42. Богин Г.И. Относительная полнота владения вторым языком. – Калинин: КГУ, 1978. – 54 с.
- 1.1.43. Богин Г.И. Современная лингводидактика. – Калинин: КГУ, 1980. – 61 с.
- 1.1.44. Богин Г.И. Филологическая герменевтика. – Калинин: КГУ, 1982. – 86 с.
- 1.1.45. Богин Г.И. Типология понимания текста. – Калинин: КГУ, 1986. – 86 с.
- 1.1.46. Богин Г.И. Схемы действий читателя при понимании текста. – Калинин: КГУ, 1989. – 70 с.
- 1.1.47. Богин Г.И. Субстанциальная сторона понимания текста. – Тверь: ТвГУ, 1993. – 137 с.
- 1.1.48. Богин Г.И. Интерпретация текста: Учебно-методические материалы для студентов IV курса ДО и V курса ОЗО отделения английского языка ф-та РГФ. – Тверь: ТвГУ, 1995. – 38 с.
- 1.1.49. Богин Г.И. Обретение способности понимать: Введение в филологическую герменевтику. –М.: Психология и Бизнес ОнЛайн, 2001 – 516 с.

- 1.1.50. Борев Ю.Б. Искусство интерпретации и оценки: Опыт прочтения «Медного всадника». –М.: Советский писатель, 1981. -399 с.
- 1.1.51. Борев Ю.Б. Эстетика. Учебник. -М.: Высшая школа, 2002. -511с.
- 1.1.52. Брудный А.А. Наука понимать. - Бишкек: Наука, 1996. - 315 с.
- 1.1.53. Брудный А.А. Психологическая герменевтика. -М.: Прогресс, 1998. -336 с.
- 1.1.54. Бультман Р. Социально-политическое измерение христианства. - М.: Олма-пресс, 1994. -135 с.
- 1.1.55. Vattimo G. Beyond Interpretation: The Meaning of Hermeneutics for Philosophy. Tr. by David Webb. – Stanford: Stanford University Press, 1997. -140 p.
- 1.1.56. Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. –Киев: Основы, 1995. -344 с.
- 1.1.57. Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования.–М.: Наука, 1986. - 560 с.
- 1.1.58. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления.– М.: МГУ, 1989. -234 с.
- 1.1.59. Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. –М.: Искусство, 1991. – 384 с.
- 1.1.60. Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. -692 с.
- 1.1.61. Gadamer Hans-Georg. "On the Circle of Understanding." In Hermeneutic Versus Science? Edited by J. M Connolly and T. Keutner. - Notre Dame: Notre Dame University Press, 1988.
- 1.1.62. Гемпел К.Г. Аспекты научного объяснения и другие эссе о философии науки. –М.: Наука, 1965. -576 с.
- 1.1.63. Гемпел К.Г. Логика научного исследования. -М.: Мысль, 1972. - 582 с.
- 1.1.64. Гемпел К.Г. Логика объяснения. -М.: АГРАФ, 1998.-468 с.

- 1.1.65. Гемпел К.Г. Мотивы и охватывающие законы в историческом объяснении. –М.: АГРАФ, (1942),1998. -786 с.
- 1.1.66. Геннекен Э. Опыт построения научной критики. –СПб.: Европейский Дом, 2001. -324 с.
- 1.1.67. Гирц К. Интерпретация культур. -М.: РОССПЭН, 2004. – 560 с.
- 1.1.68. Гомер. Илиада. –СПб.: Университетская школа, 1990. – 326 с.
- 1.1.69. Гуссерль Э. Логические исследования. Ч.1. Прологомены к чистой логике. – Киев: Вентури, 1995. -460 с.
- 1.1.70. Гуссерль Э. Феноменология духа. –М.: АСТ, 1989. -420 с.
- 1.1.71. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. -М.: 1985. -365 с.
- 1.1.72. Давидович В. В зеркале философии. –М.: Наука, 1997. -546 с.
- 1.1.73. Делёз Ж. Логика смысла. - М.: Наука. 1995. - 288 с.
- 1.1.74. Dilthey W. "The Rise of Hermeneutics." The Hermeneutic Tradition. - Albany: State University Press of New York Press, 1990. -342 p.
- 1.1.75. Дубнишаева И. Ретрофизика в зеркале. –М.: Прогресс, 1997. -488 с.
- 1.1.76. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Тошкент: Маънавият, 2008. –460 б.
- 1.1.77. Захириддин Муҳаммад Бобур. Танланган асарлар. -Тошкент: Ўз Р Фанлар Академияси, 1958. –213 б.
- 1.1.78. Изер В. Акт чтения. –М.: Наука, 1976. -698 с.
- 1.1.79. Изер В. Условное и воображаемое. –М.: АСТ, 1991.-432 с.
- 1.1.80. Камю А. Бунтующий человек. –М.: Политздат, 1990. -246 с.
- 1.1.81. Кант И. Критика чистого разума. -М.: Мысль, 1994. -591 с.
- 1.1.82. Касавин И.Т. Традиции и интерпретации. -СПб.: Питер, 2000. - 424 с.
- 1.1.83. Карнап Р. Значение и необходимость: Исследование по семантике и модальной логике / Пер. с англ. Н.В.Воробьева. –Биробиджан: Тривиум, 2000. -420 с.

- 1.1.84. Керимов У. Как говорил Заратустра? -Ташкент: San'at, 2010. -452 с.
- 1.1.85. Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. -М.: МГУ, 1991. – 160 с.
- 1.1.86. Лакатос И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. -М.: 1995. -240 с.
- 1.1.87. Лешкевич Т.Г. Объяснение и понимание в социальном познании. -М.: АСТ, 1990. -186 с.
- 1.1.88. Лешкевич Т.Г. Философия науки: традиции и новации. -М.: Прогресс, 2001. -216 с.
- 1.1.89. Лёзов С.В. История и герменевтика в изучении Нового Завета. - М.: Гардарики, 1996. -346 с.
- 1.1.90. Лосев А.Ф. Гомер. -М.: Наука, 1996. -246 с.
- 1.1.91. Манн Ю. Диалектика художественного образа. –М.: Наука, 1987. – 220 с.
- 1.1.92. Мирзаев С. История узбекской литературы XX века. – Тошкент: 2005. -198 с.
- 1.1.93. Михайлов А.А. Современная философская герменевтика. – Минск: Книжный Дом, 1984. -175 с.
- 1.1.94. Моррис Ч. Основания теории знаков // Семиотика / Под ред. Ю.С.Степанова. - М.: Мысль, 1983. –340 с.
- 1.1.95. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. -Тошкент: Университет, 2005. -348 б.
- 1.1.96. Павлов Е.В. Основы герменевтики. -М.: Московский богословский институт, 2004. -269 с.
- 1.1.97. Петров М.К. Язык, знак, культура. -М.: Прогресс, 1991. -452 с.
- 1.1.98. Пирс Ч.С. Элементы логики. *Grammatika speculative* / Семиотика / Под ред Ю.С.Степанова.- М.: Наука, 1983. -465 с.

- 1.1.99. Поппер К.Р. Логика и рост научного знания. -М.: АСТ, 1983. -356 с.
- 1.1.100. Рассел Б. История западной философии. – Киев: Основы, 1995. - 720 с.
- 1.1.101. Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук / От текста к действию. Очерки по герменевтике. –М.: Наука, 1990. – 320 с.
- 1.1.102. Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерк о герменевтике. –М.: АСТ, 1995. – 362 с.
- 1.1.103. Рикер П. Герменевтика. Этика. Политика. -М.: АГРАФ, 1995. -465 с.
- 1.1.104. Рикер П. Науки о природе и науки о культуре. -М.: Прогресс, 1998. -466 с.
- 1.1.105. Рикер П. От текста к действию. Очерки по герменевтике. –М.: Наука, 1986. –506 с.
- 1.1.106. Рикер П. Теория интерпретации. Дискурс и избыток значения. – М.: АСТ, 1976. -446 с.
- 1.1.107. Рузавин Г.И. Методология научного исследования. -М.: АСТ, 1999. – 324 с.
- 1.1.108. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. -478 с.
- 1.1.109. Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. –М.: Прогресс, 1990. - 426 с.
- 1.1.110. Тарский А. Понятие истины в языках дедуктивных наук / Философия и логика Львовско-Варшавской школы. -М.: РОССПЭН, 1999. -324 с.
- 1.1.111. Тарский А. Семантическая концепция истины и основания семантики / Пер. А. Л. Никифорова. –М.: Гардарика, 2001. -124 с.
- 1.1.112. Уайтхет А.Н. Символизм, его значение и действие. –М.Наука, 1991. –462 с.

- 1.1.113. Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города // Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. -М.: АН СССР, 1960. -С.156-195.
- 1.1.114. Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. -М.: АСТ, 1986. -620 с.
- 1.1.115. Фреге Г. Избранные работы. -М.: Гардарика, 1997. -262 с.
- 1.1.116. Фуко М. Герменевтика субъекта: Курс лекций, прочитанных в Коллеж де Франс в 1981-1982 году. \ Пер. с фр. А.Г.Погоняйло. – СПб.: Питер, 2007. – 677с.
- 1.1.117. Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. Пер. с фр . -М.: Прогресс, 1977. -410 с.
- 1.1.118. Фогелер Я.Г. История возникновения и этапы эволюции философской герменевтики / Герменевтика: история и современность. –М.: Прогресс, 1986. –320 с.
- 1.1.119. Хабермас Ю. Фактичность и значимость. –М.: Прогресс, 1992. – 386 с.
- 1.1.120. Хайдеггер М. Бытие и время. Статьи и выступления. -М.: Республика, 1993. -436 с.
- 1.1.121. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. -М.: Высшая школа, 1991. -392 с.
- 1.1.122. Хоружий С.С. О старом и новом. – СПб.: Алетейа, 2000. –532 с.
- 1.1.123. Шеллинг Ф. Философия искусства. –М.: Мысль, 1972. -420 с.
- 1.1.124. Шермухамедова Н. Гносеология. –Тошкент: ЎФМЖ, 2007. -360 с.
- 1.1.125. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. -Тошкент: Университет, 2005. -390 б.
- 1.1.126. Шлейермахер Ф. Герменевтика. -СПб: Европейский дом, 2004. - 190 с.
- 1.1.127. Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. –208 с.

- 1.1.128. Шлейермахер Ф. Речи о религии к образованным людям, её презирующим. Монологи. -М.: Прогресс, 1994. -424 с.
- 1.1.129. Schleiermacher F.D.E. Hermeneutics and Criticism and Other Writings. Tr. Andrew Bowie. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. –220 p.
- 1.1.130. Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы. –М.: Прогресс, 1996. – 526 с.
- 1.1.131. Шульга Е.Н. Когнитивная герменевтика. –М.: ИФРАН, 2002. –214 с.
- 1.1.132. Эбелинг Г. Истина Евангелия: толкование на послание к Галатам. «Die Wahrheit des Evangeliums: eine hesehilfe zum Galaterbrief. - Tubingen: 1981. -182 с.
- 1.1.133. Эбелинг Г. Сущность христианской веры. «Das Wesen des christlichen Glaubens». -Tubingen: 1959. -176 с.
- 1.1.134. Қаҳҳорова Ш. Фалсафага кириш. -Тошкент: Университет, 2005. - 110 б.

б) икки муаалифнинг:

- 1.1.135. История философии. Кохановский В.П., Яковлев В.П. –Ростов на Дону: Феникс, 1999. –562 с.
- 1.1.136. Рахимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари. - Тошкент: Университет, 2005. -256 б.

в) муаллифлар жамоаси учун:

- 1.1.137. Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б. -СПб.: Питер, 1999. -289 с.
- 1.1.138. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар / Назаров Қ. таҳрири остида. -Тошкент: Шарқ, 2005. -618 б.
- 1.1.139. Фалсафа асослари. / Назаров Қ. таҳрири остида. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005. -382 б.

- 1.1.140. Falsafa / Мамашокиров С. таҳрири остида. (лотин ёзувида). - Тошкент: Шарқ, 2005.
- 1.1.141. Фалсафа. / Юсупов Э. таҳрири остида. -Тошкент: Шарқ, 1999. - 496 б.
- 1.1.142. Ҳинд фалсафаси. Ахмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. ва бошқалар. -Тошкент: 2006. -230 б.
- 1.1.143. Шарқ фалсафаси. / Иброҳимов И. таҳрири остида. -Тошкент: 2006. -265 б.
- 1.1.144. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. / Герменевтика. - Тошкент: Шарқ, 2005. -Б.679-685.
- 1.1.145. Hermeneutics and Modern Philosophy / ed. Brice R. Wachterhauser. – Albany (NY) : State Univ. of New York Press, cop. 1986. – 506 p.

г) Луғат ва энциклопедиялар:

- 1.1.146. Всемирная энциклопедия. Философия. –М.: Современный литератор, 2001. -2500 с.
- 1.1.147. Глобалистика. Международный энциклопедический словарь. / Под ред. Мазур И.И., Чумаков А.Н. –Москва-Санкт-Петербург-Нью-Йорк: ЕЛИМА, ПИТЕР, 2006. -1160 с.
- 1.1.148. История философии. Энциклопедия. Интерпрессервис. –Минск: Книжный Дом, 2002. -1376 с.
- 1.1.149. Краткий словарь по логике /Под ред. Д.П.Горского. -М.: Просвещение, 1991. -208 с.
- 1.1.150. Фалсафа қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ НМАК, 2004. -496 б.
- 1.1.151. Философский энциклопедический словарь / под ред. Л.Ф.Ильичева. -М.: Сов. энциклопедия, 1983. -840 с.
- 1.1.152. Энциклопедия Кругосвет. –М.: Политздат, 2000. -1356 с.

1.2. Қўп томлик китоблар:

а) бутун манбага ҳавола:

- 1.2.1. Кассирер Э. Философия символических форм. В 3-х т. / Пер. с нем. С.А.Ромашко. -М.: -СПб.: Университетская книга, 2002. -452 с., -328 с., -620 с.
- 1.2.2. Гегель В.Ф. Работы разных лет. В 2-х т. -М.: Мысль, 1970, 1971. -668 с., -630 с.
- б)алоҳида томнинг таснифи:*
- 1.2.3. Дильтей В. Введение в науку о духе / Собр. соч.: В 6 т. -Т.1. -М.: 2000. -526 с.
- 1.2.4. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1-жуз. -Тошкент: Шарқ, 2003. -231 б.
- 1.2.4. Кант И. Критика практического разума //Кант И. Соч.: В 6 т. - Т.4.,Ч.1., -М.: Мысль, 1965. -501 с.
- 1.2.5. Кант И. Логика / Сочинения в 8 т. -Т.8.- М.: Чоро, 1994. -398 с.
- 1.2.6. Хабермас Ю. Теория коммуникативного действия. В 2 т. -Т.1. - М.: Наука, 1981. -464 с.

2. Дисертация ва диссертация автореферати

- 2.1.Ахмыловская Л.А. Кросскультурный диалог в театральном процессе (на материале постановки русских пьес за рубежом): Автореф. дис. ... канд. искусствовед. наук. -Владивосток.: ДВПИ им. В.В. Куйбышева, 2006. -26 с.
- 2.2.Гафаров Х.С. Философская герменевтика Г.-Г. Гадамера (Становление и развитие) : Дис. ... д-ра филос. наук -Санкт-Петербург, 2003. -345 с. РГБ ОД, 71:04-9/43.
- 2.3.Иванов А.Г. Герменевтика вымысла (Анализ опыта вымысла в процессе смыслообразования) : Дис. ... канд. филос. наук : -Тюмень, 2005. -180 с. РГБ ОД, 61:06-9/54 .
- 2.4.Лопханова, Н. И. Проблема понимания и интерпретации в герменевтике Г. Г. Гадамера и культурно-исторической теории языка

- Л. С. Выготского: Автореф. дис. ... канд. филос. Наук — М.: Современ. гуманит. ин-т., 2003. -27 с.
- 2.5. Пазолини Б. Соотношение эпистемологии и герменевтики в неопрагматизме Р. Рорти : Дис. ... канд. филос. наук : -Новосибирск, 2005. -167 с. РГБ ОД, 61:05-9/574.
- 2.6. Почекунин А.А. Своеобразие истолкования истины в герменевтике: Дис. ... канд. филос. наук : -Иркутск, 2003. -150 с. РГБ ОД, 61:04-9/289.
- 2.7. Сулима И.И. Герменевтика и понимающие подходы в гуманизации образования : Дис. ... канд. филос. наук. -Н. Новгород, 1996. -211 с. РГБ ОД, 61:96-9/103-0.
- 2.8. Тиллоев С.С. История становления и развития архитектуры общественных зданий Душанбе (1924-начало 2000 гг.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. –Душанбе, 2007. – 21 с.
- 2.9. Филиппов С.М. Искусство как предмет феноменологии и герменевтики: Дис. ... докт. филос. наук : -Москва, 2003. -254 с. РГБ ОД, 71:04-9/32.
- 2.10. Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: Фан. фан. номз. ... дис. –Тошкент: Университет, 2002. -120 б.
- 2.11. Шермухамедова Н.А. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления: Дис. ... докт. филос. наук. –Тошкент: Университет, 2002. -300 б.
- 2.12. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. докт. дис. -Тошкент: Академия, 1998. – 326 б.
- 2.13. Юркевич Е.Н. Герменевтика культурной формы понимания. Автореф. дис... д-ра филос. наук: -Х.: Харк. нац. ун-т ім. В.Н.Каразіна, 2005. - 40 с.

3. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

- 3.1. Агапов О.Д. Интерпретация как фактор становления личности. // Вестник РФО. –Москва, 2005.- №4. –С.189-193
- 3.2. Бультман Р. Иисус // Путь. –Москва, 1992. -№ 2. –С.69-75.
- 3.3. Богин Г.И. Проницаемость инокультурных смыслов. // *Hermeneutics in Russia / Герменевтика в России.* . –Москва, 1997. -№1 –С.13-16.
- 3.4. Богин Г.И. Социально-педагогический смысл филологической герменевтики. // *Hermeneutics in Russia / Герменевтика в России.* – Москва, 1997. -№3 –С.34-35.
- 3.5. Богин Г.И. Индивидуация как одна из техник понимания. Жанр и индивидуация // *Hermeneutics in Russia / Герменевтика в России.* – Москва, 1998. -№2 –С.8-11.
- 3.6. Богин Г.И. Смыслообразование как переживаемый процесс // *Hermeneutics in Russia / Герменевтика в России.* –Москва, 1998. -№3 – С.20-22.
- 3.7. Богин Г.И. Textoобразующие средства постмодернизма: их зависимость от художественной традиции // *Hermeneutics in Russia / Герменевтика в России.* –Москва, 1998. -№4. –С.45-52.
- 3.8. Гадамер Х.Г. Хайдеггер и греки / Перевод и примечания М. Ф. Быковой // Логос. –Москва, 1991. -№ 2. -С. 56-68.
- 3.9. Гадамер Г.Г. Игра искусства / Пер. с нем. А. В. Явецкого // Вопросы философии. –Москва, 2006. -№ 8. -С. 164-168.
- 3.10. Гадамер Г.Г. Интервью // Вопросы философии. –Москва, 1996. -№ 7. - С. 127-132.
- 3.11. Гадамер Х.Г. Что есть истина? / Перевод М. А. Кондратьевой при участии Н. С. Плотникова // Логос. –Москва, 1991. -№ 1. -С. 30-37.
- 3.12. Гадамер, Ханс-Георг. — Малахов, Владимир. Русские в Германии. Беседа // Логос. —Москва, 1992. — № 3. -С. 228-232.

- 3.13. Жабборов Ш. Шарқ фалсафий герменевтикаси // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. -№1. –Б. 27-29.
- 3.14. Кашин В.В., Мельник О.А. Конфликт интерпретаций Поля Рикёра // Вестник ОГУ. –Оренбург, 2006. -№7. –С.49-55.
- 3.15. Кашин В.В. Драма гуманистического идеала // Вестник ОГУ. – Оренбург, 2007. -№7. –С.106-110.
- 3.16. Малахов В. С. Воспоминание о Х.-Г.Гадамере // Вопросы философии. —Москва, 2002. — № 9. — С. 172—177.
- 3.17. Тарский А. Истина и доказательство // Вопросы философии. –Москва, 1972. -№ 8. С. 136—145.
- 3.18. Шестакова М. А. Функции здравого смысла в герменевтике Гадамера // Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. — Москва, 1999. — № 4. — С. 90—100.
- 3.19. Юркевич Е.Н. Герменевтическая культура как способ различения региональных герменевтик // Філософські перипетії. Вісник ХНУ ім. В.Н. Каразіна. -№ 654'2005; серія: філософія. – Харків, 2005. - С. 29-34.
- 3.20. Юркевич Е.Н. Герменевтический круг и вчувствование // Філософські перипетії. Вісник ХНУ ім. В.Н. Каразіна. -№ 591'2003; серія: філософія. – Харків, 2003. - С. 47-51.

4. Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар

Мақолага ҳавола:

- 4.1. Богин Г.И. Система смыслов в тексте как пространство значащих переживаний. Оpubл. под назв.: Системность герменевтических усилий реципиентов при работе над текстом // Шетел тилдерін окутудын лингвистикалык мэсэлелері. - Кокшетау, 1999. –С.67-69

- 4.2. Богин Г.И. Слово в тексте как средство пробуждения рефлексии. // Разноуровневые характеристики лексических единиц. -Часть 4. Слово в тексте. - Смоленск, 1999. С. 16-17.
- 4.3. Богин Г.И. Источники непонимания в общении политика с населением // Политический дискурс в России. - М.: Ин-т языкознания РАН, 1998. -С. 11-17.
- 4.4. Богин Г.И. Источники неявной динамики текста \ \ Источники неявной динамики текста // Англистика / Anglistica. - Тверь: ТвГУ, 1999. -С. 9-23.
- 4.5. Богин Г.И. Выработка аксиологически грамотного отношения к тексту как одна из задач прикладной лингвистики // Аударманын тіл теориясынын жэне колданбалы лінгвистиканын сурактары. - Кокшетау, 2000. -С. 31-48.
- 4.6. Богин Г.И. Герменевтическая и риторическая готовность как вершинная ориентация в методике обучения иностранному языку. // Русский язык за рубежом. – Москва, 2000. -С. 72-82
- 4.7. Борисова О.А. К вопросу об онтологии Г. Фреге // Современная логика: проблемы теории, истории и применения в науке. –Санкт-Петербург, 2000. -С.436-439.
- 4.8. Изер В. Изменение функций литературы. Процесс чтения: феноменологический подход // Современная литературная теория. Антология. –Москва: Флинта; Наука, 2004. -С.3-45, 201—225.
- 4.9. Изер В. Рецептивная эстетика. Герменевтика и переводимость // Академические тетради. Выпуск 6. –Москва, Независимая академия эстетики и свободных искусств, 1999. –С. 45-47.
- 4.10.Новолодская Т.А. Дж.Ст.Милль и Г.Фреге. Метафизика имени // Современная логика: проблемы теории, истории и применения в науке. -Санкт-Петербург, 2000. -С.564-568.

- 4.11. Ноздринова Г.Н. Актуализация проблемы понимания во второй половине XX века и эволюция герменевтического мышления // Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «гуманитарные науки». №3. –Ставрополь.: Северо-Кавказский государственный технический университет, 2002. –С.56-57.
- 4.12. Степин В.С. Методологический анализ науки и его роль в современном научном исследовании // Философско-методологические проблемы взаимодействия наук. –Минск: Наука и техника, 1985. С. 67-76.
- 4.13. Шульга Е.Н. Герменевтический анализ логических текстов Г.Фреге // Современная логика: проблемы теории, истории и применения в науке. –Санкт-Петербург, 1998. –С.564-568.

5. Конференция ишларига ҳаволалар

- 5.1. Абдуллаева М. Эпистемологическая эволюция рационализма // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: Халқаро илмий конференция материаллари. 1-қисм. –Тошкент: ЎФМЖ, 2008. –С.28-30.
- 5.2. Артамонова Ю.Д. Язык СМИ и новые проблемы герменевтики. // Наука. Философия. Общество. Материалы V Российского философского конгресса. -Т. 2. –Новосибирск: Параллель, 2009. – С.61-62.
- 5.3. Гребенникова О.М. Аксиологическое содержание феномена непонимая. // Наука. Философия. Общество. Материалы V Российского философского конгресса. -Т. 2. –Новосибирск: Параллель, 2009. –С. 69-70.
- 5.4. Денискин С.А. Герменевтический концепт моделирования жизни. // Наука. Философия. Общество. Материалы V Российского философского конгресса. -Т. 2. –Новосибирск: Параллель, 2009. –С. 71.

- 5.5. Наврўзова Г.Н., Юнусова Г.С. Тасаввуф – Шарқ герменевтикасининг таркибий қисми // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: Халқаро илмий конференция материаллари. –Тошкент: ЎФМЖ, 2008. –Б. 80-82.
- 5.6. Нестеров А.Ю. Проблема понимания в контексте теории сознания. // Философия и будущее цивилизации. Материалы IV Российского философского конгресса. -Т. 1. –М.: Современные тетради, 2005. – С.128-129.
- 5.7. Нестеров А.Ю. Техническая герменевтика и рефлексивное познание. // Наука. Философия. Общество. Материалы V Российского философского конгресса. -Т. 2. –Новосибирск: Параллель, 2009. –С. 78.
- 5.8. Столь А.Б. Проблема определения понятия «Понимание» в современной философии. // Философия и будущее цивилизации. Материалы IV Российского философского конгресса. -Т. 1. –М.: Современные тетради, 2005. –С.163-164

6. Интернет сайтларига ҳаволалар

- 6.1. www.islom.uz.Qomus/islomqomusi_info
- 6.2. www.quran.uz.
- 6.3. www.IRU
- 6.4. <http://www.philosophypages.com/dy/>
- 6.5. <http://www.seop.leeds.ac.uk/entries/husserl/>